

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

Навоий Давлат Кончилик Институти

Кимё-металлургия факультети

«Иқтисодиёт ва менежмент» кафедраси



«ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ»

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Навоий-2012 й.

1 Мавзу: “Иқтисодиёт ва менежмент” фанининг предмети ва вазифалари.	3
3 Мавзу: Саноат миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғи	24
3.2. Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиши	24
3.1. Саноат. Унинг миллий иқтисодиёт	ривождаги
роли ва ўрни	24
4 Мавзу: Рақобат бозорининг самарадорлиги. Талаб ва таклиф назарияси. Ошибка! Закладка не определена.	
5 Мавзу: Саноат ишлаб чиқаришда баҳо ва баҳолаш.....	45
БАЎҚОНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	47
Талаб омиллари	47
Харажат омиллари	47
Рақобат омиллари	47
6 Мавзу: Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари.	50
7 Мавзу: Корхона айланма фондлари ва айланма маблағлар	66
8 Мавзу: Корхонанинг инвестицион фаолияти.....	83
9 Мавзу: Менежментнинг ташкилий тузилмалари.	91
10 Мавзу: Бошқарув усуллари, раҳбарлик ва унинг маданияти.....	99
11 Мавзу: Бошқарув қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичлари.	106
13 Мавзу: Ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқариш усуллари.....	121
14 Мавзу: Рағбатлантириш назариялари, усуллари, турлари ва моделлари.	126
15 Мавзу: Бошқарувда ваколат ва масъулият.	130
16 Мавзу: Бошқарувда назорат ва унинг турлари.	137
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	146

1 Мавзу: “Иқтисодиёт ва менежмент” фанининг предмети ва вазифалари.

1.1.Иқтисодиёт ва менежментнинг моҳияти ва вазифалари

1.2.Иқтисодиёт ва менежментнинг предмети ва изланиш услублари.

1.3.Курснинг мазмуни ва вазифалари.

1.1. Иқтисодиёт ва менежментнинг моҳияти ва вазифалари.

Менежмент курси бозор муносабатларининг конунларини урганувчи муҳим фанлардан бири ҳисобланади."Менежмент" ва "Менежер" сузлари ҳозирги даврда бизнинг ишбилармонлик ва кундалик ҳаётимизда давлатни бозор иқтисодиётига утишдаги иқтисодий тараққиети гоёларини акс эттириб кенг ишлатилади.

Инглизча суз "Management" узбек тилида бошқарувни ташкил қилиш маъносида таржима қилинади. Шундай қилиб, умумий режада менежмент бошқарувни билдиради, яъни у еки бу фаолият турини (ташкил этишни ва раҳбарлик қилишни) иқтисодий молияни ва бошқа инсон ҳаётидаги ишбилармонлик соҳасини ташкил қилиш ва бошқаришни билдиради. Ғарбий адабиётда менежментнинг жуда кўп тушунчалари урин олган.Шулардан учтасини мисол келтирамиз:

1. - бу ташкилотда, унда ишловчи одамлар ҳаракатини аниқ йўналишига солиш ҳисобига мақсад-ниятларига эришиш;
2. - бу ташкил этилмаган бир гуруҳ одамларни самарали, мақсад сари йўналтирадиган ва унумли меҳнат гуруҳига (ташкилотга) айлантирадиган махсус фаолият туридир;
3. - бу ташкилотнинг мақсадига эришишидаги меҳнат ва моддий ресурсларни аниқ йўналишда ишлатилиши эъвазига эришиладиган режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилиш жараенидир.

Бу тушунчалар ҳар хил бўлсада, улар 3 та умумий ҳарактерга эгадир, яъни 3 та бир хил белгига эга:

1. Бошқарувда аниқ мақсад борлигини курсатади.
2. Бу турдаги фаолиятнинг алоҳида аклий тавсифи борлиги ажратиб курсатилади.
3. Ҳар бир ташкилотда бошқарувнинг урни борлигидан ахборот берилади. Учинчи аниқлашувда менежмент маъносининг белгиларига қўшимча қилиб бешта жараенни бирлашгани, яъни режалаштиришни ташкил қилиш, раҳбарлик қилиш, тугри йўлга солиш ва назорат қилиш аниқлаштирилади.

Менежмент - бу иқтисодга таалукли, бозор муносабатларига асосланган алоҳида бошқарув туридир.

1. Менежмент иқтисодий бошқарув усулларига асосланиб, даромад ва фойда олишни кузда тутди.
2. Менежмент - бу мақсадга мувофиқ бошқарув усули еки бу меҳнатни самарали ташкил қилишга йўналтирилган бошқарув.
3. Бу маҳсулот сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишни уз вазифаси деб билувчи бошқарувдир.

4. Менежмент - бу юкори малакали бошқарувдир. Бу ташкилий фаолият тури булиб, унинг мухим бугини, бу аниқ бошқарув шароитларини, янгиликлар лойихасини ишланиши, ташкилот тараккиетининг тактикаси ва стратегияси, шунингдек, бошқаларни хар томонлама ва аниқ тахлил килишдир.
5. Менежмент узини эгилувчан ва уддабурон бошқарув тизими деб билади, уз вақтида кайта тузилиш, бозор конъюктураси, ҳамда рақобат курашини, ижтимоий тараккиет омилини зийраклик билан сеза олиш қобилиятига эга.
6. Менежмент - бу шундай фаолиятки бунда инсон харакатларини тайёрлаш, ташкил килиш ва тугри йулга солиш хақидаги санъатдир.

Менежментни жамиятнинг иқтисодий негизи билан боғлаб, шу билан бирга бошқарувнинг икки - ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий томонларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш лозим.

Ташкилий-техникавий бошқарув аниқ истеъмол қийматини олиш учун маҳсулот тайёрлашда меҳнат тақсимооти ва кооперацияси билан ажралиб туради. Ижтимоий-иқтисодий бошқарув мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, менежмент мақсадларини белгилайди. Ташкилий-техникавий бошқарув меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши учун шароит яратишга имкон берувчи фаолият туридан иборатдир. Ижтимоий-иқтисодий бошқарувнинг мақсади ишловчилар самарали меҳнат қилиши учун шароит яратиш уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли умумдавлат тизимини шакллантириш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида «Кучли ижтимоий сиёсат, аввало сермаҳсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган қаноатли ҳуқуқни қарор топдиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан ҳам иборатдир», деб таъкидлаган эди.

Менежмент моҳияти ишлаб чиқариш усули, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даражаси, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ишлаб чиқариш ривожланиши ва иқтисодий алоқалар мураккаблашуви билан бошқарув ҳам мураккаблашади ва мустақил фан сифатда ажралиб чиқади. Ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлган шароитда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат вужудга келиб, ишлаб чиқаришни бошқариш, фойдани кўпайтиришга йўналтирилади.

Менежментнинг асосини объектив иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қонунларга асосланувчи ҳуқуқий илмийлик ташкил этади. Бу қонунларни ўрганиш ва уларнинг аниқ вазиятларда намоён бўлишини ҳисобга олган ҳолда ҳўжалик раҳбарлари республика халқ ҳўжалигини бошқаришнинг стратегия ва тактикасини белгилайдилар.

Жамият ҳаётининг барча томонлари демократик янгиланиши шароитида асосий масала иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий тараққиётни рағбатлантириш. Бошқариладиган бозор билан шахс ва жамоа манфаатларини самарали боғлаш масалаларидан иборатдир. Назарий ва амалий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш эгалари бўлган меҳнаткашлар манфаатлари энг муҳим манфаат эканлиги, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштирувчи қудратли ҳаракатлантирувчи куч эканлиги шубҳасиздир. Бундан бошқарувни ислоҳ қилишнинг стратегик ғояси меҳнаткаш кишининг обрўсини кўтаришдан, чунки, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг асоси бўлиб виждонан ва маъсулият билан меҳнат қилишга хизмат қилади; ишчининг меҳнатдан манфаатдорлигини кескин ошириш, ўз қобилиятини тўлиқ сарф этиш, уни жамиятни ҳаракатлантирувчи кучларнинг умумий тизимига қўйишдан иборат. Бунга фақат ишчи ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эгаси сифатида меҳнат қилган ҳолдагина эришиш мумкин, бу жуда мураккаб масала, чунки инсон фақат ижтимоий шахс - яъни жамиятга боғлиқ ва унинг таъсири остида бўлиб қолмай, табиий мавжудот ҳамдир. Худди шунга боғлиқ ҳолда унинг шахсий манфаатларини (унга боғлиқ ҳолда ҳуқуқи, ҳаракатлари) ҳар доим ҳам ижтимоий манфаатлар билангина эмас, балки ўз идроки манфаатлари билан ҳам мос келмайди. Кишилар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар акс этувчи манфаатлар улар мақсадлари, меҳнат интизоми, фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади ва уларнинг ҳаракатларини тартибга солади.

Бозор муносабатларига ўтиш ишлаб чиқариш ва бозорнинг самарали ўзаро таъсирини, давлат бошқаруви ва корхоналарнинг ўз-ўзини бошқаришнинг мутаносиб нисбатда бўлишини таъминловчи такомиллашган хўжалик механизмини яратишга йўналтирилгандир. Давлат менежментининг асл мақсади барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини кўришдан иборатдир.

1.2. Иқтисодиёт ва менежмент предмети ва изланиш услублари.

Хар қандай фан ўз предмети, назарияси ва услубларига эгадир. Предмет бу фан нима билан шуғулланиши, унинг қайси соҳага тегишли эканлигини белгилайди. Назария бу соҳада рўй берадиган жараён ва ҳодисаларнинг рўй бериш қонуниятларини аниқлайди.

Изланиш усуллари назариядан келиб чиққан ҳолда кишилар илмий ва амалий фаолияти қандай амалга ошишини кўрсатиб бериши, фаннинг шу соҳасида ҳодисаларни умумлаштириш ва ўрганишнинг турли воситалари ва усуллари тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Менежмент предмети хўжалик юрителишнинг барча даражаларида бошқаришнинг қонунлари (қонуниятлари), тамойиллари ва муносабатларини ўрганишдан иборатдир. Бошқарув муносабатлари ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг ажралмас қисми бўлиб, турли иқтисодий, ташкилий, ижтимоий, меҳнат, психологик ва бошқа кўринишларда бўлади. Бошқарув муносабатлари бошқарув қўл остидаги ходимлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсирнинг мураккаб мажмуини ифодалайди, демак, менежмент бу энг аввало кишиларни бошқаришдир.

Иқтисодиётни бошқаришда бевосита бошқарув объекти меҳнат жамоалари ва алоҳида ходимлардан иборатдир. Фақат уларнинг меҳнат фаолияти воситасида ишлаб чиқаришнинг моддий унсурлари, яъни меҳнат қуроллари ва предметларига таъсир этилади.

Бошқарувнинг энг асосий билиш услуби - диалектик услуб бўлиб, у менежментга ўрганилаётган ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини очишга ёрдам беради.

Менежментга қуйидаги бошқа услублар ҳам хос: воқеълик ҳодисаларини ўрганишга аниқ тарихий ёндашув; ҳўжалик механизми барча элементларини бир вақтнинг ўзида таҳлил қилиш ва тўлиқ бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш имконини берувчи таркибий ёндашув, таркибий таҳлил, иқтисодий тажриба ва бошқалар.

Менежмент маҳорати унинг барча услубларини эгаллаш, уларни тўғри боғлаб қўллаш, ҳар бир аниқ вазиятда энг самаралисини топиш қобилиятига эга бўлишидан иборатдир.

1.3. Курснинг мазмуни ва вазифалари.

Менежмент курсининг мазмунини иқтисодиётни бошқаришнинг, бошқариш тизимлари ва уни тузишнинг ташкилий шакллари, ҳўжалик механизми ва бошқарув услублари, бошқарув техника ва технологиясининг назарий ва методологик асосларини ўрганиш ташкил этади. Менежмент бошқарув фаолиятининг умумий қонуниятлари ва тамойиллари, бошқарув тизимига таъсир усулларини шакллантиради, бошқарув аппаратининг аниқ вазиятлардаги ҳаракатлари ва ўзини тутиш ҳолларини умумлаштиради. Иқтисодиётни бошқаришнинг назарий ва амалий томонларини ўрганади. Бошқарув назарияси бошқарув фаолиятининг қирраларини бутун бир мажмуа кўринишида, назарий таҳлил ва мантикий услуб асосида бошқаришнинг асосий қонуниятлари ва усулларини ажратиб ўрганади.

Менежментнинг амалий томонлари қуйидаги аниқ вазифаларни ҳал этишга: иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтишига, фойда олишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга, кишилар маънавий даражаларини ўстириш ва бошқаларга қаратилгандир.

Менежментнинг бу амалий қисми бошқарув тамойилларини ўзини эмас, балки уларни бошқарув амалиётида қўллаш қобилияти, яъни улардан аниқ кўринишларидан аниқ вазиятда, фойдалана олиш қобилиятини ўрганади. Унинг бошқариш назариясидан фарқи у иқтисодиётни бошқариш амалиётида қонуниятлар, тамойиллари ва услубларидан фойдаланиш намуналарини ишлаб чиқаришдадир.

Таянч иборалар:

Менежмент, менежер, бизнес, концепция, ташкилот, тадбиркор, раҳбар, ишбилармон, бозор муносабатлари.

Саволлар:

1. Менежментга қандай билимлар зарур?
2. Менежмент нима?
3. Менежер ва тадбиркор қандай хусусиятлари билан фарқланади?
4. Менежментнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Менежментнинг амалий қисми нимани ўрганади?
6. Бошқарув муносабатлари деганда Сиз нимани тушунасиш?
7. Менежментнинг қандай методларини биласиз?

2 Мавзу: Ўзбекистон иқтисодиётининг устивор йўналишлари ва саноатида замонавий бошқарув тизими

- 2.1 Бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатида
- 2.2 Бошқарувнинг асосий тамойиллари ва усуллари
- 2.3 Бошқарувнинг замонавий тузилиши
- 2.4 Бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

2.1. Бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатида

Ҳар қандай ишлаб чиқариш бошқарувнинг муайян тизимсиз оқилона ҳаракат қила олмайди ва ривожланмайди. Шу туфайли ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида жамият ўзига хос ва мос бошқарув тизимини яратади.

Бошқарув тушунчаси узоқ ва чуқур тарихий тараққиётга эга. Унинг юзага келиши эса инсоният тараққиётининг энг муҳим жараёнларидан бири ҳисобланади. Бошқарув фаолиятининг дастлабки даврида инсонлар ўз билим ва тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни бошқарган бўлсалар, аста-секинлик билан техника-технологиянинг ривожланиши, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ва ҳар хил ташкилий шароитлар юзага келиши натижасида фаолиятнинг мазкур тури анча мураккаблашиб борди. Бундай ҳолатни англаш, чуқурроқ ўрганиш ва билиш “Бошқарув фани”нинг вужудга келишига олиб келди.

Бошқарувнинг бир қатор назарий ва амалий вазифалари Ф.У. Тейлор томонидан асослаб берилган. У бошқаришга “Нима қилиш кераклигини, уни энг яхши ва қулай усулда амалга оширишни аниқ билиш санъати”, - деб таъриф берган.

Бошқарувнинг маъноси ва моҳияти, аҳамияти ва мазмуни, тамойиллари ва усуллари тўғрисида буюк олимлар, мутафаккирлар, мутахассислар жуда кўп фикр айтган ва ёзиб қолдиришганлар.

Бошқарув – бу алоҳида функция бўлиб, турли-туман соҳалар (мамлакат ва унинг ҳудудлари миллий иқтисод ва унинг тармоқлари, корхона ва унинг бўлимлари) да инсонлар устидан раҳбарлик қилиш фаолиятидир.

Бошқарув – бу ташкилотнинг мақсадини ифодалаш ва унга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, иштиёқни уйғотиш (мотивация) ва назорат қилиш бўйича фаолият тури жараёнидир.

Бошқарув – бу шундай фаолиятки, унинг ёрдамида уюшмаган жамоа (ҳалойиқ ёки тўда) самарали ва аниқ мақсадга йўналтирилган унумли (баракали) гуруҳга айлантиради.

Бошқарув – бу маълум жараёнга, организм ва жамоага мақсадли таъсир кўрсатишни ўзида ифода этган ижтимоий фаолиятнинг бир туридир.

Бошқарув – бу муайян ахборотга асосланган ва мавжуд дастурга мувофиқ объектнинг ишлашини, яъни фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар мажмуасидир.

Шунингдек, машҳур француз олими Анри Файоль ҳам бошқарувга қуйидагича таъриф беради: “Бошқарув – бу корхона ихтиёридаги барча ресурслардан максимал (энг кўп – А.О.) фойда олган ҳолда уни мақсад сари етаклаш фаолиятидир“. Демак, бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён ҳисобланади.

Макроиктисодий соҳанинг етакчи тармоғи бўлган саноатни бошқариш зарурияти тўғрисида гапирилганда юқоридаги таърифларни янада кенгайтириш ва мазмунан бойитиш зарурати юзага келади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни, жумладан, унинг энг йирик ва етакчи соҳаси бўлган саноатни бошқаришнинг объектив заруриятини изоҳлаб шуни айтиш керакки, йирик миқёсда амалга ошириладиган, ҳар қандай тўғридан-тўғри қилинаётган меҳнат, ишлаб чиқариш **кўпроқ ёки камроқ даражада** бошқарилишга муҳтождир.

Бошқарув индивид ёки жамоа фаолиятининг алоҳида тури сифатида ҳар қандай ижтимоий жамиятга хос жараёндир. Лекин унинг тавсифи, мақсади, вазифалари, жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир босқичда бу категориянинг асосий муаммолари чуқур, ҳар томонлама тадқиқ қилинади ва уларнинг ечими топилади.

Иқтисодиётда бошқаришнинг энг муҳим муаммолари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Бошқарувнинг назарий асослари ва фундаментал қоидаларини илмий ва амалий томондан ишлаб чиқиш: Бунда жамият тараққиётининг янги шароитларида бошқарувнинг моҳияти, аҳамияти, мазмуни, мақсади ва вазифаларини аниқлаш;

2. Бошқарувни бозор иқтисодиёти ва хўжалик фаолиятини демократлаштириш тамойиллари ҳамда усуллари билан уйғунлаштириш;

3. Иқтисодиётни бошқаришнинг энг юқори самара келтирадиган усулларини аниқлаш;

4. Бошқарув идораларининг ташкилий тузилмасини, уларнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш;

5. Бошқарув идораларини ҳозирги замон техника ва технологияси билан таъминлаш, улар фаолиятида статистик ва иқтисодий-математик усулларни кенг миқёсда жорий этиш, ахборот таъминоти ва бошқарув жараёнида ишлатиладиган ҳужжатлаштириш тизимини такомиллаштириш;

6. Жамоани бошқаришнинг энг яхши шакл ва усулларини излаб топиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш бошқарувида жорий этиш;

7. Саноат ва унинг барча тармоқларини бошқаришда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан кенг фойдаланиш.

Бошқарув илми (менежмент)да бошқарувнинг икки хил тушунчаси мавжуд бўлиб, уларнинг бирини бошқарувнинг субъекти ва иккинчисини бошқарувнинг объекти ташкил этади.

Бошқарув субъекти – бу жисмоний ёки юридик шахслар бўлиб, ундан амалдаги қонунлар асосида ҳокимият идоралари томонидан берилган ваколатларга мувофиқ ҳуқуқий таъсир юзага келади.

Бошқарув объекти – бу бошқарув субъектининг ҳуқуқий таъсири қаратилган нарсадир. Бунга ишлаб чиқариш ва хўжалик тизимлари, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, жисмоний ва юридик шахслар кириши мумкин.

Кўриниб турибдики, у ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам инсонларни бошқариш инсонларнинг ўзи томонидан амалга оширилади. Фақат кишилар, уларнинг фаолияти, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш, хўжалик ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ бўлган фаолиятлари бошқарувнинг предмети, яъни ҳозирги замон менежментининг асоси ҳисобланади. Бошқарувнинг субъекти ва объектисиз менежмент фан ва хўжалик тажрибаси сифатида ўз мазмун ва моҳиятини йўқотади.

Албатта, минглаб кишилар ишлайдиган саноат ҳам бу тушунча ва мулоҳазалардан ҳоли эмас. Айниқса саноат ишлаб чиқаришида “субъект“ ва “объект“ тушунчалари бошқа тармоқларга нисбатан хийла равшанроқ кўринади. Бунда вазирлик, компания ва корпорациялардаги бошқарувчилар корхонадаги бошқарувчиларга, корхонадаги бошқарувчилар эса цех, участка бошқарувчиларига раҳбарлик қиладилар. Кўриниб турибдики, саноатни бошқариш ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришда амал қиладиган қонун ва қоидаларга бўйсунди. Шу туфайли саноатни бошқариш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Бошқарув жараёни қаерда амалга оширилишидан қатъий назар, циклли (даврий) ва айна вақтда узлуксиз ҳисобланади. Бошқарув даври мақсаднинг аниқланишидан унга эришилгунгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Демак, унинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- мақсадни шакллантириш (белгилаш);
- мақсадни режалаштириш ва башорат қилиш;
- қабул қилинган қарорлар ёки мақсадли вазифаларни мувофиқлаштириш;
- эришилган натижаларни таҳлил этиш ва баҳолаш;
- янги бошқарувли тизимни танлаб олиш ва аниқлаш.

Бу барча цикллар учун энг муҳим бошқармавий тизим ҳисобланади.

Фақат бундай тизим бошқарувнинг негизини ташкил этади. Таъсир этиш самарали бўлиши учун қуйидаги асосий шартларга риоя қилиш зарур:

- бошқаришнинг субъекти ва объекти бошқарувчи ва бошқарилувчи қуйи тизимлар сифатида бир-бири билан сабабли- натижавий боғлиқ бўлиши зарур;

- бошқарувчи қуйи тизимнинг аниқ бошқариш бўйича мақсади бўлиши керак;

- бошқарувчи қуйи тизим бошқарув объектининг аҳволи, унинг фаолияти натижалари, атроф-муҳитнинг имкониятлари тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш қобилятига эга бўлиши керак;

- бошқарув объекти бошқармавий таъсирларни қабул эта оладиган бўлиши ва уларнинг мазмунига мос келадиган ишларни бажара олиши керак.

Бу шартларга риоя қилиш бошқарувчанликни, яъни бошқарув тизимининг ишчанлигини таъминлайди. Бошқарувнинг объекти қанчалик мураккаб бўлса, бошқарув идорасининг ишчанлик қобиляти ҳам шунчалик юқори бўлиши даркор.

Ҳар қандай бошқарув ўз мақсади ва вазифаларига эга бўлади.

Мақсад – бу инсон фаолиятининг аввалдан фикран ўйланган натижасидир. Шунга биноан, бошқарувнинг мақсади деганда, бошқарув субъектининг олдиндан ўйланган, мўлжалланган, эришиш зарур бўлган натижаси тушунилади. Саноатда эса бу кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ўз вақтида сотиш ҳамда мўлжалланган фойдани олишдир.

Ҳар қандай мақсадга маълум талаблар қўйилади. Даставвал, мақсад илмий ва амалий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Иккинчидан, у аниқ, яхши ифодаланган ва адресли бўлиши зарур. Учинчидан, қўйилган мақсад эришимли бўлиши, яъни унга етишишнинг имкониятлари, шарт ва шароитлари ҳисобга олинган бўлиши керак.

Қўйилган мақсадга эришиш учун маълум вазифаларни бажариш керак бўлади. Маълумки, вазифа – бу аввалдан белгиланган, аниқланган, кўрсатилган, бажарилиши ва ҳал этилиши лозим бўлган иш, нарсадир.

Саноат ишлаб чиқаришида бошқарувнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Келажакни аниқ кўрмоқ (истикболни тўғри башорат қилиш ва унга монанд бўлган фаолият дастурини тузиш);

2. Ташкиллаштирмоқ (саноатнинг ички, моддий ва ижтимоий тузилмасини барпо этиш);

3. Персонални идора қилмоқ (саноат ишлаб чиқариш ходимларини ҳаракатга келтириш);

4. Келишиш (ҳаракат ва тиришқоқликни бир бири билан уйғунлаштириш);

5. Назорат қилиш ва кузатиш (жорий этилган ва берилган буйруқ асосида ҳаракатнинг, яъни фаолиятнинг қандай тарзда бўлаётганини мушоҳада қилиш).

Бошқариш жараёнида олдиндан кўра билиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Барча жараёнларни кузатиб, уларнинг ўзгаришига қараб ишлаб чиқариш,

иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш бошқарилиб турилади. Масалан, маҳсулотга бўлган эҳтиёж, нарх-наво, техника ва технологиялар ўзгариши, иш ҳақи ва ижтимоий муҳофазанинг ҳолати ишлаб чиқаришга катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун вазиятга қараб керакли ўзгаришларни зудлик билан амалга ошириш керак бўлади.

Бошқариш жараёнида режалаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, маҳсулот ҳажмини белгилаганда уни барча ресурслар билан таъминлаш ва уларни етказиб бериш масаласига катта эътибор бериш керак бўлади. Маълумки, режалар бир кунлик, ўн кунлик, бир ойлик, бир кварталлик, бир йиллик, беш йиллик ва ўн-ўн беш йиллик бўлиши мумкин. Охиргиси концепция, прогноз, яъни башорат тушунчалари билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлади, чунки у энг аввало юзага келади, шаклланади, ривожланади ва такомиллашади. Ана шу ўзгаришларни ташкилотчилик таъминлайди. Ташкилотчилик – моддий техника таъминоти, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотни сотиш жараёнларидан иборат бўлади. Ташкилотчиликка кунда юз берадиган муаммоларни тез ҳал этиш билан боғлиқ бўлган фаолият ҳам киради.

Мувофиқлаштириш ва назорат ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Тармоқлар, корхоналар, цехлар ва участкалар, бўлимлар ҳамда унда ишлайдиган ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириб турилгандагина юқори натижаларга эришиш мумкин бўлади. Барча топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун назорат керак бўлади.

Бошқарув жараёни одатда қуйидагича амалга оширилади:

- бошқариладиган объектнинг ҳолати ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш;
- объектнинг ҳар хил ҳолатини тахмин қилиш ва муайян вазиятдаги энг яхши ҳолатини белгилаш;
- бошқаришга оид қарор ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқарувчига етказиш;
- берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

Ушбу тартиб доимо, узлуксиз қайтарилиб туради.

Бошқарув жараёни амалга ошириш учун бошқарув идораси ташкил этилади. Бу идора энг камида ўзининг раҳбарига, бухгалтери ва таъминотчисига эга бўлиши керак. Иш кўлами ортиб бориши билан бошқарув аппаратида бошқарувчилар ва ходимлар сони ҳам ортиб бориши мумкин. Лекин, оддий ва жуда содда бошқарув идоралари билан мураккаб объектларни бошқариш мумкин эмас. Шу сабабли ишлаб чиқаришни бошқаришнинг мақбул звено ва пиллапоялари ташкил этилади.

2.2. Бошқаришнинг асосий тамойиллари ва усуллари

Бошқарув тамойиллари деганда, раҳбарлик қилишнинг фундаментал қоидалари тушунилади. Улар иқтисодий қонунлар ҳаракати ва бошқариш усуллари билан боғлиқ бўлган воқеликларнинг моҳиятини акс эттиради.

Бошқариш механизмини қуйидагича таърифлаш мумкин:

қонунлар – тамойиллар – усуллар – услублар

Ушбу механизмнинг энг муҳим элементи қонун ҳисобланади. Шу сабабли у тўғрисида икки оғиз сўз айтиш керак бўлади. Қонун бу объектив борликда турли ҳодисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари, ҳамма мавжуд бўлган зарурий боғланиш, муносабатдир. Масалан, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт қонунлари: талаб ва таклиф қонуни, қиймат қонуни ва бошқалар.

Қонун – бу давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришида меҳнат қилаётганлар учун ҳам мажбурий бўлган ижтимоий ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий ҳужжат. Масалан, Конституция Ўзбекистон давлатининг асосий қонунидир.

Тамойилларни бошқарув фани назарияси ва амалиётнинг пойдевори дейиш мумкин. Маълумки, пойдевор қанча мукамал ва мустаҳкам бўлса, бошқарув апараты шунчалик қудратли бўлади.

Бошқарув тамойилларининг шаклланиши чуқур тарихий илдизга эга. Хусусан, Ўзбекистонда бу тамойиллар Амир Темур ҳукмронлиги даврида шакллана ва ривожлана бошлаган. Ўзининг ихчам, тезкор бошқариш девонига эга бўлган Марказий Осиёдаги Ўзбекистондек буюк давлат: илмий, яккахонлик, иерархия (бўйсиниш тартиби), билимдонлик, жавобгарлик, демократия каби тамойиллар асосида бошқарилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболга эришишининг асосий тамойиллари Республика Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида ўз аксини топган (13-жадвал):

13-жадвал

Бозор иқтисодиётида Ўзбекистонда давлатни бошқариш тамойиллари

№	Тамойиллар	Изоҳ
1.	Демократия тамойили	- инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳамда уни амалга ошириш; - барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги; - давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги; - давлат ва нодавлат иқтисодиётидан сайловчилар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар.
2.	Иқтисодий	- монополлашган иқтисодиётдан эркин

	муносабатларни демократиялаш тамойили	иқтисодиётга; - социалистик мусобоқадан эркин, соф рақобатга; - қатъий белгиланган нархлардан эркин нархларга; - давлатлашган мулкдан хилма-хил мулкчиликка асосланган иқтисодиётга ўтиш.
3.	Юксак маънавий тамойил	- мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушуниш, - яъни: - Ўзбекистон давлатининг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш; - ўзининг ва ўз халқининг, ватаннинг қадру-қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш; - Юксак ғоялар, янги кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди ва иқтидори, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишдир.
4.	Миллий ҳафсизликни таъминлаш тамойили	- Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига кириш суръатларини тезлаштириш; - Турли халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ишларида фаол иштирок этишни таъминлаш.

Ўзбекистоннинг истиқлол йўли Ислом Каримовнинг бозор муносабатларига ўтиш юзасидан олға сурган беш тамойилига асосланади. Уларнинг моҳияти қуйидагича (14-жадвал).

14-жадвал

Беш асосий тамойил¹

№	Асосий тамойиллар	Асосий тамойилларнинг моҳияти
1.	Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги	Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирорта мафкурага бўйсундирилиши керак эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур.
2.	Давлат бош ислохотчи	Давлат асосий ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиш, жаҳолатпарастлар ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ёзига хос йили. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. 42 бет

3.	Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги	Қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истиносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.
4.	Кучли ижтимоий сиёсат юритиш	Аҳолининг демократик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.
5.	Бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтиб бориш	Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар» сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта уйлаб босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик шароитларини шакллантириб ва ривожлантириб боришни, унга аста-секин, босқичма-босқич, аҳолининг заиф қатламларини ҳимоя қила бориб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий барқарорликни таъминлаш орқали бозор муносабатларига ўтишни билдиради. Айни вақтда улар кенгаш, ҳамжиҳатлик, маслаҳат билан иш юритишни, шижоат ва таваккалчилик билан ҳаракат қилишни талаб этади. Бу орада соҳибқирон Амир Темурунинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир. «Тажрибамдан кўрилганки, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради».²

Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлари, корхоналари ва бошқа соҳаларини бошқаришда бир қатор бошқа тамойиллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- яккабошчилик ва бошқарувда ҳамжиҳатлик;
- бошқариш жараёнида режалиликни бозор талаблари билан боғлаб олиб бориш;
- барқарорлик тамойили;
- меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш тамойили;
- илмийлик тамойили;
- тежамкорлик тамойили;

² +аранг, «Темур тузуклари». – Т.: /улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 24 бет

-кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойили.

Раҳбарлик қилишнинг фундаментал қоидаларини амалга ошириш учун бир қанча усуллардан фойдаланиш керак бўлади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- ташкилий-маъмурий усуллар;
- иқтисодий усуллар;
- ижтимоий-руҳий усуллар;
- тарбиявий усуллар;
- ҳуқуқий усуллар ва ҳ.к.

Ташкилий-маъмурий усуллар тўғрисида сўз юритилганда, аввало, бу усулнинг моҳияти, аҳамияти, шакллари очиқ бериш керак. Сўнгра, бошқаришнинг ҳуқуқий воситалари, ҳуқуқий меъёрларини баён этиш зарур.

Ташкилий-маъмурий усуллар бошқарув усуллари тизимида алоҳида ўрин тутди ва қўйи идораларнинг юқори идораларга бўйсунушига асосланади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, бошқариш тизимидаги муносабатларни тартибга солиб туради, жамоалар ичида ва орасида рационал алоқалар таркиб топишига ёрдам беради.

Ташкилий-маъмурий усуллар ёрдамида билан бошқарув аппаратининг муайян тизимини тузиш; бошқарув бўғинларининг функцияларини белгилаш; кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш; буйруқлар, фармойишлар ва қўлланмалар чиқариш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш; топшириқлар ва директив кўрсатмаларни бажармаётган бўлинма ва шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш амалга оширилади.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланади. Зеро, ҳар бир муайян жамиятнинг иқтисодий муносабатлари, энг аввало манфаатлар тарзида намоён бўлади. Манфаатлар уч хилда бўлиши мумкин:

- умумжамият манфаатлари;
- жамоа манфаатлари;
- шахсий манфаатлар.

Бу манфаатларни уйғунлаштириш муаммоси бир қатор вазифаларни ҳал этишни, ҳар давр шароитларига мувофиқ келадиган муносабатлар ўрнатишни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қуйидаги иқтисодий усуллардан кенг фойдаланишга эътибор берилади:

- тармоқлар ва уларнинг бўлинмаларига фаолият юритишларида эркинлик ва мустақиллик беришга;
- барча соҳаларни пировард натижаларга биноан моддий рағбатлантириш, солиқ имтиёзларини беришга;
- корхона ва хўжаликлар ўртасидаги ўзаро шартномаларнинг бажарилиш интизомини мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини оширишга;
- молия-кредит муносабатларини такомиллаштиришга;

- бозор муносабатлари механизмлари: баҳо ва фойда, солиқ ва бож тўловлари, кредит ва рентабеллик, рақобат ва ҳоказоларга алоҳида эътибор берилади.

Бу усулда ходимларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини юзага чиқариш орқали уларнинг самарали ишлаши таъминланади. Шу мақсадда кўпинча иш ҳақи тўлаш, мукофотлар бериш, бир йўла катта маблағ билан тақдирлаш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий усуллар бошқаришнинг барча усуллари орасида етакчи ўрин эгаллайди. Бу усулдан оқилона фойдаланиш жиддий режалар қабул қилишга, барча ресурслардан янада унумлироқ фойдаланишга, янги технологияларни жорий этишга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва фойдани максималлаштиришга, натижада ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар яратиб беради.

Бошқарув тизимининг муҳим усули ҳисобланган ижтимоий-руҳий усулларнинг асосий мақсади жамоаларда соғлом ижтимоий-руҳий муҳитни яратишдан иборат.

Саноат ишлаб чиқаришини бошқаришда ҳам бир қатор умумфалсафий усулларни қўллаш мумкин. Саноатни бошқаришнинг сир-асрорларини илмий асосда ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги усуллардан ҳам кенг фойдаланилади:

1. Тизимли ёндашув
2. Комплекс ёндашув
3. Таркибий ёндашув
4. Вазиятли ёндашув
5. Интеграцион ёндашув
6. Моделлаштириш ёндашув
7. Иқтисодий математик ёндашув
8. Кузатиш усули
9. Тажриба усули

Биринчи усулда саноат ишлаб чиқариши яхлит тизим тарзида олиб қаралади. Иккинчи усулда эса саноат бошқа соҳалар, тармоқлар билан ўзаро боғланишда ва алоқадорликда қаралади. Учинчи усулда саноат ишлаб чиқариши таркибий қисмларга, яъни тармоқлар, корхоналар, саноат инфраструктураси ва ҳоказоларга бўлиб ўрганилади. Тўртинчи усулда саноатнинг муайян шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб бошқаришнинг маъқул услуби қўлланилади. Бешинчи усулда саноат юқоридаги усулларни биргаликда қўллаш ёрдамида бошқарилади.

Моделлаштириш ва иқтисодий математик усуллардан фойдаланиш жараёнида турли чизмалар, хомаки материаллар тайёрланади ва ҳисоблаш техникаси ва компьютер технологияларнинг барча имкониятлари ишга солинади.


Ва ниҳоят, социологик кузатув усулида саноат ишлаб чиқаришини илмий жиҳатдан асосланган бошқариш мақсадида турли анкетали сўровлар, суҳбатлар, тестлар ва инфоратузилмавий таҳлилларни ўтказиш керак бўлади.

Хўжаликка раҳбарликнинг тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқариш жараёнида инсонларга бошқарувнинг тегишли шакллари ва бошқарув идоралари ҳамда унинг ташкилий тузилмалари орқали таъсир этади.

Саноатни ривожлантиришнинг конун билан ҳал этиладиган масалалари (масалан, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг истикболи ва йиллик режалари, саноат бошқарувининг янги идораларини ташкил этиш) мамлакат давлат ҳокимияти олий идораси – Олий Мажлис томонидан муҳокама қилинади ва ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, шу жумладан, саноатнинг самарали фаолиятга раҳбарликни, саноат ишлаб чиқишга тегишли бўлган барча қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Бу маҳкаманинг таркибий тузилиши 3-чизмада берилган.



3-чизма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг структураси.

Ўзбекистон саноати тасарруфида ўнлаб мустақил тармоқлар, минг-минглаб корхона (фирма)лар фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бирини ривожлантириш, бир-бирлари билан ўзаро мувофиқлаштириш, уларни республика ҳудудларида жойлаштириш, маҳсулот (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш)га бўлган талабни аниқлаш ва бошқа жуда мураккаб, кенг қамровли масалаларни ўз вақтида оқилона ҳал этиш **тармоқ бошқарувини** амалга оширишни тақозо этади. Шу сабабли бир қатор тармоқ идоралари ташкил этилади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- вазирликлар ва давлат қўмиталари;
- концернлар ва корпорациялар, уюшма ва ассоциациялар;
- холдинг ва миллий компаниялар;
- корхоналар (фирма)лар ва бошқалар.

Вазирликлар Вазирлар Маҳкамасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, улар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўзларига бўйсунувчи барча корхона (фирма)лар ва ташкилотларга раҳбарлик қиладилар. Шу сабабли **Вазирлик** – бу ўзига тегишли тармоқнинг хўжалик тизимида бошқаришнинг энг олий бўғинидир. У қуйидаги фаолиятлар учун жавобгар ҳисобланади:

- тармоқнинг аҳволи, уни янада тараққий эттириш;
- кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш ва ҳимоялаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажми, сифати ва унинг рақобатбардошлиги;
- тайёрланаётган маҳсулотга бўлган ички ва ташқи талабни қондириш;

- ва ниҳоят, ўзига қарашли корхоналарнинг хорижий мамлакатлар билан алоқасини ташкил этиш ва кучайтиришга масъулдир.

Вазирликлар томонидан амалга оширилаётган бошқарув механизмининг шаклини «Ўзқишлоқхўлиқмаш-холдинг» холдинг компанияси мисолида кўриш мумкин.



4-чизма. Тармоқ бошқарувининг ташкилий структураси

Саноатга раҳбарлик тизимида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки у иқтисодиётни бошқаришнинг энг йирик илмий режали-иқтисодий идораси ҳисобланади. Бу ташкилотнинг тузилиши тўғрисида 2002 йилнинг 24 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинган. Бу фармонга мувофиқ Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ҳамда комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга

ошириш, қуйидаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган чуқур ўйланган ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш юклатилган:

- макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ва жадал суръат билан ривожланишни таъминлаш;

- кўп укладли ва самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодиётни шакллантириш, хусусий мулкчиликнинг етакчи ролини таъминлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

- бой табиий ва минерал-хомашё заҳираларидан, бунёд этилган ишлаб чиқариш ва фан-техника салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ мақсад йўлидаги структуравий сиёсатни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимида кенг миқёсида интеграциялашувини таъминлаш;

- янги иш жойларини яратиш, меҳнат ресурсларини оқилона банд этиш муаммосини ҳал этиш, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, аҳолининг турмиш даражаси барқарор, жадал ўсишини, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш;

- мамлакат минтақалари иқтисодиётининг комплекс ривожланишини, ишлаб чиқарувчи кучларни мамлакат ҳудуди бўйича мақбул ҳамда самарали ривожлантириш ва жойлаштиришни таъминлаш.

Миллий иқтисодиётни, шу жумладан, саноатни бошқаришда собиқ Фан-техника Давлат қўмитасининг роли алоҳида ўрин эгаллаган. Бу қўмита саноат ишлаб чиқариши соҳасида фан-техника сиёсатини амалга ошириб келган. Эндиликда бу қўмита ўрнига 2002 йил 20 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши тузилган. Бу кенгаш зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилган:

- фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар, технологик ишланмаларнинг устувор йўналишларини иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар ривожланишининг стратегияси, шунингдек мамлакат иқтисодиётидаги қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболли таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда белгилаш;

- мамлакат манфаатлари ва давлатимизнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиёт соҳасидаги устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда йирик илмий-тадқиқот дастурлари ва технологик лойиҳалар бўйича экспертизалар ташкил этиш ва экспертиза хулосаларини тасдиқлаш;

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат устувор йўналишларига мос келувчи йирик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни тасдиқлаш;

- илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар бўйича йиллик Давлат дастурини тасдиқлаш;

- янги инновациявий илғор ғояларни илгари сурувчи, жаҳон илм-фанидаги янги, истиқболли йўналишларни мунтазам кузатиб боровчи ҳамда мамлакат манфаатлари йўлида қўллай олишга қодир иқтидорли ёш олимларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш.

Саноат ишлаб чиқаришнинг молиявий масалаларини ҳал этишда Молия вазирлигининг тутган ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Саноат ва унинг тармоқларига қарашли соҳаларда меҳнатни ташкил этиш, ишчи кучини тақсимлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

2.4. Бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Саноат ишлаб чиқаришига оқилона раҳбарлик қилиш мамлакат халқ хўжалигининг янада тараққий этишига ва мустақамланишига ҳар доим катта таъсир кўрсатиб келди ва келгусида ҳам етарли таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам саноатни бошқариш масалалари доимо Республика Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг диққат эътиборида бўлади. Натижада, саноатни бошқариш тизими миллий иқтисодиёт ва саноат олдида турган вазифаларга боғлиқ равишда муттасил ўзгариб туради.

Мустақилликка эришилгандан сўнг бошқарув тизимида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Иқтисодиётга раҳбарликнинг илмий асослари, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқилди, бошқарувнинг янги тузилмалари, уларнинг функциялари, ҳуқуқлари ва бурчлари аниқланди. Лекин, ҳали хўжаликка раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқаришни бошқаришни яхшилаш борасида ўз ечимини кутаётган топмаган муаммолар кам эмас. Шунинг учун келгусида саноат ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1. Бозор иқтисодиёти қоидалари ва демократик тамойилларга асосланган бошқарув тизимини барпо этиш;

2. Бошқарувни амалга ошириш жараёнида иқтисодиётни мафкурадан тўла ҳоли қилиш, иқтисоднинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш;

3. Хўжаликка раҳбарлик қилишда давлатнинг бош ислохотчи бўлишига эришиш. Бозор муносабатларига ўтиш чуқурлаша борган сари давлатнинг бошқарув тизимидаги мавқеъини нодавлат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш тизимларига ўткази бориш;

4. Бошқарув жараёнларининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларга қурилишини таъминлаш. Қонунларнинг барча бошқарув субъектлари ва объектлари томонидан оғишмай бажарилишига эришиш;

5. Бозор ислохотлари босқичма-босқич ва изчил равишда амалга оширилишини инобатга олган ҳолда бошқарув тизимини ҳам босқичма-босқич такомиллаштириб боришни таъминлаш.

Марказдан туриб раҳбарлик қилишда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши керак бўлади:

- инсон омилини максимал даражада фаоллаштириш, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини юқори даражага кўтариш, самарали ва сифатли меҳнат қилиш учун шароит ва унга ундовчи мотивларни яратиш; аҳолининг иш билан самарали ва оқилона банд бўлишини таъминлаш ва ижтимоий адолат тамойилини изчил амалга ошириш асосида мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш;

- энг янги, аввало илм-фан асосида тараққий этадиган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадаллик билан ривожлантириш;

- мамлакат ишлаб чиқариш аппаратини техника ва технология жиҳатидан доимо янгилаб туриш, ундан оқилона фойдаланишни тўла таъминлайдиган структура ва инвестиция сиёсатини юритиш;

- республиканинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва уни ишлаб чиқариш билан бирлаштириш, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларини ва ахборот технологияларини жадалроқ ривожлантиришга, хавфсиз ва экологик жиҳатдан тоза ишлаб чиқаришларни яратишга, иқтисодиётни интенсивлашни таъминлайдиган миқёсларда ресурсларни тежашга эришишга қаратилган илмий-техника сиёсатини амалга ошириш;

- бозор иқтисодиётининг барча воситаларидан беками-кўст фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг, жумладан, саноат ишлаб чиқаришнинг барча сифат кўрсаткичлари янада яхшилашга эътиборни кучайтириш;

- барча вилоятлар ва туманлар манфаатларини акс эттирадиган ва улардан ҳар бирининг миллий иқтисод комплексига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга ёрдам берадиган регионал сиёсатни амалга ошириш;

- ҳалқаро меҳнат тақсмотининг, интеграциянинг афзалликларидан янада самаралироқ фойдаланишга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш.

Марказланган раҳбарликнинг янгича қиёфаси, ўзбек моделига хос хусусияти шу билан тавсифланадики, бунда вазифалар маъмурий усуллар билан эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий усуллар билан ҳал этилади, ишлаб чиқариш катнашчиларининг манфаатларини бирга қўшиб олиб бориш асосида демократик йўл билан амалга оширилади.

Бошқарувнинг сифат жиҳатлари, самарадорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ:

- давлат ва нодавлат идораларининг раҳбарларини тўғри белгилашга;
- тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилинишига;

- кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга;
- назоратни ташкил этишга;
- идора ходимлари меҳнатининг техник жиҳатдан қуролланишига.

Буларнинг барчасини шартли бошқарувнинг технологияси деса бўлади.

Айни вақтда, масаланинг бир муҳим жиҳати, яъни ходимларни бошқарув жараёнига тортиш ва уларнинг бу жараёнда манфаатдор сифатида қатнашиши алоҳида аҳамият касб этади.

3 Мавзу: Саноат миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғи

3.1. Саноат ва унинг миллий иқтисодиёт ривожигаги роли ва ўрни

3.2. Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиши

3.1. Саноат. Унинг миллий иқтисодиёт ривожигаги роли ва ўрни

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилиги қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Саноат халқ хўжалигининг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожини саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли беқиёсдир. Шу сабабли унинг ривожини ва самарадорлигини қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожини туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Меҳнатни ижтимоий ташкил қилишнинг энг олий тури, концентрациянинг юқори даражаси ва шу асосда ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари – ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш, кўплаб ишлаб чиқариш ва узлуксиз поток системаси ёрдами билан ташкил этиш саноат соҳасида ҳукмронлик қилади.

Фақат йирик машина индустриясигина фан ва техниканинг барча ютуқларини ўзида тўплаб, мужассамлаштириб, меҳнатни техника билан қуроллантириши ва унинг унумдорлигини юқори даражага кўтариши мумкин.

Саноат ва айниқса унинг энг муҳим соҳаси бўлган оғир саноат мамлакатда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. У

моддий техника воситаларини ўзи ва бошқа тармоқлар учун такрор ишлаб чиқариш билан бир вақтда жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириб боради.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат мамлакат муҳофаа қобилиятинининг моддий манбаи, дунёда тинчликни сақлашнинг муҳим омили, мамлакатлар мустақиллигини ва бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистон давлатининг муҳофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашда саноатнинг роли муҳимдир.

Барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан ҳамкорлиги саноат соҳасида ҳам ўз ифодасини топади. Давлатларнинг табиий, меҳнат ресурсларидан, илм-фан ва техниканинг барча ютуқларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайишида саноатнинг аҳамияти салмоқлидир.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуролланишининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақиллиқнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини оширишда саноатнинг роли беқиёсдир. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан билиб олиш мумкин.

1 -жадвал

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича аҳоли бандлиги
ва унинг 1995-2000 йиллардаги ўсиш суръати**

	Минг киши ҳисобида		Ўсиш, фоизда
	1995 й.	2000 й.	
Иқтисодиётда бандлар. Жами	8449	8983	106,3
Шу жумладан, саноат	1087	1145	105,3
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3485	3093	88,7
Қурилиш	528	676	128,0
Транспорт ва алоқа	348	382	109,9
Савдо, умумий овқатланиш, таъминот, сотиш ва тайёрлов	705	754	106,9
Уй-жой- коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш	214	251	117,3

Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	487	587	120,5
Таълим, маданият, санъат фан ва илмий хизмат кўрсатиш	1054	1146	108,8
Молия, кредитлаш ва суғурта	40	52	130,0
Бошқарув аппарати	97	146	150,0
Бошқа соҳалар	404	751	185,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 13 фоизи саноат ишлаб чиқариш ҳиссасига тўғри келади. Шуни таъкидлаш керакки, келажакда республика саноатининг жадал суръатлар билан таъминланиши янада яхшиланиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши, яъни бандлик даражаси анчагина юксалади. Жамиятнинг етакчи, бунёдкор, қудратли кучи бўлган кадр (ходим)ларнинг анчагина қисми саноатда хизмат қилади. Бу тармоқнинг янада улкан ривож саноат кадрлари сонининг ошишига ва уларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси саноатининг тараққиёти юқори малакали ишчи кадрлар, муҳандис ва техник ходимларни яратди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон саноатида 1,2 миллионга яқин ходим ишламоқда. Улардан 462 минг киши олий маълумотли мутахассис, 600 мингдан ортиғи ўрта ва ўрта махсус маълумотли ходимлардир.

Жамият тараққиётининг муўим қонуниятларидан бири саноат ходимларининг маданий – техник савияси ўсиши, ишлаб чиқариш малакаси ва тажрибасини тинмай ошиб боришидир.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч – рақобат ҳам аввало, саноат соҳасида вужудга келди ва ривожлана бошлади. Тадбиркорлар, ишбилармонлар беллашувнинг байроқдори бўлиб майдонга чиқдилар. Республика саноатида ҳам рақобат ўзининг оддий босқичидан энг юқори босқичига кўтарилиб, чинакам умумий дастакка айланмоқда.

Мустақилликнинг афзалликлари ва давлат иқтисодий сиёсатининг етакчилик ролини янада оширмоқда. Олий Мажлиснинг қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари энг аввало, саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва сезиларли самара бермоқда.

Саноат табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш

вилоятларнинг табиий бойликларидан, хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши меҳнат тақсимо­ти­нинг ўсиши, ишлаб чиқаришни дифференциялаш ва интен­сив­лаштириш билан чамбарчарс боғлиқ.

Ҳозирги замон йирик саноати бир бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида 175 тармоқ, 1500 га яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Саноатнинг миллий иқтисоддаги роли ва ўрнини қуйидаги жадвалдан аниқроқ кўриш мумкин.

2- жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётининг
асосий кўрсаткичлари (ҳақиқий баҳода, млрд. сўм)***

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.
Ялпи ички маҳсулот	3255,6	4925,3	7450,2	9837,8
шу жумладан, ялпи саноатнинг қўшган қиймати	462,4	696,2	1079,3	1553,3
Саноатнинг салмоғи, фоизда	14,2	14,2	14,5	15,8
Иқтисодиётдаги фойда	283,3	449,8	585,4	657,7
шу жумладан, саноатда	84,4	117,3	277,8	354,5
иқтисодда банд бўлган аҳолининг сони, млн. киши	9,0	9,1	9,3	9,6
шу жумладан, саноатда	1,1	1,2	1,2	1,3
саноатнинг улуши, фоизда	12,7	12,7	12,7	12,8
Асосий ишлаб чиқариш фондлари (халқ хўжалиги бўйича)	-	-	-	-
шу жумладан, саноатда	2776,6	3085,1	5371,6	6469,8
Капитал қўйилмалар (халқ хўжалиги бўйича)	221,5	514,0	502,0	574,3
шу жумладан, саноатда				

1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришидаги камайиш, бошқа собиқ иттифоқ давлатларига нисбатан паст бўлиб келди. Бунинг сабаби, иқтисодиётнинг хомашё ва материалларга боғлиқлиги ва шу тариқа Совет Иттифоқининг тарқалиб кетишидан сўнг давлат томонидан экспортни тез суръатда қайта йўналтиришга эришилганлигидир. 2004 йил узлуксиз ўсишнинг ўнинчи йили бўлди. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

3- жадвал

2000-2004 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш

	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й
Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик	4,0	4,5	5,9	6,3	7,7

* Манба: Давлат статистика департаменти, Марказий банк, Молия вазирлиги ва ЎИЙ ҳисоботлари

ўзгариши, %					
Саноат ишлаб чиқаришидаги йиллик ўзгариш, %	6,4	8,1	8,4	8,6	9,4

Расмий статистик маълумотларга кўра, 2004 йилда жами саноат ишлаб чиқариши олдинги йилларга нисбатан бир мунча тезроқ ўсди. Айниқса қайта ишлаш саноати қазиб олувчи (ундирувчи) саноатга нисбатан катта суръатлар билан ўсди. Агар шу кўрсаткич 2000 йилда 6,4 %ни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб 9,4 % га етди.

Қуйидаги, 4-жадвалда 1993-2000 йилларда саноат ишлаб чиқариши тармоқларидаги ўзгаришлар кўрсатилган.

4 - жадвал

**Саноат ишлаб чиқариши тармоқларидаги ўзгаришлар
(ўсиш индекси, олдинги йил -100)**

	2001 й.	2002 й.	2003 й.
Жумладан, Ялпи саноат ишлаб чиқариши	133,2	144,3	153,0
1. Кон саноати	110,5	112,3	112,7
2. Қайта ишлаш саноати	138,0	151,5	162,6
Саноат тармоқлари			
1. Электр-энергетика	87,7	89,0	87,7
2. Ёнилғи саноати	112,8	115,5	116,1
3. Қора металлургия	141,3	147,4	160,8
4. Рангли металлургия	118,2	125,2	123,4
5. Кимё ва нефть-кимё саноати	190,5	2,2р.	2,3р.
6. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	122,4	133,2	174,1
7. Ўрмончилик ва ёғочни қайта ишлаш	2,3р.	2,6р.	3р.
8. Қурилиш материаллари	109,5	111,9	111,3
9. Енгил саноат	147,8	161,1	171,4
10. Озиқ-овқат саноати	175,8	2,1	2,2

Бундай ўсишнинг асосий омили давлатнинг ўзи ислохотлар стратегиясини саноатлаштириш сиёсати билан мувофиқлаштириб олиб борганидир. Анна шундай сиёсат олиб борилиши муносабати билан 1993 йилда у МДХ давлатлари орасида ўзининг ривожланишини қайта тиклаган, кейинчалик, 1996 йилда, биринчи бўлиб 1991 йил даражасидан анча ўзган, 1999 йилда эса дастлабки (базавий) ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 15 фоизга ўсган ягона республика бўлиб қолди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг кўрсаткичлари ижобий бўлишининг энг муҳим сабаблари – бу мавжуд саноат тармоқларининг керакли ҳажмда сақлаб қолиб, янги тармоқларни яратиш стратегияси бўлди. Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ Ўзбекистон ҳукумати учун реал секторни

ривожлантириш устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Республикамизнинг ўз-ўзини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсати (нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда газ ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши), қўшимча қиймат яратувчи (машинасозлик, ёғоч ва ёғочни қайта ишлаш) соҳаларининг интенсив ривожланиши билан биргаликда олиб борилди. Шу билан бирга, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатларининг ривожини ҳам қайд этилди.

Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия) салмоғининг ошиши енгил саноат улуши ҳисобига бўлмоқда. Натижада, мустақил иқтисодга хос бўлган даражага яқинлашиш юз бермоқда ва собиқ иттифок мамлакатларида қайта ихтисослашувдан пайдо бўлаётган етишмовчилик ва тобеликнинг олдини олиш таъминланмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қўшимча қиймат яратувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий стратегия республикага яхши натижалар келтирмоқда.

Ўзбекистон ўзининг олтини, пахта толаси ва ипаги, нефти ва газини, самолёт ва автомобиллари, пахта териш машинаси ва пахтани қайта ишлаш машиналари билан, экскаватор ва компрессорлари, вино ва консервалари ҳамда бир қатор бошқа саноат маҳсулотлари билан дунёга машҳурдир.

Ўзбекистон республикасининг индустриал қиёфасини энергетика, кон-руда, олтин қазиб олувчи, самолётсозлик ва автомобилсозлик саноатлари, электротехника ва электрон саноатлари, кўп тармоқли машинасозлик ва қурилиш материаллари саноати белгилаб бермоқда.

Мустақалликнинг 14 йилида саноат маҳсулотининг ҳажми 5 марта кўпайди. Бу даврда фақат миқдорий ўзгаришларгина эмас, балки жуда катта сифат ўзгаришлари ҳам содир бўлди.

3.2. Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиши

Саноат ишлаб чиқаришининг тарихий ривожланиши ва унинг асосий яқунлари тўғрисида сўз юритилганда шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида «Уй саноати»нинг ривожини бундан 12-15 минг йил муқаддам мезолит даврида бошланган. Бу даврда жуда оддий меҳнат қуроллари ва буюмлари тайёрланган.

Янги тош асри (неолит, милоддан аввалги 5-минг йилнинг боши) даврида кемачилик, тўқимачилик вужудга келган. Неолит даврининг охирида металлдан қурол ясаш бошланган.

Археологик топилмалардан маълум бўлишича, милоддан аввалги 3-минг йилнинг охиридаёқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳоли мисдан қурол ясашни билган.

Қулдорлик тузуми (м.а. 1-минг йиллик ўрталари V аср) даврида меҳнат қуролларининг тараққий этиши, металлга ишлов беришнинг такомиллашуви ҳунармандчиликнинг ўсишига, айирбошлаш ва савдо-сотиқнинг кучайишига олиб келди.

Феодализм тузумининг бошларида (VI-VIII асрларда) Фарғона билан Сўхдан олтин, мис, темир, Илокда кўрғошин, кумуш, олтин, Шахрисабзда тоштуз казиб чиқарилган.

IX асрда Самарқанд ўзининг сифатли қоғози ва лампа шишаси билан машҳур бўлган. Шош вилояти кўнчилик маҳсулотлари билан донг таратган. Ўша даврда Ўрта Осиёдан Шарқий Европа, Хитой ва бошқа юртларга Буюк Ипак йўли орқали чарм, мато, ипак, жун, кийим—кечак чиқарилган.

X-XIII асрларда юз берган феодал тарқоқлик, қабила ва элатлар ўртасидаги низоларнинг авжига чиқиши туфайли хунармандчиликда йирик ўзгаршлар рўй бермаган.

XIV асрнинг 2-ярмида Амир Темур Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритиб, марказлашган давлатга асос солди. Натижада давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий равишига катта йўл очилган.

XV асрнинг охирига келиб Моварауннаҳрда юзага келган зиддиятлар туфайли Темурийлар давлатининг иқтисодий негизига путур етади ва ривожланиш тўхтаб қолади.

XVI-XVIII асрларда Бухоро, Хива, Қўқон хонликларининг вужудга келиши иқтисодиётнинг, шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва XIX асрга келиб Туркистонда хунармандчиликда ёғоч ва металл ўймакорлиги, идишларга нақш солиш, матоларга гул босиш, қурулларни бадий безаш ривожланади. Бу асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида тараққиёт тезлашиб саноат, айниқса ип-газлама саноати ривож топди.

XX аср бошларида бир қанча пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари қурилиб ишга туширилди. 1925-1926 йилларда электростанциялар қурила бошланди ва биринчи бўлиб Тошкент яқинида қурилган Бўзсув гидроэлектростанцияси 1926 йил 1 майда ишга туширилди.

Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз ва Асака шаҳарларида иссиқлик электростанциялари қурилиши бошланиб, 1930 йилда уларнинг сони 30 га етди. Ўсиб бораётган энергетика базаси бир қанча янги саноат корхоналари қуришга имконият яратди.

Иккинчи жаҳон урушигача бу ерда 500 дан ортиқ саноат корхоналари жумладан, «Ташсельмаш», Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчиқ-электрокимё комбинати, Каттакўрғон ёғ заводи, Бекобод ва Қувасой цемент корхоналари қурилди. Нефть ва рангли нодир металл қазиб чиқариш, қурилиш саноати маҳсулотларини тайёрлаш ривож топди.

Уруш бошланиши билан Республика халқ хўжалиги, жумладан, саноат ишлаб чиқариши ҳарбий мақсадларга қаратилди. Бу ерга немис фашистлари эгаллаб олган ҳудудлардан 100 га яқин саноат корхоналари кўчириб келтирилди ва улар қисқа вақт ичида тўла қувват билан ишлай бошлади. 1941-1945 йиллар давомида Республиканинг индустриал тараққиёти ГЭС лар қуриш билан энергетика базасини кучайтириш, кишлоқ хўжалиги, аҳоли ва фронт эҳтиёжларини қондирадиган завод ва фабрикаларни қуриш йўлидан борди. Бу даврда 280 та йирик, ўрта ва кичик корхоналар қурилиб ишга туширилди.

Натижада Ўзбекистон Армиянинг саноат арсеналларидан, яъни аслаҳахоналаридан бирига айланди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам саноат тараққиётига эътибор қаратилгани сабабли унинг бир қанча янги тармоқлари ва корхоналар вужудга келди. Тракторсозлик, лифтсозлик, электротехника саноати, газ ишлаб чиқарш, уй рўзғор буюмлари тайёрлаш, йиғма темир бетон ва керамика саноати вужудга келди. Енгил саноатнинг трикотаж, чинни ишлаб чиқариш соҳалари юзага келди. Озиқ-овқат саноатининг таркибий қисмларида анчагина ўзгаришлар рўй берди. 90-йилларга келиб унинг йирик ва ўрта корхоналари 300 дан ортиб кетди.

Саноат тараққиётида ёқилғи – энергетика мажмуасининг ўрни алоҳида эътиборга молик. Унинг таркибига энергетика, нефть ва нефтни қайта ишлаш, газ ва газ конденсати, кўмир қазиб олиш ва бошқа бир қатор кичик соҳалар киради. Бу мажмуанинг ҳиссаси саноат комплексида 23,8%дан иборат.

Ўзбекистон республикаси жаҳондаги 10 та газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради. Бу ерда қудратли иссиқлик ва гидроэлектрстанциялар мавжуд.

Энергетика республика халқ хўжалигининг негиз тармоғи, республикада иқтисодиёт ва фан-техника тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон энергетика тизими умумий ўрнатилган қуввати 11,7 млн кВт бўлган 37 иссиқлик ва гидравлик электр станциялари йилига 55 млрд $\frac{\text{кВт}}{\text{соат}}$ дан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Ўзбекистон энергетика тизимининг барча кучланишлардаги электр тармоқларининг умумий узунлиги қарийб 228 минг км. ни ташкил этади. Тармоқ трансформаторларининг умумий қуввати 42,6 МВА га тенг. Ҳозир республика энергетика тизимида 70 минга яқин ходим ишлайди.

«Ўзбекэнерго» давлат компанияси таркибидаги, қурилиш-монтаж, созлаш, таъмирлаш ва бошқа бир қатор ташкилотларнинг тўла мажмуи Ўзбекистон энергетика тизимининг ишончли ишлашини, изчил ривожланишини таъминламоқда.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган электрэнергиясининг динамикаси

	1913	1940	1990	2000	2004
Электр энергияси (млрд. кВт-соат)	3,3	48,1	56,3	46,9	49,6
шу жумладан,					
иссиқлик энергияси	2,8	28,1	49,7	41	41,2
гидро энергияси	0,5	20	6,6	4,9	8,4

Бугун Ўзбекистонда бир кунда 136 млн киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Бу 1913 йилда ҳосил этилган электр энергиясига нисбатан 100 марта кўпдир.

Ёқилғи саноати. Республика ёқилғи саноати ер қарида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефть, газ конлари негизида шаклланган ва ривожланиб

бормокда. Республикада 160 га яқин нефть ва газ конлари очилган, уларнинг 115 таси Бухоро ва Хива геологик провинциясида, 27 таси Фарғона водийси, 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган. Ҳозир 71 нефть, газ ва газ конденсат конлари, 2 кўмир конидан фойдаланилмоқда. 50 дан ортиқ нефть, газ ва газ конденсат кони эса келажакда ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Ёқилғи саноати республика ёқилғи-энергетика мажмуасининг асосий тармоғини ташкил этади ва барча турдаги ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш, нефть маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналаридан иборат. Улар халқ хўжалигининг барча бўғинларида хизмат кўрсатади. Унинг йирик корхоналари Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида жойлашган.

Нефть саноати ёқилғи саноатининг энг муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади ва нефтни қайта ишлаш корхоналаридан ташкил топади. Ҳозирги даврда саноатнинг бу тармоғи мамлакат халқ хўжалиги ва аҳолининг нефтга бўлган талабини тўла қондириш имкониятларига эга бўлди. Шу сабабдан ҳам бу тармоқнинг аҳамияти бекиёсдир.

Нефтни қайта ишлаш саноати соҳасида Олтиариқ, Фарғона, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Фарғона заводи сурков мойлар ва Ёнилғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган ишлаб чиқариш бўйича 30 дан ортиқ технологик қурилмага эга. Олтиариқ нефть заводи эса Ёнилғи йўналишида Кўкдумалоқ нефть-газ кони очилгандан кейин Франциянинг ТЕКНЕП фирмаси билан ҳамкорликда 1993 йилдан Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланди ва бир йилда 2,5 млн тонна газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга бўлган 1-навбати 1997 йилнинг августида ишга туширилди. Нефтни қайта ишлаш заводларида юқори октанли бензин, дизел ёқилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, енгил машиналар учун мотор ва сурков мойлари (компрессор, турбина, урчуқ мойлари), керосин, битум, суюлтирилган нефть газлари (бутан, техник пропан ва б.), мазут каби 50 турдан ортиқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ янги технологиялар ўзлаштирилмоқда.

Ҳозирги даврда республика нефть саноати корхоналарининг қуввати бир йилда 11 млн. тонна нефтни қайта ишлаш имкониятига эга.

Газ саноати. Бу тармоқ ёқилғи-энергетика мажмуасининг энг ёш, жуда ривожланган соҳаси ҳисобланади. Газ ёқилғининг жуда арзон тури, халқ хўжалигининг барча соҳаларида кенг фойдаланиш имконияти сабабли, экологик жиҳатдан ҳам устунлиги туфайли унга бўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормоқда. Агар 1940 йилда атиги 0,7 млн м³ табиий газ қазиб олинган бўлса, ҳозирги пайтда у 58 млрд м³ ни ташкил этади. Газнинг Республикада қазиб олинаётган ёқилғи балансидаги ҳиссаси 90% фоизга яқинлашмоқда.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида нефть ва газ қазиб олиш динамикаси

	1990 й	2000 й	2001 й	2002 й	2003й	2004й
Нефть (газ конденсати)						

билан бирга), млн. т.	2,8	7,5	7,3	8,1	7,1	6,6
Газ, млрд м ³	40,8	56,4	57,4	59,7	58,1	60

Кейинги вақтда Республика нефть ва газ саноатини ривожлантиришнинг узок даврга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилган ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси кўмир саноати. Ўзбекистон Республикаси 2 миллиард тонна қидириб топилган кўмир захираларига эга. Кўмир қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари билан «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси шуғулланади. Ангрен конида қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларида тошкўмир қазиб олинади. Кўмир конлари корхоналар томонидан турли усулларда ўзлаштирилади: очик усулда, ер ости ва ер остини газлаштириш усули билан (Ноу-Хау). Кўмир энергетика мақсадларида ва маиший ёқилғи сифатида ишлатилади. Кўмирни қайта ишлашдан чиққан чиқинди органик ва минерал ўғитларга айлантирилади.

Конлардан чиққан кўмирлар сифатли ёнилғи, қимматбаҳо ҳамда камёб материалларнинг турли хилларини олиш учун хомашёдир. Масалан, кокс брикети, мотор ёнилғиси, калций карбиди, сорбент қора ва рангли металлургияда углеродли қўшимчалар сифатида ишлатилади.

Кўмир қазиб олиш жараёнида каолин, оҳак, кварц кумлари, кўмир кукуни, камёб ер элементи (германий), шағал ва бошқа фойдали қазилмалар олинади.

Яхши хомашё, кўпдан синалган эркин майдонларнинг бисёрлиги, сув ҳамда электр ва иссиқлик энергияси, темир йўлларнинг мавжудлиги, станцияларнинг яқинлиги ва халқаро аэропортлар борлиги ишлаб чиқариш – саноат комплексини бунёд этишда кўл келади. Шунингдек, қазиб олинган ва бойитилган каолин, чинни фаянс ва сопол буюмлар, ўтга чидамли ва қурилиш ғиштлари, том ёпқичлар, дренаж ва канализация қувурлари, хўжалик ва манзарали чинни буюмлар, шиша ва шиша идишлар, электр изоляторлари ҳам бу ишда ёрдам беради. Бундан ташқари, каолин қоғозсозлик, резина-техника, пластмасса саноатида, шунингдек, косметика ва бошқа мақсадларда ишлатиш учун хизмат қилади. Айни пайтда кўмирни қазиб олиш, навларга ажратиш ва бойитиш фабрикаси қурилиши давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудининг геологик хусусиятлари қўшимча фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаш учун кенг имкониятлар яратади. Айниқса, ёнувчи сланец, оҳак, безакли тош конларини ўзлаштириш кўпчиликини қизиқтирса керак. Керамзит, абсорбент, ўғит ва ғишт ишлаб чиқариш учун юқори сифатли лойлар тайёрлаш мумкин. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда оддий ҳисоб-китобларга кўра, энергетика, кимё, металлургия саноати, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги учун йилига 1 миллиард 400 миллион АҚШ доллари миқдорида тайёр маҳсулот олиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, Ангрен каолинидан, Бойсун кўмири ва оҳагидан фойдаланиб туриб лойтупроқ заводини бунёд этиш мумкин. Ана шундай қулай

омиллар ва барқарор вазият хорижий шериклар билан ҳамкорлик ўрнатиш имкониятини беради.

Металлургия саноати. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида рудадан металл олиш 4-5 минг йилдан зиёд тарихга эга. Қадимда мисдан турли буюмлар тайёрланган. Кейинроқ рудадаги металллардан қалай, кумуш, олтин ва бошқаларни эритиш, қуйиш ва қиздириб ишлаш ўзлаштирилган. Дастлабки танга пуллар зарб қилинган. Илк ўрта асрларда Фарғонада, Зарафшон, Чирчик, Оҳангарон водийларидаги бир қанча ҳудудларда заргарлик, мисгарлик, темирчилик, дегрезлик, рихтагарлик ривожланади. Рух, сурма, маргумуш, висмут, кобальт каби рангли металллар маълум бўлмаса-да, уларнинг қотишмаларидан кенг фойдаланилган.

Қора металлургия соҳасида фаолият кўрсатадиган ягона корхона Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводида. Заводда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат ва пўлат прокатлар) ишлаб чиқарилади. Улар темир –терсак, металл чиқиндиларидан олинади.

7- жадвал

Ўзбекистон металлургия комбинатида маҳсулот ишлаб чиқариш (минг тонна)

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й
Пўлат	415,4	446,3	462,3	485,6
Тайёр прокат	372,3	402,5	402,5	415,4

Ўрта Осиёдаги биринчи замонавий металлургия заводи қурилиши умумхалқ ҳашари йўли билан 1942 йилда бошланади ва 1944 йилнинг 5 мартда дастлабки металл эритмаси олинади.

Рангли металлургия – республика металлургиясининг энг муҳим, етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Саноатнинг бу тури Ўзбекистонда XX асрнинг 25-йилларидан ривожлана бошлади. Аста-секин рангли, нодир ва қимматбаҳо металл (мис, қўрғошин, рух, волфрам, молибден, кумуш, олтин, симоб) конлари топилди.

Рангли металллар сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштириш, турли фойдали қазилмаларнинг янги конларини ўзлаштириш ҳисобига рангли металлургия ишлаб чиқаришини ривожлантириш мўлжалланмоқда, шу билан бирга, янги фабрика ва конлар барпо этилади. Жиззах вилоятида Ўзқулоқ қўрғошин-рух кони, Сурхондарё вилоятида Хонризм кон бойитиш корхонаси қурилади. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида мис, рух, сульфат кислотаси ва йўлдош элементларни ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Ўзбекистон комбинатида йирик гобаритли молибден ва волфрам прокати ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Олтин қазиб олиш саноати. Марказий Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ерларида олтин қазиб олиш ва ундан турли тақинчоқлар, заргарлик буюмлари, безаклар ясаш милоддан аввал VI-V асрлардаёқ мавжуд бўлганлиги археологик топилмалардан маълум. Туғма (эркин учрайдиган) олтин конларини

ўзлаштиришга қадар олтин асосан сочма конларда жуда ибтидоий усулларда олтин зарралари аралаш кумни қўй териси қопланган ёғоч тоғораларда ювиб, ажратиб олинган. Сочма олтин олиш Х-ХІ асрларда Чотқол, Чирчиқ, Норин, Косон, Сўх, Зарафшон, Дарвоз дарёлари водийларида олиб борилганлаги ҳақида маълумот бор.

Ўрта асрларда олтинли кумларни ювиш билан бирга мўғуллар босқинига қадар Чотқол-Қурама, Нурота тоғларида, марказий Қизилқумдаги конлардан туғма олтин кон лаҳимлари ҳозиргача сақланиб қолган. Ўзбекистонда маълум бўлган конларнинг кўпчилигидан қадимги кончилар қисман фойдаланганлар.

Марказий Осиёнинг минерал хомашё ресурсларини ўрганишда жонланиш ХІХ асрнинг 80-йилларида, Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олган даврда юз берди; ўлканинг барча жойларида тадқиқотлар ўтказилди, геологик карталар тузилди, айрим конлар тавсифланди. Октябрь тўнтаришигача Чирчиқ, Писком ва Чотқол дарёлари водийларида кичик-кичик олтин изловчи корхоналари олтин олиш билан шуғулланганлар, 1913-17 йилларда Обираҳмат дараси (Тошкент вилояти) даги олтин конидан фойдаланилган.

Ўзбекистоннинг минерал хомашё бойликларини аниқлаш, уни қазиб олиш ва аксари қисмини Марказга ташиб кетиш Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам давом этган. Ноёб металл конларини қидириб топиш ва ундан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш ишларида марказий илмий муассасалар фаол иштирок этдилар. 30-йиллар бошида «Ўзбеколтинноёбмет» трести ташкил этилди. Ўша йиллари Оҳангарон, Чирчиқ дарёлари водийларида, Қурама тоғларида олтин изловчилар олтинни кумни ювиш усулида ажратиб олганлар, Лекин йиллик олтин олиш бир неча ўн кг. дан ошмаган. Кейинчалик ўша жойларда рудали олтин конлари топилди ва ишга солинди.

1941-45 йилларда олтин изловчилик (артел) йўли билан олтин ажратиб олиш жадал олиб борилди, олинган йиллик олтин миқдори қарийб 50 кг га етди. 1950 йилда сочма олтин излаш ишлари тўхтатилди. Рудали олтин излаш ва қидирув бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақўтон, Бичанзор, Пирмуроб, Ғўсаксой, сўнгра Кўчбулоқ, Мурунгов, Чормитон, Маржонбулоқ, Каулди, Қизилолмалисой, Сармич ва бошқа рудали олтин конлари топилди. 1965 йилда Металлургия вазирлигига бўйсинувчи «Ўзбеколтин» бирлашмаси ва бошқа олтин қазиб олиш корхоналари ташкил этилди. Бирлашма қазиб олган флюс рудаларидан Олмалик кон металлургия комбинатининг кимё эритиш заводида олтин ажратиб олиш йўлга қўйилди. 1970 йил Чодак олтин кони ишга туширилди. Ўша вақтдан республикада олтин қазиб олиш саноати шаклланди, олтин олиш олдинги йилларга нисбатан уч марта кўпайди. 1972 йилда Кўчбулоқ кони ва Ангрен олтин ажратиш фабрикаси лойиҳа қувватларида ишлай бошлади. 1977 йил Каулди, 1980 йил Маржонбулоқ олтин қазиб олиш мажмуи, 1989 йил Зарафшон ва Қизилолмалисой конлари фойдаланишга топширилди.

Республика мустақилликка эришиши билан Ўзбекистон ҳукумати узоқ йиллар давомида собиқ Иттифоқи ихтиёрида бўлган олтин қазиб олиш саноатини республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида, ривожлантириш

бўйича бир қанча ташкилий чоралар кўрди. «Ўзбеколтин» бирлашмаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Қимматбаҳо металллар Давлат Қўмитаси ташкил этилди (1992 йил). Бу қўмита 1994 йил Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмосга ишлов бериш корхоналари уюшмаси («Ўзолмосолтин»)га айлантирилди. «Ўзолмосолтин» уюшмаси (Тошкент шаҳрида) ва бошқарувчи Навоий шаҳрида бўлган «Қизилқум-камёбметаллолтин» коцерни (1991) фаолият кўрсатмоқда. «Ўзолмосолтин» уюшмаси таркибида Ангрен, Маржонбулоқ (Жиззах), Чодак (Наманган), Каулди (Тошкент), Зармитон (Самарқанд) олтин қазиб олиш конлари, олмос қирралаш фабрикаси (Тошкент вилояти) ва бошқа ташкилотлар бор.

Республикада олтин қазиб олиш саноатининг иккинчи йирик маркази «Қизилқумкамёбметаллолтин» концернининг бош корхонаси – Навоий кон металлургия комбинатидир. Комбинат Мурунгов ва бошқа олтин конларини ишга тушириш мақсадида 1958 йилдан бошлаб қурила бошлаган. Унинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари Зафаробод, Нуробод, Зарафшон, Учкудук шаҳарларида жойлашган. Янги қувватларни ишга тушириш жадал олиб борилмоқда. Комбинатда заргарлик буюмлари заводи ишга туширилган. Зарафшонда 1993 йилда ташкил этилган олтин қазиб олиш бўйича Ўзбекистон-АҚШ «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси 1995 йилнинг май ойидан маҳсулот бера бошлади.

Буюк Британиянинг «Лонро» фирмаси билан биргаликда Марказий Қизилқумда олтин рудалари кони ишга туширилди ва олтин ажратиб олиш бўйича катта корхона – «Аматайти Голдфильдз» қўшма корхона лойиҳаси амалга оширилди.

Республикада 40 та олтин кони аниқланган бўлиб, ҳозир бу конларнинг фақат 12 таси қазилмоқда. Олтиннинг асосий захиралари Марказий Қизилқумдаги олтин конларида мужассам. Шу билан бирга ўзбек олтини жаҳоннинг энг юқори сифат стандартларига мос бўлиб, тўртта тўққиз рақами билан баҳоланади ва у охириги 20 йилда рекламация олгани йўқ. Сўнгги йилларда у сифати учун бир неча бор халқаро совринлар билан тақдирланди.

Евроосиё континентида энг катта ҳисобланадиган, руда таркибида олтин кўп бўлган Мурунгов кони дунёдаги гигантлар жумласига киради. Ушбу коннинг топилиши халқаро геология жамоатчилиги томонидан олтин қазиб чиқариш бўйича XX аср иккинчи ярмининг энг катта кашфиёти деб эътироф этилди.

Мурунговдаги аффинит корхонасида замонавий олтин тозалаш технологияси жорий этилган бўлиб, у бир қанча ноу-хауни ўз ичига олади. Бу эса жуда яхши товар кўринишига эга бўлган юқори пробали олтин олиш имкониятини беради.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида инфратузилмаси юқори даражада ривожланган Самарқанд ва Тошкент вилоятларида олтин рудали конлар аниқланди ва разведка қилинди. Дунёнинг энг йирик олтин рудали провинцияси бўлган Қизилқумдаги Мурунгов билан бир қаторда Ажибугут, Булуткон, Балпантов, Аритонтов, Турбай ва бошқа янги конлар аниқланди ва ўрганилди.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг олтин захиралари дунёнинг энг машхур ва ишончли банкларида сақланмоқда. Улар орасида немис «Дойче банк»и ва Швейцариянинг «ЮБС» банки бор. Республика ҳукумати катта даромад олиш учун бу олтинни маълум вақтга валютага айлантирмоқда. Олтин захираларини гаровга олиб, Ўзбекистонга стратегик иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар ажратилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, олтин қазиб чиқариш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Натижада Ўзбекистон олтин қазиб чиқариш бўйича дунёда еттинчи ўринга, МДХ да эса иккинчи (Россиядан кейин) ўринга чиқиб олди. Аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Ўзбекистон МДХда биринчи ва дунёда бешинчи ўринда туради.

Мустақиллик йилларида олтин қазиб олиш ва уни истеъмол қилиш бўйича эришилган даражани қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

8 - жадвал

Олтин қазиб олиш ва истеъмол қилиш (тонна ҳисобида)

	1991 й.	1995 й.	2000 й.	2001 й.
Жаҳон бўйича олтин қазиб олиш шу жумладан:	2159	2273	3745	3483
Жанубий Африка Республикаси	601,1	522,4	428	399
Америка Қўшма Штатлари	293,5	317	355	335
Австралия	236,1	253,5	296	291
Канада	175,3	150,3	155	159
Россия	143,7	127,8	155	168
Хитой	104	133	162	165
Ўзбекистон	75	66,6	88	86
Индонезия	24,0	66,0	88	86
Перу	15	57	133	133
Бразилия	88,6	64,4	-	-
Жаҳон бўйича истеъмол	-	2864,5	3281,4	-

Манба: Журнал «Экономическое обозрение», март, 2002, стр. 11

8-жадвалда келтирилган ва бошқа манбалардан олинган маълумотларга қараганда, 2000 йилда жаҳон миқёсида олтин қазиб олиш энг юқори даражага кўтарилган ва 1980 йилдагига нисбатан 3 баробар кўп бўлган.

Республика кумуш конларига ҳам эга. Булар Навоий вилоятидаги Високоволное, Ўқжетпес, Космоначи ва Наманган вилоятидаги Оқтепа конларидир. Катта миқдордаги тасдиқланган захиралар олтин ва мис-порфир конларида мавжуд. Оқтепа кони кумуш қазиб чиқариш бўйича энг истиқболли ва чет эллик инвесторлар учун жозибали кондир.

Ўзбекистонда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш билан бир қаторда уран ҳам қазиб олинади. Уни олиш учун минерал хомашё базаси мавжуд. Уран энг самарали ва экология нуқтаи назаридан оптимал ҳисобланган усул - ер остида ишқорлар ювиш усули билан олинади.

Мис, қўрғошин-руҳ саноати асосан Оҳонгарон-Олмалиқ кон саноати районида Қўрғошинкон-Олтинтопан полиметалл конлари, Қалмоққир мис

конлари негизда шакллана бошлаган. Ушбу саноат тармоғининг етакчи корхонаси тугал металлургия циклига эга бўлган Олмалиқ кон металлургия комбинати ҳисобланади. Комбинатнинг мис мажмуаси Қалмоққир мис кони, руда бойитиш фабрикаси, металлургия заводидан, қўрғошин - рух мажмуаси Қўрғошинкон, Олтинтопган, Чалага ва бошқа конлар, руда бойитиш фабрикаси, металлургия заводларини ўз ичига олади. Улар асосан тозаланган мисни экспорт қилмоқда. Ҳар йили бир неча ўн минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон мис захиралари бўйича 10-ўринда туради. Руда конидаги рангли металлар қатламлари асосан Тошкент вилоятининг Олмалиқ рудали майдонида жойлашган. Бу ердаги учта конда бир неча мис захиралари бор деб тахмин қилинмоқда. Бундан ташқари, Далнее кони разведка қилинган. Захираларнинг катталиги, қазиб чиқариш таннарни, рудадаги миснинг таркиби жиҳатидан МДХ мамлакатларида ҳали унга тенг келадиган кон йўқ.

Вольфрам, молибден, литий саноатининг йирик корхонаси Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўта чидамли Чирчиқ металлар комбинати ҳисобланади. Комбинат ингичка вольфрам (Самарқанд) ва Қуйтош вольфрам, молибден (Жиззах) конлари рудалари ҳамда мис рудаларидан ажратиб олинадиган молибден негизда ишлайди. Комбинатда биринчи молибден қуйилмаси 1956 йили олинган. 1957 йилдан эса қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бошланган. Комбинат маҳсулотлари (100 турдан ортиқ) электротехника, пўлат эритиш, кон бурғилаш соҳаларида кенг қўлланилади.

Республикада яна бир қатор нодир ва сочма металлар – рений, селен, теллур, скандийлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда рангли металларнинг иккиламчи қуйилмаларини олиш йўлга қўйилган. Алюминий парчаларини қайтадан эритиб, йилига бир неча ўн минг тонна иккиламчи алюминий халқ хўжалигига етказиб берилмоқда.

Кимё саноати. Ушбу саноатнинг шаклланиши 1932 йилда Шўрсув олтингугурт кони (Фарғона) ишга туширилиши билан бошланган. Бу корхона собиқ Иттифокда ишлаб чиқариладиган олтингугуртнинг 57 фоизини берган. Кимё саноатининг энг йирик корхоналарига Чирчиқ электр кимё комбинати, Навоий кимё бирлашмаси ва Қўқон суперфосфат заводи киради.

Кимё саноатининг асосий тармоқларидан бири – бу минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасидир. Унда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган аммафос, аммиак селитраси, аммоний сульфат, суперфосфат, карбонит, суюлтирилган аммиак, азотли ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади. Чирчиқ кимё комбинати, Фарғона азотли ўғитлар, Навоий кимё бирлашмасида асосий турдаги азотли ўғитлар, Қўқон суперфосфат заводи, Самарқанд кимё заводи, Олмалиқ «Аммафос» бирлашмасида аммофос, оддий ва аммонийлашган суперфосфат, кумок аммоний каби фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон кимё саноати корхоналари бир йилда 736 минг тонна азотли, 117 минг тонна фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш имкониятига эга. 2003 йилда Ўзбекистонда 874 минг тонна минерал ўғитлар, 802 минг тонна сульфат кислотаси, 1 млн. тоннадан ортиқ суюлтирилган аммиак ишлаб чиқарилди.

Кимё саноатида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми республика қишлоқ хўжалик эҳтиёжларини тўла таъминлайди, уларнинг бир қисми четга чиқарилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида калий ўғитларга бўлган йиллик эҳтиёж асосланган меъёрлар бўйича (100% озиқ модда ҳисобида) 800 минг тоннадан иборат. Қашқадарё вилоятидаги калий тузлари конларини ўрганиш ва унинг негизида калий ўғитлар ишлаб чиқарадиган Тубагатон калий заводи қурилиши режалаштирилган.

Сульфат кислотаси кимё саноати тармоқлари учун муҳим хомашёдир. Республикамизда сульфат кислота ишлаб чиқарадиган йирик қувватлар Олмалик «Аммофос» бирлашмаси, Самарқанд кимё заводи, Навоий кон-металлургия комбинати, Муборак газни қайта ишлаш мажмуасида барпо этилган.

Сода саноатининг Марказий Осиё мамлакатларида ягона бўлган корхонаси - Қўнғирот сода заводи қурилиши 1995 йилдан бошланди (йиллик лойиха қуввати 210 минг тонна сода).

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари (дефолиант, десикат, гербиций, инсектицид, фунгицидлар) «Фарғонаазот» бирлашмасида (1965 йилдан; магний хлорот дефолианти), Навоий кимё заводида (1960 йилдан; гербицитлар, инсектицидлар) ишлаб чиқарилади. Бу корхоналарнинг йиллик қуввати магний хлорит дефолианти бўйича 60 минг тонна, гербицит ва инсектицитлар бўйича 5 минг тоннадан ортиқ.

Республика қишлоқ хўжалигида ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан кимёвий ҳимоя қилишда қўлланиладиган олтингугурт кукуни Шўрсув кон-кимё корхонасида ҳамда Муборак газ мажмуасида ишлаб чиқарилади. Маҳаллий ресурслардан олтингугурт ишлаб чиқаришни йилига 50 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Кимёвий толалар ва иплар хилма-хил халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактама (йиллик қуввати 80 минг тонна), Фарғона кимёвий толалар заводида ацетат иплар, «Навоийазот» бирлашмасида нитрон акрил толалари (йилига 40 минг тоннадан кўпроқ), «Фарғонаазот» бирлашмасида целлюлоза ацетати (йиллик қуввати 42 минг тонна) ишлаб чиқарилади. Фарғона фуран бирикмалари заводида целлюлоза мустақиллигини таъминлаш бўйича пахта линтидан йилига 30 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқаришга ихтисослашган қувватлар барпо этилмоқда.

Кимё саноатида гидролиз корхоналари урушдан кейинги йиллардан қурила бошлади. Фарғона фуран бирикмалари, Янгийўл биокимё, Андижон гидролиз заводларида асосий хомашё – чигит шулҳаси, шоли қобиғидан техник этил спирти, фурфурол, озука ачитқилари (хамиртуришлар), фурил спирти, ксилит, лапрол, катализаторлар ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарилган. 90-йиллар бошида ушбу заводларда ғалладан озиқ-овқат (этил) спирти ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Андижон биокимё заводида йиллик қуввати 915 минг дал, Қўқон ишлаб чиқариш бирлашмасида 1800 минг дал этил спирти ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди. Натижада озиқ-овқат, тиббиёт, атир-упа ва бошқа саноат тармоқларини республикамизнинг ўзида ишлаб чиқарилган спирт билан таъминлаш имконияти яратилди. Бу корхоналарда

йилига 4 минг тоннага яқин карбон кислоталари ҳам ишлаб чиқарилади. Андижон биокимё заводида курук хлорелла биомассасини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Резина маҳсулотлари Ангрен «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси ва Тошкент резинатехника маҳсулотлари заводида ишлаб чиқарилади. Илгари асосан махсус резина моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси 1987 йилдан бошлаб халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ўтди. 1992 йилдан бирлашмада енгил автомобил шиналари тайёрлаш ўзлаштирилди. 1996 йилдан йилига енгил автомобиллар учун 1,5 млн. дона, юк автомобиллари учун 200 минг дона шина ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди. Бундан ташқари, «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси ва кимё саноатининг бошқа корхоналарида (Самарқанд кимё) калишлар ишлаб чиқариш 10 млн. жуфтга етди. Шунингдек, бу тармоқ корхоналари республика автомобил саноати учун резина-техника маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Республика пластмасса ва пропилен маҳсулотларини қайта ишловчи (Оҳангарон «Сантехлит», Жиззах пластмасса қувурлари заводи), турли маркадаги лак – бўёқ маҳсулотлари (Тошкент «Рангли лак» фирмаси-лак бўёқ заводи), мебел саноати учун синтетик смолалар (Фарғона фуран бирикмалари заводи), рўзғор кимёси маҳсулотлари («Ўзрўзғоркимё» бирлашмаси, Олмалик рўзғор кимёси заводи, Наманган кимё заводи), Тошкент ёғ-мой комбинати таркибида синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар ишлаб турибди.

Йилига 125 минг тонна полиэтилен плёнкаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилмоқда.

Атир-упа маҳсулотлари «Лола» фирмаси (Тошкент), дори-дармонлар «Ўзкимёфарм» бирлашмаси (Тошкент кимё-фармацевтика заводи)да «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни корхоналарида ишлаб чиқарилади.

Тармоқдаги бир неча корхоналарда ўзапоядан мебел ва қурилиш саноатида кенг қўлланиладиган ёғоч толали тахталар (оргалет) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Истикболда кимё саноатини ривожлантириш фосфорит, целлюлоза, каустик ва калций содаси, калий ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, толуол, полимерлар каби энг муҳим хомашё турлари бўйича республикамизнинг мустақилликка эришиш, маҳаллий хомашёдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, чет мамлакатлардан олинаётган кимё маҳсулотларининг кўп қисмини, яъни асосий турларини республикада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, хорижий технологиялардан фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, кимё саноатининг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўналишларида иш олиб борилмоқда. Кимё саноати корхоналарида Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Италия корхоналари билан ўзаро фан-техника, савдо-сотиқ соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган, хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Республика мустақилликка эришгунга қадар кимё саноати корхоналари ҳам бевосита собиқ Иттифоқ Кимё саноати вазирлиги томонидан бошқарилган. Ўзбекистондаги кимё корхоналари негизида 1991 йилда давлат концерни ташкил этилди. 1994 йилдан концерн «Ўзкимёсаноат» уюшмасига айлантирилди. Унинг таркибида 22 та ишлаб чиқариш корхонаси ва бирлашма, 8 қўшма, 3 илмий-тадқиқот, 1 лойиҳа институтлари, ташқи савдо фирмаси ва ташкилотлар бор.

Навоий шаҳридаги «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси малакатимиз кимё саноатидаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда жамоада 260 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсуотлари 20 дан ортиқ мамлакатларга, жумладан, Венгрия, Покистон, Ироқ, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Россия, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистонга жўнатилади.

«Навоийэлектркимё» заводи ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу корхона ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Унда «Трилан», «Фозалон», «Которан», «Гўзал», «Циперматин», «Устине», «Буғдордир», «Неорон», «Данибол», «Сумпалфс» сингари чет эл препаратларидан қолишмайдиган ўндан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Машинасозлик саноати - халқ хўжалиги учун машина ва механизмлар, жиҳозлар, агрегат ва аппаратлар, асбоб ускуналар, маданий-маиший моллар, шунингдек, муҳофаа аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи оғир саноат тармоқлари мажмуи. Машинасозлик саноати бутун халқ хўжалигини техника билан таъминлашда моддий асос ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти, халқнинг моддий-маданий фаровонлиги ва мамлакат қуввати машинасозлик саноати тараққиётига боғлиқ. Унинг аҳамияти, энг аввало, ҳозирги фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга ва инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига жорий этиш асосида қўл меҳнатини машина меҳнатига айлантириш, машинани машина билан яратиш, тежамкорликни таъминлаш, енгиллаштириш ва меҳнатнинг мазмуни ва характерини ўзгартиришдан иборат. Машинасозлик саноати маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини юқори даражага кўтаришга имконият яратади. Машинасозлик саноатининг асосий вазифаси миллий иқтисоднинг барча соҳаларини юқори унум билан ишлайдиган меҳнат қуроллари яъни меҳнат воситалари билан таъминлашдан иборат. Улар турли тармоқлар ва корхоналарда тайёрланади. Ҳозирги кунда машинасозлик саноатининг 15 тармоғи мавжуд бўлиб, улар тасарруфида 100 дан ортиқ йирик ва ўрта корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида машинасозлик саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари кескин ўзгарди. Уни қуйидаги жадвалда келтирилган рақамлардан кўриш мумкин (9 - жадвал).

9-жадвал

Ўзбекистон машинасозлик саноатида муҳим маҳсулот турларининг ўсиши

	Ўлчов	1990	2000	2001	2002	2003	2004
--	-------	------	------	------	------	------	------

	бирлиги	й	й	й	й	й	й
Автомобиллар	минг дона	-	31,3	41,4	35,1	40,7	70,1
Автобуслар	дона	-	483	307	395	235	187
Кучланиш транс-форматорлари	минг ква	8606	134,8	297	306	195	-
Тракторлар	минг дона	23,3	1	3	3,2	2,9	2,9
Трактор культиваторлари	минг дона	14,8	1,2	-	-	-	1,2
Пахта териш машиналари	дона	5287	356	167	65	13	15
Махсус электрик кўприк кранлари	дона	338	12	16	4	2	2

Машинасозлик саноати таркибида металл ишлаш соҳаси ҳам мавжуд бўлиб, бу соҳа ўз навбатида, металл буюмлар тайёрлаш, металл конструкциялар ҳамда машина ва асбоб-ускуналар ремонтлари тармоқларидан иборат. Бундай фаолият билан 2,5 мингдан ортиқ корхоналар шуғулланади.

Ўзбекистон машинасозлигига автомобилсозлик, самолётсозлик, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электро-техникасозлик, асбобсозлик ва кабелсозлик каби йирик тармоқлар киради.

Машинасозлик ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми, асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати ва ходимларини сони жиҳатидан Ўзбекистон саноат тармоқлари орасида юқори ўринларда туради. Бу ҳолатни 10-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкин.

10-жадвал

**Ўзбекистонда саноат маҳсулоти, жумладан, машинасозлик
маҳсулоти ҳажмининг ўсиши (% ҳисобида)**

	2001 й.	2002 й.	2003 й.
Жами саноат	133,2	144,3	153,0
Шу жумладан: Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	122,4	133,2	174,1

Автомобиль саноати – машинасозликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, унинг корхоналарида автомобиллар, тиркама ва ярим тиркама юк ташиш мосламалари, автомобилларга эҳтиёт қисмлар, агрегатлар ва бошқа эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, мотоцикллар, мотороллерлар, мопедлар, велосипед ишлаб чиқариш корхоналари ҳам автомобиль саноати таркибига киради.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги. 1931 йил «Тошқишлоқмаш» заводининг биринчи навбати ишга туширилди. Завод пахтачилик учун хилма-хил техника ишлаб чиқара бошлади. Ҳозирги пайтда бу тармоқ корхоналари қишлоқ хўжалиги учун машиналар системасига тегишли барча машина-механизмларни етарли даражада ишлаб чиқармоқда.

Пахта тозалаш саноати машинасозлиги «Ўзбекпахтамаш» бирлашмасида жамланган. Унинг таркибида Тошкент машинасозлик заводи (бош корхона), Андижон «Тождметалл» заводи ва Каттақўрғон «Пахтамахаш», Чустдаги «Олмоспахтамаш» заводлари, Тошкент давлат махсус пахта тозалаш ускуналари конструкторлик бюролари бор. Бу соҳанинг асосий маҳсулотлари – пахта тайёрлаш пунктлари, пахта тозалаш заводлари учун технологик қурилмалар, аррали ва жўвали (валикли) пахта толаси ажратиш (жун) машиналари, линтерлар, тола тозалагичлар, чигит саралаш ва тозалаш машиналари, транспортёрлар, ғарам бузгичлар, пахта узаткичлар, туннел очиш машиналари, пахта ғарамларини шамоллатиш ва чанг тутиш машиналари, шунингдек, канопни қайта ишлаш машина ва қурилмалари – жами 50 хил дан ортиқ маҳсулот турларини ўз ичига олади.

Қурилиш материаллари саноати. Республика қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кўп тармоқли саноатга эга. Цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ ёпқич ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материал (плита)лар, норуца қурилиш материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси материаллари, оҳақ, гипс, боғловчи материаллар ва улардан буюмлар, санитария-гигена жиҳозлари, полимер хомашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир –бетон конструкциялари ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Ўзбекистонда табиий хомашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Айниқса бинолар қурилишида хом ғишт, гувала, ёғоч синч, оддий тупроқ(лой)дан, тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материали бўлиб келган. Хумдонларда пиширилган ғишт, сопол, чинни кошн, ганч, йўнилган гранит, мармар тошлар сарой, мадраса, масжид, работлар қурилишида кенг қўлланилган.

Ҳозирги даврда ушбу тармоқ корхоналарида 150 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланади. Жумладан, 2003 йилда 4,1 млн. тонна цемент, 300 млн. шартли тахта асбест-цемент шиферлари, 3,4 млн. м² дераза ойналари ишлаб чиқарилди.

Енгил саноат. Ҳозирги даврда Ўзбекистон енгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари, тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, кўнпойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари ишлаб чиқариш соҳаларида 150 та йирик ва ўрта корхоналар бор. Республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида енгил саноат ҳиссаси 20% ни ташкил этади. Бу тармоқда 265 минг ходим иш билан банд. Енгил саноат тармоғининг энг муҳим соҳасидан бири бўлган пахта саноати корхоналарида ҳар йили 1,2 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси, 100 минг тоннадан ортиқ линт, 22,5 минг тонна чигит, 200 минг тонна уруғлик чигит тайёрланади. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш мақсадида Россия, Италия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея ва бошқа мамлакатлар фирмалари билан ип газламалар ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. 2003 йилда республика енгил саноати тармоқларида 476,2 млн. м² газлама, шу жумладан, 421,3 млн. м² ип газлама ишлаб чиқарилди.

Озиқ-овқат саноати. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида озиқ-овқат саноати энг муҳим мавқени эгаллайди. Саноатнинг бу тармоғида асосан хомашёни қайта ишлашга асосланган бўлиб, Республика умумий саноати маҳсулоти ҳажмида озиқ-овқат саноати 1995 йилда 9,8%, 2003 йилда эса 12,3%ни ташкил этган. Озиқ-овқат саноати тармоғида гўшт-сут, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, нон, макарон, мева-сабзавот консервалари, қандолат, чой қадоқлаш, узум ва шампан виноси, спирт, ароқ, тамаки, пиво, чанқоқбосар ичимликлар, совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кўплаб саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат саноатида чуқур ташкилий ва иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди, илгари тармоқ корхоналарига раҳбарлик қилган вазирликлар тугатилиб, «Озиқовқатсаноат» давлат-акциядорлик концерни, «Ўзмевасабзавот-холдинг» компанияси, «Ўзгўштсаноат» давлат-акциядорлик уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзбалиқ» давлат-акциядорлик корпорациялари ташкил этилди.

4 Мавзу: Саноат ишлаб чиқаришда нарх ва нархлаш

4.1. Нарх – бозор муносабатларининг иқтисодий категорияси сифатида

4.2. Нарх тушунчаси ва унинг функциялари

4.3. Нархнинг турлари ва структураси

4. 1. Нарх - бозор муносабатларининг иқтисодий категорияси сифатида

Нарх бозор категорияси бўлиб, товарлар айирбошланганда юз берадиган муносабатларни англатади. Оқилона, илмий жиҳатдан асосланган нарх ва нархлаш иқтисодиётнинг илмий ва амалий воситаларидан бири ҳисобланади.

Нарх сиёсати - бу давлатнинг иқтисодий сиёсати ва иқтисодий стратегиясининг муҳим ажралмас қисмидир. Шу сабабли ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда, меҳнаткашларнинг ташаббуси ва омилкорлигини ривожлантиришда нарх белгилаш сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Нархни ҳўжалик механизми ва ўзини ўзи пул билан таъминлашнинг кўтариб турувчи устуни дейиш мумкин. Жамоанинг ва айрим ходимнинг даромадлари, улар иқтисодий манфаатлари нархнинг, яъни нархнинг тўғри белгиланишига боғлиқдир.

Нарх бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради, у пасайиб кетса, товар бозори касодга учрайди, товар нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини яхшилаш зарурлиги кун тартибига қўйилади.

Нарх пул муомаласи ҳолатига, кредитлаш самарадорлиги ва иқтисодиётнинг молиявий соғломлиги билан боғлиқ. Давлатнинг, корхона (фирма) лар ва уларда ишловчиларнинг, умуман аҳолининг ўзаро режали боғланиши нарх ёрдамида амалга оширилади, ижтимоий ресурслардан фойдаланиш таъминланади, ялпи ички маҳсулотни ҳисобга олиш ва тақсимлаш амалга оширилади. Нархни товар қиймати белгилайди, аммо бозор иқтисоди шароитида у аниқ қийматдан юқори ёки кам бўлиши мумкин, бу эса бозордаги ўша маҳсулотга бўлган талаб ва таклифга боғлиқ бўлади. Товар нархининг даражаси, Шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги даражаси ва бошқа товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг харид қувватига ҳам боғлиқ бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх ёрдамида корхоналар ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий муоммоларидан бири, нима ишлаб чиқариш фойдали эканлигини ҳал этади. Нарх товар таклифи, аҳолининг тўлов қобилияти, ишлаб чиқариш ресурсларининг ошиб ёки камайиб кетиши тўғрисида корхона эгаларига ахборот берувчи восита ҳамдир. Нархнинг яна бир вазифаси қиймат ўлчовидир, бунда қилинган харажатлар ва олинган натижа маълум бир нарх ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳўжалик юритиш амалиётида эса нарх муҳим иқтисодий восита, дастак деб қаралади. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришдаги меҳнат сарфланиши билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнат сарф этилади. Уларнинг мажмуаси қийматдир. Аммо қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас.

Қиймат товарни яратишга кетган ижтимоий зарур меҳнат сарфи, аниқроғи эҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган меҳнат сарфидир, чунки меҳнатнинг бир қисмини, агар у керакли бўлмаса, бозор инкор этади ва шу қисми қийматни яратишда иштирок этмайди. Муайян нарх шароитида кўпроқ фойда олиш учун харажатларни камайтириш зарур.

Нархлар товар-пул муносабатлари муомаласининг шакли ва реализация қилинадиган маҳсулот турига кўра фарқланади. Аммо нархнинг турлари бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ягона тизимни ташкил этади. Мазкур тизимнинг муҳим элементлари қуйидагилардир:

а) улгуржи нархлар. Улар фирмалар ўз маҳсулотларини катта ҳажмда бошқа фирмаларга ёки воситачиларга ва улгуржи савдо ташкилотларига сотаётганлирида қўлланилади. Улгуржи нарх корхоналарга ишлаб чиқариш харажатларини коплашни, зарур фойда олишни таъминлаб бериши зарур;

б) чакана нархлар. Улардан товарларни бевосита истеъмолчиларга сотишда фойдаланилади. Бу нархларга давлат савдоси, хусусий мулк эгалари дўконлари ва бозорда юзага келаётган нархлар киради. Чакана нарх даражаси аҳолининг реал даромадлари билан белгиланади.

в) харид нархлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат томонидан сотиб олинишида ишлатилади.

г) дунё нархлари халқаро савдо муносабатларида қўлланилади.

Нархлар товар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўз вазифалари орқали таъсир этади. Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарур меҳнат сарфига келтирилади ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши нархни ҳосил қилади.

Бозорда сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий муносабат бўлганидан нархнинг шаклланишида ҳар икки томон иштирок этади. Харидор деганда, биз товар ва хизматларни истеъмол этувчилар – фуқаролар, ишлаб чиқаришни юргизиш учун ресурсларни сотиб олувчи фирмаларни тушунамиз. Нархларнинг шаклланишида товарни ишлаб чиқаришдан тортиб, истеъмолга етгунгача бўлган меҳнат сарфлари иштирок этади. Жамики харажатлар нарх таркибига киради.

Нархни шакллантирадиган асосий омиллар эса қуйидагича:

1. Иқтисодий харажат даражаси;
2. Товарларнинг нафлилик даражаси;
3. Товарга бўлган талаб ва унинг таклифи;
4. Рақобат шакллари ва усуллари;
5. Товарни истеъмол қилиш вақти.

Рақобат чекланган бозорларда (соф монополия, монополистик рақобат, олигополия) ишлаб чиқарувчиларнинг ўрни бозор нархларини белгиловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Монополия шароитида бозорда бир турдаги маҳсулотлар таклиф қилиниши сабабли нарх устидан тўлиқ назорат амалга оширилади.

Бу дегани монополист ишлаб чиқарувчиларнинг нарх белгилашдаги ҳукмронлиги, истеъмолчи даромадлари чеклангани бўлиб, тўкнаш келади.

Ўрнини босувчи товарларнинг мавжудлиги ҳам уларнинг нарх белгилашдаги мутлақ имкониятини чеклайди.

Олигополия шароитида эса алоҳида ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) бир-бирига боғлиқ бўлганликлари сабабли нархларни мустақил белгилашга ботина олмайдилар. Фақат нарх белгилашда яширинча келишишлари мумкин.

Нархнинг шаклланишини қуйидагича ифодалаш мумкин:



***-чизма.** Нархнинг шаклланиши.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида нархнинг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Маълумки, ҳозирги замон иқтисодиёти бозор иқтисодиётидир. Бу иқтисодиёт Ер юзидаги кўпгина давлатларда турли даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан ривожланиб бормоқда. Унинг моҳият белгиларини энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кўриш мумкин. Унинг ана шундай белгиларидан бири, нархларнинг либераллашуви, нарх-навонинг эркин шаклланишидир. Товарлар нархини давлат юқоридан белгиламайди. У бозордаги талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотувчининг савдолашуви асосида юзага келади. Келишилган нархлар эса бозор муносабатларига хизмат қилади. Нарх пул билан ўлчанади. Бозор иқтисодиёти пулсиз бўлиши мумкин эмас. Пул эса иқтисодий муносабатларнинг асосий воситаси бўлиб, иқтисодиётда ўта муҳим роль ўйнайди. Пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул обороти, пул эмиссияси, қадри-қиммати, инфляция, валюта курси каби ҳодисалар иқтисодий вазиятнинг кўзгуси ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида товар тақчиллиги бўлмайди, шу сабабдан бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтказади, товар ва хизматларни сифати ва нархига қараб танлаб олиш имкониятига эга бўлади.

Кўриб чиққанимиздек, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида нархнинг роли ва аҳамияти жуда катта.

Нарх шаклланишида рақобат муҳим ўрин тутди. Рақобатда ютиб чиқиш ёки ютказиш нархни белгилашга ҳам боғлиқ. Рақобатлашув жараёнида харидор кўп бўлса, юқори нарх ташкил топади. Агар сотувчилар кўп бўлиб, улар рақобатлашишса, паст нархлар вужудга келади.

Рақобат курашида харажатларни қопламайдиган, бинобарин, зарар келтирадиган ўта паст нархлар ҳам пайдо бўлади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжаликни оқилона юритиш эса молиявий алоқалар ва қиймат қонунларидан фойдаланишни талаб қилади.

Айрим буюмларнинг нархсини ўзгартириш эвазига давлат уларга бўлган эҳтиёжни ҳамда уларни харид қилишни бошқаради. Жумладан, инсон соғлиғига путур етказувчи маҳсулотларнинг нархсини ошириш эвазига уларни харид қилишини чегаралаш ва аксинча, баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг нархсини меъёردа ушлаб туриш орқали эҳтиёжларни тўлароқ қондириш мулоҳазамизга далил бўла олади.

4.2. Нарх тушунчаси ва унинг функциялари

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, нарх - товар қийматининг пулдаги ифодасидир. Амалий жиҳатдан қаралганда эса, нарх – муҳим иқтисодий восита, дастак ҳисобланади. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ўзидаги меҳнат сарфи билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнат сарф қилинади, уларнинг мажмуаси қиймат демакдир. Аммо қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас. Қиймат товарни яратишга кетган ижтимоий зарур меҳнат сарфи, аниқроғи эҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган меҳнат сарфидир, чунки меҳнатнинг бир қисмини, агар у керакли бўлмаса, бозор инкор этади ва шу қисм қийматни яратишда иштирок этмайди. Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарур меҳнат сарфига келтирилади ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши нархни ҳосил қилади.

Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг функциялари яққол кўрсатиб беради. Нарх нимага тегишли бўлишидан қатъий назар (товар, хизмат, иш кучи, қарз пули нархсини, бунинг фарқи йўқ) беш асосий функцияни бажаради:

1. Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси. Бунда нарх бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради.

2. Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси. Нарх қийматнинг пулдаги ифодаси, чунки бажарилган иш ҳажми, фойда-зарарнинг барчаси нарх асосида ҳисоб-китоб қилинади.

3. Иқтисодий регулятор функцияси. Нарх бозор иқтисодиётининг асосий воситаларидан биридир. Ундаги ўзгариш бозор ҳолати (конъюктураси)ни билдиради.

4. Рақобат воситаси функцияси. Рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Нарх воситасида беллашув рақобатнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Фирмалар ўз рақибларини енгиш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун нархни ўзгартириб турадилар.

5. Ижтимоий ҳимоя функцияси. Нарх айрим аҳоли тоифаларини камбағалликдан сақлаш вазифасини ўтайди. Одатда аҳолининг ночор ва муҳтож қатламларига товарлар арзонлаштирилган нархларда сотилади. Булар ижтимоий дотацияланган нархлар бўлиб, уларни молиявий жиҳатдан давлат бюджети ёки бюджетдан ташқари маблағлар таъминлайди. Дотацияланган нархларни давлат белгилайди.

4. 3. Нархнинг турлари ва структураси

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос тизими борки, у ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этувчи, аммо турли мақсадларда қўлланувчи нархлар мажмуасидан ташкил топади. Нархнинг шаклланиш жараёни мураккаб бўлиб, унинг иштирокчилари ғоят кўпчиликни ташкил этади. Нархлар турли вазифаларни бажарганлиги сабабли ҳам уларнинг тури кўп.

Нархларнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

1. Улгуржи нархлар. Товарлар кўтарасига катта миқдорда сотилганда бу нархлардан фойдаланилади. Бундай нархни асосан улгуржи савдо-сотиқ олиб бориладиган савдо марказларида учратиш мумкин.

2. Чакана нархлар. Товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилганда фойдаланилади. Бу нарх ўз ичига товар улгуржи нархини, чакана савдо ташкилотчиларининг харажати ва фойдасини олади.

3. Нуфузли нархлар. Бу нархлардан обрў талаб истеъмолчиларга товарлар сотилганда ва хизматлар кўрсатилганда фойдаланилади.

4. Дотацияли нархлар. Бунда товарлар давлат бюджети ҳисобидан арзонлаштирилган нархларда олинади.

5. Давлат нархлари. Бу ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан буюртма берилганда қўлланилади.

6. Мавсумий нархлар. Бу мавсумий ишлаб чиқариладиган товарларга белгиланади.

7. Миллий ва жаҳон нархлари. Алоҳида товарнинг байналмилал харажатлари. Бунда жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф нисбати ҳисобга олинади.

8. Стандарт нархлар. Харидор чўнтагидаги пулга қараб, маълум давргача ўзгармайдиган қатъий стандарт нархлар қўлланилади.

9. Прейскурант нархлар. Бу нархлар сотувчи учун мўлжал нарх, харидор учун билдиришлик ёки маълумот нарх ҳисобланади.

Ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш учун музокараларга тайёргарлик кўриш мобайнида тадбиркор энг аввало, ўзи учун макбул бўлган нарх кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у нархни учга ажратади. Яъни *maksimal* (энг юқори), *minimal* (энг паст) ва объектив нарх.

Максимал нарх - (сотувчи нуктаи назаридан) - бу музокараларни шу нархдан бошлаш мумкин бўлган кўрсаткичидир.

Минимал нарх - (қўшилиши мумкин бўлган энг паст нарх) - бу товар нархининг шундай кўрсаткичи, тадбиркор музокаралар давомида ундан тушмасликка ҳаракат қилади.

Объектив нарх - бу таркибида ўртача сифат кўрсаткичларига эга бўлган у ёки бу товарнинг ўртача нархсидир.

Нархнинг иқтисодиётдаги ўрни беқиёс катта бўлганидан унинг ҳар бир туридан оқилона фойдаланиш тадбиркорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли корхоналар ва фирмалар нарх, белгилашга катта эътибор берадилар. Улар ўзларининг нарх стратегиясини ишлаб чиқишда қуйидаги мақсадларни кўзлайдилар:

- товар сотишни кўпайтириш;
- кўпроқ фойда олиш;
- ўрнини муайян мавқеини сақлаб қолиш.

Товар сотишни кўпайтиришдан уч натижа кутилади: а) товар сотишни кўпайтириш орқали бозорда ўз ҳиссасини ошириш, имкон бўлганда бозорни ўз назоратига олиш; б) ҳар бир товарни (товар бирлигини) сотишдан тушадиган фойданинг камайишига рози бўлган ҳолда товарларни кўплаб сотиш орқали келадиган ялпи фойдани ошириш; в) товарни кўп сотиш натижасида унинг ҳажмига нисбатан савдо-сотиқ харажатларини қисқартириш.

Бозордан рақибларни суриб чиқариб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун фирмалар махсус нарх қўллайдилар, уни **бозорга кириб олиш нархи** ёки **демпинг нарх** деб аталади.

Бу нарх рақибни синдиришга қаратилганлигидан давлат уни таъқиқлайди, шу сабабли фирмалар уни яширин қўллайдилар ва бу иш расмий нархнинг бир қисмини кечиб юбориш шаклида бўлади.

5 Мавзу: Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари.

5.1 Асосий фондлар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни.

5.2 Асосий фондларнинг турлари, таркиби ва кўрсаткичлари.

5.3 Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва уни ҳисоблаш усуллари.

5.1 Асосий фондалар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни

Корхоналарнинг асосий белгиси уларнинг ўзларига тегишли мулкнинг мавжудлигидир. Айнан шу нарса корхоналарнинг моддий-техник имкониятларини белгилаб беради ҳамда уларнинг иқтисодий эркинлиги ва келажагини тامينлайди. Муайян мулкдан фойдаланмасдан ҳеч бир корхона ўзининг хўжалик фаолиятини амалга ошира олмайди.

Корхоналар эгалик қиладиган мулк кўчмас ва кўчириб бўладиган мулкларга ажралади.

Кўчмас мулкка ер участкалари, ер ости бойликлари, махсус сув объектлари ва умуман ер билан боғлиқ бўлган бузилмас нарсалар, шу жумладан ўрмонлар, кўп йиллик дарахтлар, иншоотлар, бинолар киради.


Кўчириб бўладиган мулкка кўчмас мулкка кирмайдиган нарсалар ҳамда пул маблағлари ва қимматли қоғозлар киради.

Корхона мулкани айланма активлар ва узоқ муддатли активларга ҳам ажратиш мумкин. Бунда корхона мулканинг нафақат ижтимоий кўриниши балки ишлаб чиқариш жараёнидаги роли, аҳамияти ва корхона иқтисодиётига таъсири ҳам ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли активлар йирик ва ўрта корхоналар мулканинг 65-85% ини ташкил қилади. Унинг тузилиши 6.1.1-чизмада келтирилган.

5.1.1-чизма.

Узоқ муддатли активларнинг тузилиши



Узоқ муддатли активлар корхона хўжалик фаолиятида узоқ муддат мобайнида қатнашади. Бу амортизация жараёнининг давомийлиги ва айланма тезлигининг секинлиги билан боғлиқ. Шунинг учун улар узоқ муддатли ёки секин айланадиган активлар деб аталади. Шунингдек, улар иммобилизация фондлари ҳам деб аталади.

Корхоналарда узоқ муддатли активларнинг тузилиши ва таркиби бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бироқ, барча корхоналар узоқ муддатли активлари таркибида асосий фондлар салмоқли ҳиссани ташкил этади.

Асосий фондлар - бу моддий (ашёвий) бойлик бўлиб, ўзининг табиий кўриниши, узоқ вақт мобайнида ўзгартирмайди ҳамда қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига қисмлаб ўтказади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари умумий ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси ҳисобланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, меҳнатнинг қуролланганлик даражаси асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажмига боғлиқ. Асосий фондларнинг ва меҳнатнинг қуролланганлик даражасининг

ошиши меҳнатга ижодий характер бағишлайди ва жамоанинг маданий – техник даражасини оширади.

Иқтисодийнинг эркинлаштирилиши шароитида асосий фондлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи барча омиллар ичида асосий ўринни эгалайди.

Асосий фондлар жамият моддий ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. Уларнинг 65% дан кўпроғи асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келади.

5.2 Асосий фондларнинг турлари, таркиби ва кўрсаткичлари.

Асосий фондлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдаги иштирокига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш асосий фондлари моддий ишлаб чиқариш соҳасида қатнашади. У ўзининг амал қилиш цикли давомида ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта ишлатилади. Ишлаб чиқариш асосий фондлари босқичма – босқич эскириб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қисмлаб ўтказиб боради. Улар амортизация ажратмалари ҳисобига қопланади.

Ноишлаб чиқариш асосий фондларига корхона балансида турган, ходимларга хизмат қиладиган турар жойлар, боғча, спорт муассасалари ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар киради. Ишлаб чиқариш фондларидан фарқли ўлароқ улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди ва ўзининг қийматини маҳсулотга ўтказмайди. Уларнинг қиймати истеъмолда йўқ бўлиб кетади. Уларнинг ўрни тўлдирилмайди. Улар корхона фойдаси ҳисобига такрор ишлаб чиқарилади.

Ноишлаб чиқариш асосий фондлари ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир ўтказмасада ишчилар турмуш шароити билан боғлиқ ҳолда албатта корхонанинг ҳўжалик фаолияти натижасига таъсир қилади.

Корхоналар асосий ишлаб чиқариш фондлари иқтисодий ўхшашлигига қарамасдан умумий мақсади ва хизмат қилиш муддати билан фарқланувчи меҳнат воситаларининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг учун уларни алоҳида хусусиятлари бўйича муайян гуруҳларга ажратиш зарурати туғилади.

Корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ер участкалари, эгалик қилиш ҳуқуқига эга корхонага тегишли бўлган табиатдан фойдаланиш объектлари (сув, ер ости бойликлари; бошқа табиий ресурслар);
- бинолар (ишлаб чиқариш – техник, ёрдамчи бинолар ва бошқалар);
- иншоотлар (инженерлик қурилиш объектлари, ишлаб чиқаришга ёрдамлашувчи иншоотлар);

- узатиш қурилмалари (электр узатиш шахобчалари);
- машина ва жиҳозлар;
- ўлчам ва назорат қилиш асбоблари, қурилмалари ва лаборатория жиҳозлари;
- ҳисоблаш техникаси;
- транспорт воситалари (ички ва ташқи ишлаб чиқариш)
- қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлган асбоб ва мосламалар;
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари;
- Хўжалик ичидаги йўллар.

Асосий фондлар алоҳида гуруҳлари ўртасидаги нисбат асосий фондларнинг қайси гуруҳи учун маблағ сарфланиши жамият учун аҳмиятсиз эмас. Чунки корхоналарни ишлаб – чиқаришда асосий ўрин эгалайдиган ва уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини характерлайдиган асосий фондларнинг актив қисми - машина ва жиҳозларнинг кўпайиши қизиқтиради.

Асосий фондлар актив қисмининг нормал ишлашини таъминлайдиган бинолар, иншоотлар, инвентарлар асосий фондларнинг пасив қисмига киради.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматида жиҳозлар ҳиссасининг ошиши бошқа тенг шароитларда ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва фондлар қайтимининг ошишига олиб келади.

Шунинг учун асосий фондлар структурасини тўғри ташкил этиш ишлаб чиқаришнинг ўсишига, таннархнинг пасайишига ва корхона пул маблағларининг ортишга олиб келувчи шарт сифатида қаралади.

Саноатнинг турли тармоқларига тегишли корхоналарда асосий ишлаб чиқариш фондлари структураси бир хил бўлмайди. Масалан енгил ва озиқ – овқат саноатида бинолар асосий ўрин эгалайди (44-46%), ёнилғи саноатида иншоотлар (17-19%), электро энергетика саноати корхоналарида узатиш қурилмалари (30-33%), машинасозлик корхоналарида машина ва жиҳозлар асосий ўрин эгаллайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари структурасига асосий таъсир қилувчи омиллар бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот характери, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, механизация ва автоматлаштирилганлик даражаси ҳамда корхонанинг иқлим ва географик жойлашиши ва хусусиятлари ҳисобланади.

Биринчи омил биноларнинг қиймати ва ўлчамига, транспорт воситалари ва ўтказиш қурилмаларининг ҳиссасига таъсир қилади . Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши -маҳсус ишчи машина ва жиҳозлари ҳиссасининг ошишига олиб келади. Худди шундай учинчи ва тўртинчи омиллар ҳам асосий фондлар тузулишига таъсир кўрсатади. Асосий фондлар таркибидаги бино ва иншоотлар ҳиссаси иқлим шароити билан ҳам боғлиқ.

Қуйидагилар асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилишининг яхшиланишга олиб келади:

- * ускуналарни яхшилаш ва замонавийлаштириш;
- * ускуналар хусусан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган станоклар, автоматлаштирилган ва ярим автоматлаштирилган станоклар, универсал ва мураккаб станоклар, автоматик линиялар ҳамда ҳисоблаш дастурлаш станоклари тузилишини такомиллаштириш;
- * бино ва иншоотлардан оптимал фойдаланиш, бўш турган жойларга қўшимча ускуналар ўрнатиш;
- * корхонанинг қурилиш лойиҳаларини тўғри тузиш ва қурилиш режасини сифатли қилиб амалга ошириш;
- * ортиқча ва кам фойдаланиладиган ускуналарни тугатиш.

Асосий фондларни ҳисобга олиш ва режалаштириш натурал ва пул шаклида олиб борилади. Асосий фондларни баҳолашдан олдин машиналар сони, уларнинг унумдорлиги, қуввати, ишлаб чиқариш майдонининг ўлчами ва бошқа натурал шаклдаги миқдорий кўрсаткичлар аниқланади. Бу маълумотлар тармоқ ва корхона ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда, ишлаб чиқариш дастурини режалаштиришда, ускуналар балансини тузишда фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар асосида ускуналар инвентаризация қилинади ва уларни ҳисобдан чиқариш, ҳисобга киритиш амалга оширилади.

Асосий фондларни пул (қиймат) шаклида баҳолаш асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқаришини режалаштириш, эскириш меъёрини ва амортизация ажратмалари миқдорини ҳамда хусусийлаштириш ҳажмини аниқлаш учун зарур ҳисобланади.

Асосий фондларни баҳолашнинг бошланғич, қайта тикланиш ва қолдиқ қиймат кўринишлари фарқланади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг бошланғич қиймати асосий фондни яратиш ёки сотиб олиш учун кетган ҳамда уни ўрнатиш, монтаж учун кетган жами харажатлар сўммасидан иборат. Бундан амортизация меъёри ва амортизация ажратмалари кўламини аниқлашда, корхона фойдаси ва рентабеллигини ҳисоблашда фойдаланилади.

Фан-техник тараққиёти натижасида асосий фондларни ишлаб чиқариш шартлари ва омиллари ҳам ўзгариб бормоқда, бинобарин, жорий бозор баҳолари ва тарифлари билан боғлиқ равишда уларни ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўзгариб бормоқда. Ҳозирги кунда асосий фондлар жорий баҳолари ва тарифларига биринчи даражали таъсир қилувчи омил бўлиб инфляция ҳисобланади.

Корхона балансида асосий фондлар вақт ўтиши билан турли хил қийматда акс этиб қолади. Яъни, хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида асосий фондларни фақат уларнинг бошланғич қиймати бўйича ҳақиқий баҳолаб

бўлмайди ва шунинг учун уларни қайта баҳолаш ва бир хил қийматга ўтказиш зарурати тўғилади.

Тикланиш қиймати - бу асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш учун ҳозирги, яъни қайта баҳолаш ўтказилганидан кейинги қиймати.

Асосий фондлар ишлатилиши жараёнида эскириб боради ва ўзининг бошланғич қийматини босқичма-босқич йўқотиб боради. Уларнинг реал қийматини аниқлаш учун эскирган қисмининг қийматини аниқлаш зарурати тўғилади. Уларнинг бошланғич ёки тикланиш қийматидан эскириш сўммаси айрилиб асосий фондларнинг қолдиқ қиймати аниқланади.

Эскиришнинг жисмоний ва маънавий кўринишлари фарқланади.

Жисмоний эскириш деганда асосий фондларнинг бошланғич истеъмол қийматининг босқичма-босқич йўқолиб бориши тушунилади. Бунда нафақат уларнинг ишлаш жараёнидаги эскириши, балки бекор туриши натижасида ҳам эскирганлиги киради. Асосий фондларнинг физик эскириши асосий фондлар сифатига, уларнинг техник такомиллашганлигига, технологик жараённинг хусусиятларига, уларнинг ишлаш вақтига, ташқи таъсирлардан ҳимояланганлигига ҳамда асосий фондларни парвариш қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш даражасига боғлиқ.

Асосий фондларнинг жисмоний эскириши ҳатто уларнинг бир хил элементларида ҳам ҳар хил бўлади. Асосий фондларнинг тўлиқ ва қисман эскириши фарқланади. Тўлиқ эскирганда ишлаб турган, асосий фондлар йўқотилади ва жойига янгиси (капитал қурилиш ёки эскирган асосий фондларни жорий алмаштириш воситасида) келтиради. Қисман эскириш таъмирлаш йўли билан қопланади.

Асосий фондларнинг жисмоний эскириши ҳақиқий хизмат қилган даврни нормативдаги даврга бўлиш ва 100 га кўпайтириш йўли билан ҳисобланиши мумкин. Нисбатан тўғри усул бу объектнинг табиий ҳолатини текширишдир.

Маънавий эскириш бу - машина ва ускуналар қийматининг уларни такрор ишлаб чиқариш учун кетадиган умумий, зарурий харажатларининг қисқариши, янги ва унумдор машина ва ускуналарнинг жорий қилиниши таъсирида пасайишидир. Ушбу омиллар таъсирида асосий фондлар ўзининг техник тавсифи ва иқтисодий самарадорлиги жиҳатдан қолоқ бўлиб қолади, яъни маънавий эскиради.

Ҳозирги шароитда маънавий эскиришни ҳисобга олишнинг аҳамияти ортиб боради. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун ҳали тўлиқ жисмоний эскирмаган, лекин маънавий эскирган асосий фондларни янгиси билан алмаштириш керак бўлади. Маънавий эскирган техникани ўз вақтида замонавийлари билан алмаштирмаслик маҳсулот таннархини пасайтиришга, сифатини яхшилашга имконият бермайди. Бундай маҳсулотлар билан рақобатга киришиб бўлмайди.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида тижорат корхонларида асосий фондларни янгилашга кетадиган харажатларни қоплашнинг асосий манбаи уларнинг ўз маблағлари ҳисобланади. Бу маблағ асосий фонддан фойдаланиш мобайнида амортизация ажратмаси шаклида жамғарилади.

Амортизация - асосий фондлар эскиришини маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қисмлаб ўтказиш йўли билан йиғилиб бориладиган пул маблағларидир.

Амортизация ҳисобланадиган мулк таркибига Ўзбекистон Республикасини қонунчилигига кўра қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан ортиқ бўлган ва фойдаланиш муддати 1 йилдан ошадиган мулклар киради. Ер участкалари, қазилма бойликлар, ўрмонлар ва молиявий активлар бунга кирмайди. Амортизация ажратмаси сўммаси асосий фонднинг қийматига, ундан фойдаланиш муддатига ва модернизация харажатларига боғлиқ.

Амортизациянинг йиллик сўммасини асосий фондлар қийматига нисбатан процентларда ифодалаш орқали унинг нормаси аниқланади. Амортизация нормаси асосий фондлар йилига ўзининг баланс қиматининг қанча қисмини маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшаётганлигини билдиради. Амортизация нормасини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$H_{ам} = \frac{\Phi_1 - \Phi_{\text{й}}}{T_m \cdot \Phi_1} \times 100$$

бу ерда: Φ_1 - асосий фондларнинг бошланғич қиймати, сўм;

$\Phi_{\text{й}}$ - асосий фондларнинг йўқотилган қиймати, сўм;

T_m - асосий фондларнинг меъёрий хизмат муддати, йил.

Амортизация нормаси даражаси асосий фондларнинг эскирган қисмини қайта тиклаш учун зарур бўлган ресурслар ҳажмини ифодалайди. Амортизация нормаси ёрдамида асосий фондларнинг айланма тезлиги ва уларни такрор ишлаб чиқриш жараёнини моделлаштириш назорат қилинади.

Асосий фондларни тўлиқ тиклаш учун ажратилган амортизация суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$A_a = A_{ми} \cdot \Phi_{\text{ўрт.қий.}}$$

бунда: $\Phi_{\text{ўрт.қий.}}$ - асосий фондларнинг ўртача қиймати, сўм.

Мисол. Дастгоҳларнинг жами бошланғич қиймати 20,0 млн. сўм., хизмат муддати - 8 йил. Модернизация харажатлари 4,0 млн. сўм., демонтаж сарфлари 0,5 млн.сўм., станокларнинг қолдиқ қиймати 0,9 млн.сўм. Бу ҳолатда амортизация нормаси $11,25\% [(20,0-0,9):(20,0\cdot 8)]\times 100$, амортизация ажратмалари сўммаси эса $[(20,0 + 4,0 + 0,5 - 0,9)]:8 = 2,95$ млн.сўмни ташкил этади.

Амортизация ажратмалари миқдори уч усулда ҳисобланади: бир маромли; бажарилган иш ҳажмига нисбатан сонлар сўммаси бўйича ва қийматни ҳисоблаб чиқариш (кумулятив) тезлаштирилган усуллар.

Амортизация ажратмалари миқдорини бир маромли усулда ҳисоблаш асосий фондларнинг бир маромда жисмоний ва маънавий эскиришига мўлжалланган 5.2.1-жадвалга қаралсин.

6.2.1-жадвал.

**Амортизация ажратмалари миқдорини бир
маромли усулда ҳисоблаш**

Асосий фондлар кўринишлари	Ўртача баланс қиймати, млн. сўм	Амортизация ажратмалари-нинг йиллик нормаси, %	Амортизация ажратмалари-нинг йиллик миқдори, млн.сўм (гр.2хгр.3)
Ускуналар	60	12	7,2
Бинолар	350	5	17,5
Транспорт	7	20	1,4
Жами:			26,1

Асосий фондларнинг маънавий эскириши кўп ҳолларда жадал кечади. Шунинг учун бошқарувчи амортизация ажратмасини тез маънавий эскираётган асосий фондларнинг ўрнини қоплаб оладиган даражада белгилаши лозим. Бу муаммони тезлаштирилган амортизация усули ёрдамида ҳал қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда ускуналар қийматининг катта қисмини дастлабки йиллардаёқ ишлаб чиқариш харажатларига ўтказишни таъминлайдиган нотекис амортизация кенг қўлланилмоқда. Масалан, биринчи йил - 50%, иккинчи йил - 30%, учинчи йил - 20% ўтказилади. Бу корхоналарга инфляция шароитида қилинган харажатларни тезроқ қоплаш ва ускуналарни янгилаш имконини беради.

Саноат корхоналарида амортизация ажратмалари сўммаси мустақил равишда корхонанинг асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришга сарфланади.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг турли шакллари мавжуд. Оддий такрор ишлаб чиқариш шакли - бу эскирган меҳнат воситаларини капитал таъмирлаш. Бунда таъмирлаш харажатлари бевосита маҳсулот

таннархига қўшилади. Ноишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш учун харажатлар фойда ҳисобига қопланади.

Асосий фондларни кенгайтирилган шаклда такрор ишлаб чиқариш деганда янги қурилишни амалга ошириш, корхона фаолиятини кенгайтириш, уни реконструкция қилиш, техник қайта қуриланиш ҳамда ускуналарни модернизация қилиш тушунилади.

Бу шаклларнинг ҳар бири аниқ вазифани бажаради, ўзига яраша устунлик ва камчиликлари бор. Янги қурилиш ҳисобига асосий фондларининг барча элементлари замон талабига жавоб бера оладигн корхоналар юзага келади. Бироқ ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришнинг сусайиши билан кўпчилик корхоналар маблағ етишмаслиги сабабли фаолиятини тўхтатадилар. Реконструкция қилишда капитал харажатларнинг асосий қисми эски ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш даврида фондларнинг актив қисмини такомиллаштиришга йўналтирилади. Ускуналарга қилинаётган харажатлар ҳиссасининг ортиши меҳнат унумдорлигининг ортшига, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига ва маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади.

Ускуналарни модернизациялаш деганда ускуналардаги маънавий эскиришни тўлиқ ёки қисман бартараф қилиш ва ишлаб чиқаришга нисбатан замонавий конструкцияларни жорий қилиш тушунилади.

Ускуналарни модернизациялаш бир неча йўналишларда олиб борилиши мумкин:

- * ишлаётган машиналарнинг конструкциясини уларнинг техник имкониятларини оширадиган қилиб такомиллаштириш;
- * станок ва механизмларни автоматлаштириш ва механизациялаш;
- * ускуналарни дастурий бошқаришга ўтказиш.

Ускуналарни модернизация қилиш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, меҳнат унумдорлиги ва йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, маҳсулот таннархини камайишига олиб келади. Агар фойданинг ўсиши модернизация харажатлари туфайли асосий фондлар қийматининг ўсишидан юқори бўлса рентабиллик ошган бўлади.

5.3. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва уни ҳисоблаш усуллари

Асосий фондлар тузилишининг, техник даражасининг маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ошишига, маҳсулот таннархининг камайишига таъсири улардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларини қуйидаги уч гуруҳга бирлаштириш мумкин:

* асосий фондлардан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар муддат бўйича улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди.

* асосий фондлардан интенсив фойдаланиш кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар уларнинг қувватидан фойдаланиш даражасини ифодалайди.

* асосий ишлаб чиқариш фондларидан интеграл фойдаланиш кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар барча омиллар - экстенсив ва интенсив омиллар таъсирини ифодалайди.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичларига ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффиценти, ускуналардан фойдаланишнинг сменалилик коэффиценти, ускуналарнинг иш билан таъминланганлик коэффиценти, ускуна ишлаш вақти режимининг сменали коэффиценти.

Ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффиценти ускуналардан ҳақиқатда фойдаланилган соатлар миқдорини режадаги соатлар миқдорига бўлиш йўли билан топилади:

$$K_{\text{экт}} = t_{\text{ҳақ.ф.}} / t_{\text{меер.ф.}}$$

бунда: $t_{\text{ҳақ.ф.}}$ - ускуналардан ҳақиқий фойдаланилган вақт, соат;

$t_{\text{меер.ф.}}$ - ускуналарнинг норма бўйича ишлаш муддати, соат.

Мисол. Агар сменанинг давомийлик вақти 8 соат бўлса, режа бўйича таъмирлаш ишларига 10 соат сарфланса, станокларнинг ҳақиқий ишлаш вақти 6 соатни ташкил этса, унда ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффиценти $0,86 \cdot [6:(8-1)]$ га тенг бўлади. Бу станоклардан режадаги фойдаланиш керак бўлган вақтнинг атиги 86%дангина фойдаланилаётганлигини билдиради.

Усқунлардан экстенсив фойдаланиш сменалик коэффиценти кўрсаткичи билан ҳам тавсифланади. Бу кўрсаткич кун мобайнида, барча сменаларда ишлатилган ускуналар миқдорини энг катта сменада ишлатиладиган станоклар миқдорига бўлиш билан аниқланади. Ускуналарнинг ҳар бир бирлиги йилда нечта сменада ишлатилишини ҳисоблашнинг соддалаштирилган усули қуйидагича: цехга 150 бирлик станок ўрнатилган, шулардан биринчи сменада 100 бирлик станок, иккинчи сменада 90 бирлиги ишлатилди. Сменалилик коэффиценти

$$\frac{100 + 90}{150} = 1,33 \text{ ни ташкил этади.}$$

Корхоналарда сменалилик коэффицентини оширишга интилиш керак, чунки у қанчалик юқори бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортади.

Ускуналар ишининг сменалилигини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- * ишчи ўринларининг ихтисослашганлик даражасини ошириш.

Бу ишлаб чиқаришнинг сериялилигини ва ускуналарнинг иш билан таъминланганлигини оширади;

- * ишларнинг ритмлигини ошириш;
- * бекор туриб қолишларни камайтириш;
- * таъмирлаш ишларини самарали йўлга қўйиш;
- * асосий ва махсус ёрдамчи ишчилар меҳнاتини механизациялаш.

Бу қўшимча ишчи кучини озод қилиш ва уларни оғир ёрдамчи ишларга ёки учинчи сменага ўтказиш имконини беради.

Ускуналарнинг иш билан таъминланганлик коэффиценти ҳам ускуналардан вақт бўйича фойдаланишни характерлайди. Бу кўрсаткич асосий ишлаб чиқаришдаги жами машина парклари учун ҳисобланади. Бу кўрсаткич мавжуд ускуналар билан барча маҳсулотларни тайёрлаш меҳнат сифимининг унинг ишлаш вақти фондига нисбати сифатида аниқланади. Амалиётда ускуналарнинг иш билан таъминланганлик коэффиценти сменалик коэффицетидан икки баробар (агар 2 сменали режим бўлса) ёки уч баробар (агар 3 сменали режим бўлса) кам қийматда қабул қилади.

Бизнинг мисолларимизда:

$$K_{\text{юкланганлик}} = 1,33 / 2 = 0,67$$

Ускуналар ишининг сменалик кўрсаткичи асосида ускуна ишлаш вақти режимнинг сменалик фойдаланиши коэффиценти ҳам ҳисобланади. Бу кўрсаткич ускуналар ишининг сменалик коэффицентини ушбу корхонада ўрнатилган сменанинг давомийлик вақтига бўлиш йўли билан аниқланади. Агар корхонада сменанинг давомийлиги вақти 8 соат бўлса, унда бу кўрсаткич:

$$K_{\text{см.и.}} = 1,33 / 8 = 0,17$$

га тенг бўлади.

Бироқ ускуналардан фойдаланиш жараёнининг бошқа томонлари ҳам бор. Смена орасида вақтинча кун мобайнида бекор туриб қолишларни билишдан ташқари ускуналардан ҳақиқатдан иш билан таъминланган вақтларида қанчалик даражада самарали фойдаланилаётганлигини ҳам аниқлаш керак. Ускуналар тўлиқ иш билан таъминланмаган пайтда умуман маҳсулот

чиқармаслиги мумкин. Бундай ҳолларда биз ускуналардан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш билан чеклансак юқори натижа олгандай бўламиз. Лекин юқорида кўрганимиздек, ускуналардан самарали фойдаланиш самарадорлиги ҳақида тўлиқ хулоса чиқаришга кифоя қилмайди.

Олинган натижаларни иккинчи гуруҳга тааллуқли бўлган, асосий фондлар унумдорлиги акс эттирувчи асосий фондлардан интенсив фойдаланиш кўрсаткичлари билан бойитиш керак. Буларнинг ичида энг муҳим ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффиценти кўрсаткичидир.

Бу кўрсаткични аниқлаш учун асосий техник ускуналар ҳақиқий унумдорлигини унинг нормативдаги унумдорлигига бўлиш йўли билан аниқланади. Буни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{\text{инт}} = V_x / V_{\text{меёрӣ}}$$

Бунда: $V_{\text{ҳақиқӣӣ}}$ – ускуналар билан вақт бирлиги ичида ҳақиқатдаги маҳсулот ишлаб чиқариш;

$V_{\text{меёрӣ}}$ – ускуналар билан вақт бирлиги ичида техник асосланган маҳсулот ишлаб чиқариш.

Мисол. Смена мобайнида станок ҳақиқатда 6 соат ишлади. Биз 2 соат мобайнида бўш турган деб фараз қилиб, фойдаланилган 6 соат учун ундан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қиламиз. Фараз қиламиз станоклар соатига 120 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариши керак, лекин улар 6 соатлик иш вақтида соатига 90 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Унда $K_{\text{инт}} = 90/120 = 0,75$ бўлади. Бу ускуналар қувватининг атиги 75 %идан фойдаланилганлигини билдиради.

Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларининг учунчи гуруҳига:

- ускуналардан интеграл фойдаланиш коэффиценти;
- ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти;
- маҳсулотларнинг фондлар қайтими ва фондлар сифими кўрсаткичлари киради.

Ускуналардан интеграл фойдаланиш коэффиценти ускуналардан экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффицентлари кўпайтмаси сифатида аниқланади. Бу кўрсаткич ускуналардан фойдаланишни вақт ва қуввати бўйича тавсифлайди. Бизнинг мисолимизда $K_{\text{экт}} = 0,86$. $K_{\text{инт}} = 0,75$, шунга кўра ускуналардан интеграл фойдаланиш коэффиценти

$$K_{\text{интег.фойд.}} = 0,86 \times 0,75 = 0,65$$

га тенг бўлади.

Бу кўрсаткич ускуналардан ҳам экстенсив ҳам интенсив фойдаланишдаги камчиликларни биргаликда аниқлайди. Ушбу икки омил таъсири натижасида станоклар соатига 0,65 % ишлатилган.

Асосий фондлардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келади. Шунинг учун асосий фондлар самарадорлиги кўрсаткичини аниқлашда маҳсулот ишлаб чиқарилишида қатнашган барча асосий фондлар қийматини ҳисобга олиш лозим. Бу кўрсаткич асосий фондларнинг 1 сўмига қанча ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғри келишини, яъни фондлар қатимини ифодалайди. Уни ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\Phi_{\text{қайтим}} = T / \Phi$$

Бунда: Т – товар ёки ялпи, ёки сотилган маҳсулот ҳажми, сўм;

Φ – корхонанинг йиллик ўртача асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, сўм.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати қуйидагича аниқланади:

$$\Phi = \Phi_1 + \frac{\Phi_{\text{ишга туш. } X \text{ и}_1}}{12}; \frac{\Phi_{\text{ишдан чиқиш } X \text{ и}_2}}{12}$$

Бунда: Φ₁ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати, сўм;

Φ_{ишга туш.}; Φ_{ишдан чиқиш.} – йил мобайнида ишга туширилган (ҳисобдан чиқарилган) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, сўм;

и₁, и₂ – ишга туширилган (ҳисобдан чиқарилган) вақтдан кейинги тўлиқ ойлар сони.

Фондлар қайтими асосий фондлардан фойдаланишни ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Мамалакат бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фондлар қайтимини ошириш халқ хўжалигининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Фондлар қайтими кўрсаткичининг ошишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

Маҳсулотларнинг фондлар сиғими кўрсаткичи фондлар қийматига тескари кўрсаткич ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир сўмига қанча асосий фондлар тўғри келишини ифодалайди. Агар фондлар қайтими ўсиш тенденциясига эга бўлса, унда фондлар сиғими камайиб боради.

5.2.1-чизма

Фондлар қийматини оширувчи омиллар



Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни оширувчи асосий йўналишлар.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини халқ хўжалиги миқёсида баҳолаш қийин. Бу муаммонинг ечими маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ошишига, аҳоли истемолини тўлароқ қондирилишига, мамлакатда ускуналар бадлансининг ошишига, маҳсулот таннархининг камайишига, ишлаб чиқариш рентабиллигининг ошишига олиб келади.

Асосий фондлардан нисбатан тўлароқ фойдаланиш янги қувватларни жалб қилиш каби эҳтиёжларнинг камайишига олиб келади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг яхшиланиши уларнинг айланиш тезлигининг ошганлигини ҳам билдиради.

Хуллас, асосий фондлардан самарали фойдаланиш иқтисодий ислохотларнинг муҳим вазифаси ҳисобланган - чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, рақобат шароитида маҳсулотларнинг тез реализация қилиниши билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Асосий фондлардан самарали фойдаланиш уларнинг самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи интенсив ва экстенсив омиллардан қанчалик тўлиқ фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Асосий фондлардан фойдаланишнинг экстенсив ўсиши бир томонидан календар даврда ускуналардан фойдаланиш вақтини оширишни тақозо қилса, иккинчи томондан ускуналарнинг умумий қийматида ишлаётган ускуналар ҳиссасини оширишни тақозо қилади.

Ускуналаран фойдаланиш вақтини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- Смена ўртасида бўш туриб қолишларни камайтириш мақсадида ускуналарни таъмирлаш сифатини ошириш, ўз вақтида асосий ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан, хом-ашё билан, ёнилғи ва ярим фабрикатлар билан таъминлаб туриш;
- Кун мобайнида ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, уларнинг ишини сменалик коэффициентини ошириш.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўли ортиқча ускуналар миқдорини камайтириш ва ўрнатилмаган ускуналарни ишлаб чиқаришга тезроқ жалб этиш ҳисобланади. Меҳнат воситалари катта қисмининг бекор туриши ишлаб чиқаришни ўстириш имкониятларининг қисқаришига, ускуналарнинг бекордан бекор жисмоний эскиришига ва узок вақт ишламасдан сақланиш натижасида уларнинг яроқсиз аҳволга келиб қолишига сабаб бўлади. Вақт ўтиши билан яхши сақланган ускуналар ҳам маънавий эскириш натижасида жисмоний эскирган ускуналар қаторига қўшилиб қолади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг интенсив ўсиши вақт бирлигида ускуналарнинг иш билан таъминланганлик даражасини оширишни тақозо қилади. Ускуналарнинг интенсив иш билан таъминланганлигини ошириш учун ишлаётган машина ва механизмларни модернизациялаш, улар ишининг оптимал режимини ўрнатиш лозим. Технологик жараёнларнинг оптимал режимда ишлаш ишчилар сони ва асосий фондларни кўпайтирмай туриб маҳсулот ишлаб чиқаришни оширади ва маҳсулот бирлигига сарфланадиган моддий ресурс харажатларни камайтиради.

Асосий фондлардан фойдаланиш интенсивлигини ошириш қуйидагиларни талаб қилади: ишлаб чиқариш технологияларини ва меҳнат қуролларини такомиллаштириш; меҳнатни илмий ташкил этишни ва бошқаришни такомиллаштириш; ишчиларнинг профессионалиги ва билминини ошириш; ишлаб чиқариш жараёнидаги нуқсонларни бартараф қилиш.

Техника ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда жараёнларни интенсивлаштириш чегараланмаган. Шунинг учун асосий фондлардан фойдаланишни интенсив ошириш имкониятлари ҳам чегараланмаган.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири унинг тузилишини такомиллаштириш ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қанчалик ўсиши асосий цехларга боғлиқ ва шунинг учун уларнинг асосий фондлар умумий қийматидаги ҳиссасини ошириш лозим. Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги асосий фондларнинг ортиши маҳсулотлар фонд сифимининг ошишига олиб келади, лекин бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортишига олиб келмайди. Бироқ ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг пропорционал равишда ривожланишисиз асосий цехлар тўлиқ қувват билан ишлай олмайди. Шунинг учун асосий фондларнинг оптимал ишлаб чиқариш тузилишини аниқлаш улардан фойдаланишни оширувчи асосий йўналиш ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи муҳим омил - корхоналарни хусусийлаштириш ва акционерлик жамиятларига айлантиришдир. Иккала ҳолатда ҳам меҳнат жамоаси асосий фондларнинг эгасига айланади, ишлаб чиқариш воситаларини бошқариш, асосий фондларнинг ишлаб чиқариш тузилишини мустақил шакллантириш, шунингдек корхона фойдасини бошқариш имконини беради. Бу мақсадли инвестициялашни оширишга ёрдам беради.

Таянч иборалар: мулк, узоқ муддатли активлар, асосий фонд, асосий восита, асосий ишлаб чиқариш фондлари, ноишлаб чиқариш асосий фондлари, асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши, амортизация, ишлаб чиқариш қуввати, асосий фондлар модернизацияси.

Такрорлар учун саволлар

1. Корхоналар мулкининг асосий фондга мансуб эканлиги қанақанги мезонларга кўра аниқланади?
2. Асосий ишлаб чиқариш фондига тушунча беринг.
3. Асосий ишлаб чиқариш фондлари қанақанги кўринишларда баҳоланади?
4. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг жисмоний ва маънавий эскириши мазмунини ва уларга таъсир этувчи омилларни ёритинг.
5. Асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш манбаларини айтинг.
6. Амортизациянинг моҳиятини ва кейинги йилларда амортизация сиёсатида қанақанги ўзгаришлар рўй берганини ёритинг.
7. Корхона ишлаб чиқариш қувватига тушунча беринг.

8. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарали ишлатилиши қайси кўрсаткичлар билан ифодаланади?

9. Корхоналар асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишини яхшилашнинг муҳим ва реал йўллари айтинг.

6 Мавзу: Корхона айланма фондлари ва айланма маблағлар

6.1 Айланма фондлар ва айланма маблағлар тўғрисида тушунча.

6.2 Айланма фондларнинг таркиби. Шаклланиш манбалари ва фойдаланиш кўрсаткичлари.

6.3 Корхона айланма фондлар элементларини тежаш.

6.4 Айланма маблағлар ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари.

6.1 Айланма фондлар ва айланма маблағлар тўғрисида тушунча

Айланма активлар ҳам корхона мулки ҳисобланиб, улар айланма фондлар ва муомала фондларининг пул шаклидаги йиғиндисини ифодалайди.

Узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун асосий ишлаб чиқариш фондлари билан бир қаторда меҳнат предметлари (моддий ресурслар) зарур бўлади. Меҳнат предметлари меҳнат воситалари билан биргаликда меҳнат маҳсулотини, унинг истеъмол қийматини яратишда ва қийматнинг шаклланишида қатнашади.

Меҳнат предметлари ишлаб чиқаришнинг бир циклидагина қатнашади ва ўзининг натурал шаклини ўзгартиради, қийматини тўлиқ янгидан яратилган маҳсулотга ўтказди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилганидан кейин уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағлар корхонага қайтади ва доимо оборотда қатнашади. Корхонанинг маблағлари доиравий айланишнинг турли босқичларида: пул, ишлаб чиқариш воситаси ва тайёр маҳсулот (товар) шаклида бўлади.

Ишлаб чиқариш воситалари (яъни меҳнат предметлари ва меҳнат воситалари) такрор ишлаб чиқариш жараёнида тутган ўрнига ва айрим хусусиятларига қараб асосий ва айланма фондларга ажратилади.

Меҳнат предметлари тўлиқ, меҳнат воситаларининг айримлари (хизмат муддати ва қийматига кўра) айланма фонд таркибига киради.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг айланма фондлари ишлаб чиқариш ва муомала доирасига ажратилган бўлиб, шунга мувофиқ улар муомала ва айланма ишлаб чиқариш фондларини ҳосил қилади. Биринчисига сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, корхона кассасидаги ва унинг тижорат банкидаги счётида сақланаётган пул маблағи ҳамда ҳисоб-китоблардаги маблағлар киради. Иккинчисига эса ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган

ишлаб чиқариш ва корхона ўзи тайёрлаган ярим тайёр маҳсулотлар, келгуси давр харажатлари ва бошқалар киради.

Айланма ишлаб чиқариш ва муомала фондлари такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз бўлишлигини таъминлайди. Уларнинг миқдори ва таркиби нафақат ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжи, шу билан биргаликда муомала эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ишлаб чиқариш ва муомала фондлари заҳираларини шакллантириш учун мўлжалланган пул маблағлари корхонанинг айланма маблағи дейилади.

6.2 Айланма фондларнинг таркиби, шаклланиш манбалари ва иқтисодий табиати

Қайд этилганидек, корхонанинг айланма ишлаб чиқариш фондлари уч қисмдан иборат:

- ишлаб чиқариш заҳиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ўзи тайёрлаган ярим тайёр маҳсулотлар;
- келгуси давр харажатлари.

Ишлаб чиқариш заҳиралари - бу ишлаб чиқариш жараёнига киритиш учун тайёрланган меҳнат предметларидир. Улар хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар, идиш ва идиш материаллари, асосий фондларни жорий таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлардан иборат. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ўзи тайёрлаган ярим тайёр маҳсулотлар - бу ишлаб чиқариш жараёнига кирган меҳнат предметлари: материаллар, деталлар, ишлов ёки йиғиш жараёнидаги буюмлар, шунингдек корхонанинг бир цехида охиргача ишлаб чиқарилмаган ва кейинчалик шу корхонанинг бошқа цехларида ишланиши лозим бўлган ярим тайёр маҳсулотлар.

Келгуси давр харажатлари - бу айланма фондларнинг номоддий элементлари бўлиб, улар жорий даврда амалга оширилган, лекин келгуси давр маҳсулотига тааллуқли бўлган янги маҳсулотни тайёрлаш ва ўрганиш харажатларини ўз ичига олади (масалан, янги турдаги маҳсулотларнинг технологиясини яратиш ва ишлаб чиқиш харажатлари ва бошқалар).

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий вазифалардан бири - ресурсларни тежаш тамойилига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдир.

Тежамкорлик режимини таъминлаш буйича чора тадбирлар тизимида асосий ўринни меҳнат предметларини тежаш эгаллайди. Бу маҳсулот сифати, ишончлилиги ва узоқ муддат хизмат қилишига зарар етказмаган ҳолда унга

сарфланадиган хом ашё, материаллар, ёнилғи харажатларини камайтиришни билдиради.

Ҳозирги шароитда айланма фондларни тежашнинг иқтисодий аҳамияти қуйидагича ифодаланади:

- хом ашё, материал, ёқилғи харажатларининг камайиши ишлаб чиқариш учун катта иқтисодий фойдани таъминлайди. Бу, аввалом бор, мавжуд моддий ресурслар миқдоридан кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради;

- моддий ресурсларни тежаш, ишлаб чиқаришга янги, тежамлироқ материалларни киритиш такрор ишлаб чиқариш жараёнида алоҳида тармоқлар ўртасида тараққий этган нисбатларни белгилашга, саноат ишлаб чиқаришнинг мукаммал тармоқ структурасига эришишга имкон беради;

- моддий ресурсларни тежашга интилиш янги техникани жорий этиш ва технологик жараёнларни мукаммаллаштиришга тurtки беради;

- моддий ресурслар истеъмолидаги тежамкорлик ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга ва жонли меҳнат харажатларининг тежалишига ҳам олиб келади (материалларни ташиш; сақлашга сарфланадиган иш кучи камаяди);

- моддий ресурслар тежалиши саноат маҳсулоти тан-нархининг камайишига ёрдам беради. Ҳозирги вақтда моддий харажатлар ҳисобига барча ишлаб чиқариш харажатларининг 3/4 қисми тўғри келади. Кейинчалик, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ўсиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича умумий харажатларда буюмлашган меҳнат улуши ошиб боради ва демак, меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларидан фойдаланишни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқариш харажатларини тежашнинг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади;

- маҳсулот таннархининг камайишига таъсир қиладиган моддий ресурслар тежамкорлиги корхонанинг молиявий ҳолатига ҳам ижобий таъсир қилади.

Шундай қилиб, айланма фондлардан фойдаланишни яхшилаш ва тежамкорлигининг иқтисодий самарадорлиги корхонанинг барча ишлаб чиқариш ва хужалик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришда айланма фондлардан фойдаланишни баҳолаш.

Айланма фондлардан фойдаланишни ҳар томонлама яхшилаш - саноат корхоналарининг муҳим вазифаларидан биридир. Хом ашё, ёнилғи, ёрдамчи материаллардан қанчалик яхши фойдаланилса, маҳсулотнинг маълум миқдорини ишлаб чиқариш учун улар шунчалик кам сарфланади. Бу орқали саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти вужудга келади.

Моддий ресурслар сарфи кўрсаткичлари ва моддий ресурслардан фойдаланиш даражаси кўрсаткичлари фарқланади.

Моддий ресурслар сарфи уларнинг ишлаб чиқариш истеъмолини ифодалайди. Ишлаб чиқариш харажатлари корхона томонидан бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дастурни бажаришга сарфланган барча моддий ресурслар миқдорини қамраб олади. Моддий ресурслар таъмирлаш эҳтиёжларига, ёрдамчи хўжаликни таъминлашга, корхона ичида транспорт хизматига, маданий-маиший эҳтиёжларга ҳам сарфланади. Моддий ресурслар истеъмоли уларнинг умумий ва салмоқли улуши билан тавсифланади.

Моддий ресурслар умумий сарфи - бу ҳисобот даврида бутун ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун жами моддий ресурслар ёки унинг алоҳида турлари истеъмолидир. Моддий ресурслар умумий сарфи - натурал шаклда; турли хил моддий ресурсларнинг жами сарфи қиймат шаклида ҳисобга олинади.

Муайян “m” турдаги ресурсларнинг салмоқли улуши деганда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот бирлиги сарфланган моддий ресурслар миқдори тушунилади. У ҳисобот даврида мазкур маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган барча моддий ресурслари миқдорини (MP_m) ушбу маҳсулотнинг яроқли birlikлари миқдorigа (N) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$m = MP_m : N$$

Қуйидаги формула бўйича бир турдаги “ m_1 ” маҳсулот истеъмол хусусиятининг бир birlikгига моддий ресурслар салмоқли сарфини ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$m_1 = \frac{\sum MP_c Mб_m}{M_{хд}}$$

Бу ерда: MP_n - маҳсулотнинг бир жисмоний birlikгига моддий ресурсларнинг салмоқли сарфи;

$Mб_m$ - ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот birlikлари миқдори;

$M_{хд}$ - ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмол хусусиятининг умумий ҳажми.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга моддий ресурслар сарфининг умумий тавсифи бўлиб материал сиғими кўрсаткичи (M) хизмат қилади. У маҳсулот birlikгига (ёки истеъмол хусусияти birlikгига) натурал ёки қиймат шаклида моддий ресурслар ҳақиқий сарфини баҳолайди. Бу кўрсаткич алоҳида турдаги

моддий ресурслар (металл сиғими, энергия сиғими, ёнилғи сиғими) сарфини тавсифлайдиган кўрсаткичлар билан бевосита боғлиқ. Бу кўрсаткичлар натурал, натурал-қиймат ва қиймат шаклларида ўлчанади. Маҳсулотнинг материал сиғими турли кўрсаткичлар билан ўлчаниши мумкин:

1) ишлаб чиқарилган маҳсулот бир бирлигига моддий ресурсларнинг салмоқли сарфи (салмоқли материал сиғими):

$$M = m = MP_m : N$$

2) ишлаб чиқарилган маҳсулот бир бирлигига бир неча турдаги моддий ресурсларнинг қиймат шаклдаги сарфи миқдори (1т, 1м³, 1м² ҳисобига сўм).

$$M = \frac{\sum I D_m \cdot P}{N}$$

бу ерда; P - моддий ресурсларга улгуржи нарх.

Бу формулалардан оддий турдаги маҳсулотларнинг материал сиғимини ҳисоблаш учун фойдаланилади (электр энергияси, чуян, пўлат ва ҳоказо). Мураккаб турдаги маҳсулотлар учун материал сиғимининг асосий истеъмол хусусияти бирлигига муайян моддий ресурслар сарфи каби кўрсаткичидан фойдаланилади. Масалан, электромоторнинг материал сиғими 1 квт қувватга нисбатан материал сарфи билан ҳисобланади. Юк ташувчи автомобиль учун материал сиғимининг тавсифи 1т-км/с юклар ташиш ҳисобига материал харажати баҳолаш ҳисобланади ва ҳоказо.

Маҳсулотнинг физик ҳажми, истеъмол хусусияти ҳажми ҳисобга олинмайдиган машинасозлик (кимё, тўқимачилик машинасозлиги ва ҳоказо) маҳсулотлари учун материал сиғими даражаси таққослама нархларда соф ёки ялпи маҳсулот бир сўмига муайян турдаги моддий ресурсларнинг физик бирлигидаги сарфи билан тавсифланиши мумкин:

$$M = \frac{\sum N}{\sum M_{a,i} P}$$

Бу ерда: $\sum I_{ai}P$ - таққослама нархларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш ва саноат корхоналари ишини таҳлил қилиш учун ҳар бир саноат тармоғида моддий ресурслардан самарали фойдаланиш даражасининг турли хил кўрсаткичлари ишлатилади. Улар ишлаб

чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланиш шарт-шароитларини тўлиқ акс эттиради ва ишлаб чиқариш истеъмолининг барча босқичларини қамраб олади. Хом ашёга бирламчи ишлов берадиган тармоқларда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

- бошланғич хом ашёда фойдали модда миқдори (рудада темир, лавлагида шакар миқдори ва ҳоказо);

- бошланғич хом ашёдаги фойдали моддадан фойдаланиш даражаси ва хом ашёга ишлов бериш жараёнида вужудга келадиган йўқотишлар фоизи;

- яроқли маҳсулотни якуний ишлаб чиқариш. У яроқли маҳсулот ҳажмини бошланғич хом ашё ҳажмига бўлиш билан, шунингдек фоизларда (натижани 100 га қўпайтириш керак) ҳисобланади.

Яроқли маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи унинг якуний миқдорини баҳолашда хизмат қилади. Масалан, рудадан 20% мис олинди, лекин бу режадаги ишлаб чиқариш 100% эканлигини билдирмайди. Мисни режадаги ишлаб чиқариш 23% бўлиши мумкин, бу рудада миснинг ҳақиқий миқдорини ифодалайди.

Қора металлургияда пўлат эритишда темирдан фойдаланиш баланс усули билан ҳисобланади. Темир баланснинг кирим қисмида хом ашё харажатининг элементлари ва миқдорлари кўрсатилади (турли хил руда, лам, стружка). Харажат қисмида олинган маҳсулот, йўқотишлар ва чиқиндиларнинг турлари ва миқдорлари аниқланади (турли хил чуян, шлак, угар ва ҳоказо). Пўлат эритиш бўйича темир баланслари ва прокат ишлаб чиқариш бўйича металл баланслари ҳам шундай ҳисобланади. Бу баланслар сарф-харажат коэффициентларини аниқлаш имконини беради. Бу коэффициентлар сарфланган материаллар оғирлигининг яроқли маҳсулот тоннасига нисбатини ифодалайди.

Машинасозлик тармоқларида айланма фондларнинг асосий элементи - металлдан фойдаланиш даражасини аниқлашда тегишли кўрсаткичлари қўлланилади.

Машина ва механизмларни яшаш босқичида машинанинг нисбий металл сиғими кўрсаткичи (машинанинг нисбий оғирлиги) O_n ҳисобланади.

$$O_n = \frac{R_{c.o}}{M_{кув..}}$$

Бу ерда: $R_{c.o}$ - соф оғирлик, у металл деталлар ва машина қисмлари оғирлигининг йиғиндисига тенг, т, кг;

$M_{кув.}$ - машина асосий эксплуатацион характеристика бирлигининг миқдори (трактор қуввати - от кучи; автомобилнинг юк кутарувчанлиги - т).

Машинасозликда металлдан фойдаланиш коэффиценти ($K_{и.м.}$) кенг қўлланилади:

$$K_{м.ф} = \frac{\sum R_{с.о} \cdot MX_i}{X_{мет}}$$

Бу ерда: $R_{с.о}$ - маҳсулот бирлигида гавдаланган металлнинг соф оғирлиги, т, кг;

MX_i - ҳар бир номенклатура қисми бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

$X_{мет}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган мазкур турдаги металлнинг ялпи харажати;

i - ишлаб чиқариш номенклатурасини ташкил қиладиган турли хил маҳсулотларнинг 1,2,3,..., n та миқдори.

Металлдан самарали фойдаланишнинг бошқа кўрсаткичи чиқиндилар даражаси ҳисобланади. У самарали фойдаланиш коэффиценти билан бевосита боғлиқ: чиқиндилар даражаси қанчалик кам бўлса, металлдан самарали фойдаланиш коэффиценти шунчалик юқори бўлади. Шу сабабли металл чиқиндиларини қискартириш ва ундан самарали фойдаланиш омиллари бир хил бўлади.

Металлга ишлов беришда чиқиндилар даражаси металлга совуқ ишлов бериш жараёнида вужудга келган чиқиндилар миқдорининг истеъмол қилинадиган металл миқдorigа нисбати сифатида аниқланади. Натижа барча истеъмол қилинадиган металлнинг қанча улуши чиқиндига кетганлигини кўрсатади (%):

$$D_{\div} = \frac{Ч_i}{M_{им}} \cdot 100$$

Бу ерда: $D_{\div}$ - чиқиндилар даражаси, %;

$M_{им}$ - истеъмол қилинган металл миқдори, кг;

$Ч_i$ - чиқиндилар миқдори.

Кимё саноатида айланма фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаганда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Кимё саноати тармоқларида, (шунингдек моддаларга кимёвий йўл билан ишлов берадиган ишлаб чиқаришларда) кўп ҳолларда “маҳсулот соф оғирлиги” тушунчаси йўқ. Бу тармоқларда кимёвий технология хусусиятлари сабабли кўпинча бошланғич

хом ашёлардан ҳеч бири тайёр маҳсулот таркибига ўзининг асл кўринишида қирмайди. Шу сабабли кимёвий жараёнга ёки ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига материаллар харажати тасдиқланган технологияга (рецептурага) мувофиқ белгиланади ва назарий деб аталади. Материалларнинг назарий харажатиغا чиқиндилар ва қайтарилмайдиган йўқотишлар қирмайди.

Кимё саноатида материаллардан фойдаланиш кўрсаткичи бўлиб муайян кимё маҳсулоти бирлигини ишлаб чиқаришга ёки кимёвий жараёнга материаллар назарий харажатининг истеъмол қилинадиган материалларнинг ҳақиқий сарфига нисбати ҳисобланади. Ҳақиқий харажат назарий харажатдан кимёвий жараёнларда вужудга келадиган йўқотишлар катталигига кўпдир. Ҳақиқий ва назарий харажатлар ўртасидаги фарқ қанчалик кам бўлса, у шунчалик тараққий бўлади.

6.3. Корхонада айланма фондлар элементларини тежаш

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида ҳар бир корхоналарнинг муҳим вазифаларидан бири моддий ресурсларни тежаш ҳисобланади, чунки моддий харажатлар фойдага бевосита боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг катта қисмини ташкил этади. Фойда эса бозор иқтисодиёти шароитида корхона ҳаёт таъминотининг асосий манбаларидан биридир. Моддий ресурсларини тежаш манбалари ва йўллари фарқланади. Тежаш манбалари нима ҳисобидан тежамга эришиш мумкинлигини кўрсатади. Тежаш йўллари (ёки йўналишлари) қандай қилиб, ёки қайси чора-тадбирлар ёрдамида тежашга эришиш мумкинлигини кўрсатади. Ҳар бир корхонада моддий ресурсларни тежаш заҳиралари мавжуд. Заҳиралар дейилганда моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш бўйича вужудга келадиган ёки вужудга келган, лекин жами ишлатилмаган имкониятлар тушунилади.

Моддий ресурсларни тежаш заҳираларининг вужудга келиши ва ишлатилиши соҳаси нуқтаи назаридан улар уч гуруҳга бўлиниши мумкин:

- халқ хўжалиги заҳиралари;
- умумсаноат - тармоқлараро;
- ички ишлаб чиқариш заҳиралари (цеҳ, завод, тармоқ заҳиралари).

Халқ хўжалиги заҳираларига халқ хўжалиги ва унинг барча тармоқлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган заҳиралар қиради. Чунки улар саноат, қазиб олиш ва тежамкор, сунъий ва синтетик хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришда тараққий этган халқ хўжалиги нисбатларини белгилаш, ёнилғи-энергетика мажмуаси структурасини мустаҳкамлаш; бозор муносабатлари шароитида бутун хўжалик механизмининг мукамаллаштирилиши таъминлайди.

Умумсаноат - тармоқлараро заҳиралар бу шундай заҳираларки, уларнинг тўпланиши етакчи саноат тармоқлари ўртасида рационал ишлаб чиқариш - иқтисодий алоқаларни ўрнатишга боғлиқ (қора металлургия, машинасозлик,

кимё саноати). Бу заҳиралар алоҳида саноат тармоқлари ва иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятлари билан асосланади. Улардан энг муҳимлари халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Бу билан биргаликда уларни амалий тўплаш миқёслари чекланган ва асосан ўзаро боғлиқ саноат тармоқларига ёки йирик саноат ёки ишлаб чиқариш - ҳудудий мажмуаларига тарқалади.

Умумсаноат - тармоқлараро заҳираларига қуйидагилар киради: фойдали қазилмалар конлари, уларни қазиб чиқариш, бойитиш ва қайта ишлаш янги самарали усуллари ва ишлаб чиқиш тизимларини жорий этиш; саноатда ихтисослашувни ривожлантириш; турли мулк шаклидаги корхоналарни тузиш ва ривожлантириш; халқ хўжалигида ва истеъмолни тармоқларда моддий ресурсларни тежаш бўйича вазифаларни бажариш мақсадида бошланғич маҳсулот ва қурилиш материаллар сифатини ошириш; энг самарали хом ашё ва материаллар турларининг ишлаб чиқарилишини тезкор ривожлантириш.

Ички ишлаб чиқариш заҳираларига бевосита техника, технологияни ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишни мукаммаллаштириш, мукамалроқ маҳсулот турларини ўрганиш, муайян саноат тармоқларида маҳсулот сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари киради.

Фан-техник тараққиёт халқ хўжалигининг барча тармоқларида жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантирувчи асосий куч ҳисобланади.

Чора-тадбирлар характериға боғлиқ ҳолда саноатда ва ишлаб чиқаришда ресурсларни тежаш заҳираларини амалга ошириш асосий йўналишлари ишлаб чиқариш-техник ва ташкилий-иқтисодийға бўлинади.

Ишлаб чиқариш-техник йўналишларға хом-ашёни ишлаб чиқариш истеъмолиға сифатли тайёрлаш, машиналар тузилишини, ускуналар ва буюмларни мукаммаллаштириш, тежамкор хом ашё, ёнилғини қўллаш, янги техника ва технологияни жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар киради. Улар ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурсларнинг технологик чиқиндилари ва йўқотишларини камайтириш ва иккиламчи моддий ресурслардан максимал фойдаланиш имконини беради.

Хом ашёға бирламчи ишлов берадиган тармоқларда хом ашёни тежаш учун ишлов беришға у сифатли тайёрланади. Хом ашёни тайёрлаш усуллари - кокс саноати учун кўмирларни бойитиш; тўқимачилик саноатида жун ва пахтани тозлаш ва стандартлаштириш, ёғочсозлик саноатида ёғочларни қуриштириш. Кўмир ва рудалар бойитилганда юқори иқтисодий самара олинади. Масалан, шихтада темир микдорининг 1%ға ошиши печь унумдорлигини 2%ға оширади ва 20% коксни тежаш имконини беради.

Халқ хўжалигининг асосий тармоғи - машинасозликда материал сифимини камайтиришда қора металлургия катта роль ўйнайди. Шу сабабли

қора металлургияни ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатли ва самарали металл маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўлиши лозим.

Машинасозлик тармоғида моддий ресурсларни тежашнинг барча ишлаб чиқариш - техник йўналишларини қуйидагиларга бўлиш лозим:

1. Илмий-техник тараққиётни тезлаштириш бўйича чора-тадбирлар. Бу машина, механизмлар ва агрегатлар нисбий металл сиғимининг камайиши билан биргаликда руй беради. Маълумки, замонавий машинасозликда илмий-техник тараққиётининг асосий йўналиши - машина ва ускуналар қуввати ва унумдорлигини ошириш бўлиб, унинг натижасида уларнинг соф ва нисбий оғирлиги камаяди, ташқи кўриниши яхшиланади, сифати ошади, эксплуатация харажатлари камаяди, асосийси - меҳнат унумдорлиги ошади.

2. Прокатларнинг тежамли тур ва шакллари жорий этишга йўналтирилган чора-тадбирлар. Уларнинг ишлатилиши натижасида металл 10-20% тежалиши мумкин. Эгилган прокатлар кўпгина машинасозлик тармоқларида самарали қўлланилмоқда.

3. Анъанавий қурулиш материаллари ўрнини босадиган (ўринбосар) материаллар билан алмаштириш чора-тадбирлари. Машинасозликда қора металллар синтетик материаллар - пластик массалар, синтетик толалар, рангли, енгил металллар билан алмаштирилмоқда. Бунинг асосий мақсади маҳсулот металл сиғими ва меҳнат сиғимини камайитириш, пировард маҳсулот сифатини ошириш ҳисобланади.

Пластик массалар автомобилсозлик, авиация саноатида, электр ва радио-саноатида, ускуналар ясашда ва бошқаларда самарали қўлланилмоқда. Қора ва рангли металлларга нисбатан енгил бўлган пластмасса машина ва ускуналарнинг нисбий оғирлигини камайтиради, демак металл тежалишини таъминлайди. Пластмассалардан буюмлар ясалганда технологик жараёнлар миқдори 3 - 8 марта камаяди.

4. Машинасозликнинг тайёрлов базасида ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш, автоматлаштирилган ускуналарни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар.

Саноатнинг ишлов берадиган тармоқларида ва материал лист шаклига эга бўлган ишлаб чиқаришларда (тўқимачилик, оёқ кийимини тикиш, лист прокати ишлатиладиган машинасозлик) бичишнинг рационал йўллари қўллаш орқали материаллар тежалади. Бу вазифани ечишда иқтисодий-математик усуллар ва электрон-ҳисоблаш машиналари муваффақиятли қўлланилиб, улар ёрдамида бичишнинг оптимал йўллари аниқланади.

Маҳаллий хом ашё ва ёнилғи иккиламчи хом ашё, моддий ва ёнилғи ресурслардан фойдаланиш, илгари фойдаланилган хом ашёлар, асосий ва ёрдамчи материалларни тиклаш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий техник тараққиёт шароитида барча тармоқларда маҳаллий ва иккиламчи хом ашё ёнилғи энергетика ресурсларининг ишлатилиши юқори иқтисодий самара беради. Бу муаммо ҳозирги шароитларда янада долзарблашади. Шу сабабли кичик металлургия заводларини қуриш халқ хўжалиги аҳамиятига эга.

Моддий ресурсларни тежашнинг ташкилий-иқтисодий йўналишларга қуйидагилар киради: саноат маҳсулоти материал сиғимини нормаллаштириш ва режалаштиришнинг илмий даражасини ошириш ва моддий ресурслар сарфлашнинг техник асосланган норма ва нормативларини жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар; янги, самарали хом-ашё ва материаллар ёнилғи-энергетик ресурслар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакат ёнилғи балансини мукамаллаштиришдан иборат бўлган тараққий этган пропорцияларни белгилаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар мажмуаси.

Ҳар бир корхонада моддий ресурсларни тежашнинг асосий йўналиши - иш жойларда бир миқдордаги хом ашё ва материаллардан якуний маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш. У ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланишига, ходимлар малакасига, моддий-техник таъминотни тўғри ташкил этишга ва ҳоказоларга боғлиқ.

Ишлаб чиқриш жараёнида йўқотишларни қисқартириш муҳим аҳамиятга эга. Унинг ҳисобига моддий ресурсларни тежаш мумкин. Бунинг учун маҳсулотни сақлаш ва ташиш қоидаларига қатъий риоя қилиш, ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишлаш учун ёнилғи, хом ашё, материалларни мақсадга мувофиқ тайёрлаш, меҳнат жамоасининг иш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифати масалаларига эътиборини кучайтириш лозим. Бу вазифанинг ечилишига акционерлик хўжалик юритиш шакллари ва корхоналарни хусусийлаштириш ёрдам беради.

6.4 Айланма маблағлар ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари

Айланма маблағларга ишлаб чиқаришда ва омборларда ишлаб чиқариш заҳираларини шакллантириш, таъминотчилар, бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш ҳамда, иш ҳақини тўлаш учун корхонага зарур бўлган пул маблағлари киради.

Айланма маблағлар таркиби ва структурасини бир-биридан фарқламоқ керак.

Айланма маблағлар таркиби дейилганда айланма маблағларни ташкил этадиган элементлар йиғиндиси тушунилади. Айланма маблағларнинг айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларига бўлиниши маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаларида улардан фойдаланиш ва тақсимлаш

хусусиятлари билан белгиланади. Ишлаб чиқаришда банд бўлган айланма маблағлар миқдори асосан маҳсулот ишлаб чиқариш шакллариининг давомийлиги, техника ривожланиш даражаси, технология мукамаллиги ва меҳнатнинг ташкил этилганлиги билан аниқланади. Муомала маблағлари суммаси асосан маҳсулотни сотиш шарт-шароитлари ва маҳсулотнинг таъминот ва сотиш тизимини ташкил этиш даражасига боғлиқ.

Маҳсулот муомаласи жараёнига хизмат кўрсатадиган айланма маблағлар муомала фондларини ифодалайди. Уларга корхона омборларидаги сотишга тайёр маҳсулот, жўнатилган, лекин истеъмолчилар томонидан тўланмаган маҳсулот, корхона пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағлар киради.


Айланма маблағларнинг алоҳида элементлари ўртасидаги нисбат айланма маблағлар структураси дейилади. Саноат тармоқлари айланма маблағлари структурасидаги фарқ кўпгина омиллар билан асосланади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш хусусиятлари, таъминот ва сотиш шароитлари, таъминотчи ва истеъмолчилар жойлашиши, ишлаб чиқариш харажатлари структураси.

Саноат корхоналари айланма маблағлари кўп қисмини товар-моддий бойликлар ташкил этади. Уларнинг улуши - 75-87%. Турли тармоқлар бўйича товар-моддий бойликлар кўринишидаги айланма маблағлар структураси ҳам турличадир. Ишлаб чиқариш заҳираларининг энг катта салмоқли улуши енгил саноат корхоналарида (хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар устунлик қилади - 70%). Кимё саноатида келгуси давр харажатлари улуши юқори - 9%. Машинасозлик саноатига нисбатан ишлаб чиқариш заҳиралари улуши кам, ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш улуши эса - юқори. Бунга сабаб машинасозликда саноатга нисбатан ишлаб чиқариш цикли узунроқдир. Шу сабабли оғир, энергетика ва транспорт машинасозлигида автомобиль ва трактор саноатдагига нисбатан тугалланган ишлаб чиқариш улуши юқори.

Турли тармоқларда хом ашё ва материал ишлаб чиқариш заҳираларидаги айланма маблағлар суммаси ҳам фарқланади. Бунга ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг техник-иқтисодий хусусиятлари сабаб бўлади.

Турли саноат тармоқлари айланма маблағлари структурасида ишлаб чиқариш соҳасига жойлаштирилган маблағлар умумий устунлик қилади. Улар ҳисобига барча айланма маблағларнинг 70%и тўғри келади (6.4.1 чизма).

Айланма маблағлар таркиби ва структураси



Шаклланиш манбалари бўйича айланма маблағлар корхона ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағларига бўлинади.

Қарзга олинган маблағлари - бу банк кредитлари, кредиторлик қарз (тижорат кредити) ва бошқа пасивлар.

Корхонанинг самарали иши - бу минимал харажатлар қилиб максимал натижаларга эришишдир. Харажатларни камайтириш - бу аввалом бор, корхона айланма маблағларини шакллантириш манбалари структурасини оптималлаштириш, яъни ўз кредит ресурсларини оқилона уйғунлаштириш.

Корхона айланма маблағлари доимо ҳаракатда бўлади. Муомала соҳасидан улар ишлаб чиқариш соҳасига ўтади ва ҳоказо. Айланма маблағлар айланиши корхона томонидан моддий ресурслар ва ишлаб чиқариш учун зарур бошқа элементлар тўланган вақтдан бошланади ва бу маҳсулотни сотишдан олинган тушум кўринишида харажатлар қопланиши билан тугайди. Кейинчалик пул маблағлари яна корхона томонидан моддий ресурслар олиш ва уларни ишлаб чиқаришга киритиш учун ишлатилади.

Айланма маблағлар тўлиқ айланадиган, яъни ишлаб чиқариш ва муомала даврини ўтадиган вақт айланма маблағларнинг айланиш даври дейилади. Бу кўрсаткич корхонада (ёки тармоқда) маблағлар харакатининг ўртача тезлигини тавсифлайди. У маълум турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш муддатига мос келмайди.

Айланма маблағларни бошқариш энг кам миқдордаги айланма маблағлар билан маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу корхона айланма маблағлари доиравий айланишнинг барча босқичлари бўйича мос шаклда ва минимал, лекин етарли миқдорда тақсимланиши лозимлигини билдиради. Айланма маблағлар ҳар доим бир вақтнинг ўзида доиравий айланишнинг учала босқичида мавжуд бўлади ва пул маблағлари, материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар кўринишида намоён бўлади.

Корхоналар ўз-ўзини молиялаштирадиган ҳозирги шароитда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Корхонанинг нормал фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган айланма маблағларнинг иқтисодий асосланган миқдорларини ишлаб чиқиш жараёни айланма маблағларни нормалаштириш дейилади. Шундай қилиб, айланма маблағларни нормалаштириш доимий минимал ва шу билан биргаликда етарли бўлган моддий бойликлар захираларини, камаймайдиган тугалланмаган ишлаб чиқариш захираларини ва бошқа айланма маблағларни шакллантириш учун зарур бўлган айланма маблағлар суммасини аниқлашдан иборат. Айланма маблағларни нормалаштириш ички захираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш давомилигини қисқартириш, тайёр маҳсулотнинг тезроқ сотилиши имконини беради.

Ишлаб чиқариш захираларидаги, тугаланмаган ишлаб чиқаришдаги, корхона омборларидаги тайёр маҳсулот қолдиқларидаги айланма маблағларни нормалаштирилади. Булар нормалаштириладиган айланма маблағлардир. Айланма маблағларнинг қолган элементлари нормалаштирилмайдиган деб аталади. Айланма маблағларни нормалаш жараёнида айланма маблағлар нормаси ва нормативи аниқланади.

Айланма маблағлар нормаси корхонада товар-моддий бойликларнинг минимал захираларини тавсифлайди ва деталлар захира кунларда, захира нормаларида, ҳисоб бирлиги суммаларида ва ҳоказоларда ҳисобланади.

Айланма маблағлар нормативи-айланма маблағлар нормасининг нормаси аниқланган кўрсаткичга купайтмаси сўмларда ҳисобланади.

Айланма маблағларни нормалаш $H_{ам}$ куйидагича ифодаланади:

$$H_{а.м.} = H_{и.ч.з.} + H_{т.и.ч.} + H_{т.м.}$$

Бу ерда; $N_{ичз}$ - ишлаб чиқариш заҳираларини нормалаш;
 $N_{т.и.ч}$ - тугалланмаган ишлаб чиқаришни нормалаш;
 $N_{т.м.}$ - тайёр маҳсулот заҳираларини нормалаш.

Саноат корхоналарида айланма маблағлардан самарали фойдаланишни учта асосий кўрсаткич тавсифлайди.

Айланувчанлик коэффиценти улгуржи нархларда маҳсулот сотилиши ҳажмини корхонада айланма маблағларнинг ўртача қолдиғига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$K_{ам} = P_c : K_{ам}$$

Бу ерда; $K_{ам}$ - айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти, айланмалар;
 P_c - сотилган маҳсулот ҳажми, сўм;
 $K_{ам}$ - айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи, сўм.

Айланувчанлик коэффиценти маълум давр (йил, чорак) мобайнида корхона айланма маблағларининг доиравий айланишлари сонини ифодалайди ёки 1 сўм айланма маблағлар ҳисобига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажмини кўрсатади. Формуладан кўриниб турибдики, айланма маблағлар миқдорининг кўпайиши 1 сўм айланма маблағлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади.

Айланма маблағлар бандлиги коэффицентининг катталиги айланувчанлик коэффицентига тескари миқдордир. У 1 сўм сотилган маҳсулотга сарфланган айланма маблағлар миқдорини тавсифлайди.

$$K_б = K_{ам} : P_c$$

Бу ерда: $K_б$ - айланма маблағларнинг бандлиги коэффиценти;

Бир айланиш давомийлиги кун ҳисобида - даврдаги кунлар сонини айланувчанлик коэффицентига бўлиш билан топилади:

$$A_d = D_k : K_{ам}$$

Бу ерда: D_k - даврдаги кунлар сони (360, 90).

Айланма маблағларнинг айланиш муддати қанча км ёки сотилган маҳсулотнинг ўша ҳажмда айланишлар сони қанча кўп бўлса, айланма маблағлар шунча кам талаб қилинади. Ва аксинча айланма маблағлар қанча тез айланса, улар шунча самарали фойдаланилади.

Мисол. Корхонада 2001 йилда сотилган маҳсулот ҳажми 600000 минг сўмни ташкил этди, 2002 йилда эса 612000 минг сўмни ташкил этди, айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғи мос равишда 120000 минг сўм ва 110500 минг сўм; айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти 2001 йилда: $600000:120000=5,0$ ва 2002 йилда - $5,54$ ни ташкил этди. Бир айланиш давомийлиги: $360:5=72$ кун ва $360:5,54=65$ кун. Айланма маблағларнинг юкланиш коэффициенти: $120000:600000=0,2$ сўм ва $110500:612000=0,18$ сўм. Айланма маблағлар айланувчанлигининг тезлашиши самараси улардан фойдаланишнинг яхшилангани туфайли уларга бўлган талабнинг камайишида, уларнинг бўшатилишда намоён бўлади.

Мутлоқ бўшатилиши айланма маблағларга бўлган талабнинг тўғридан-тўғри камайишини акс эттиради.

Масалан, олдинги мисолда корхонада айланма маблағларнинг мутлоқ бўшатилиши 2002 йилда 2001 йилга нисбатан қуйидагини ташкил этади: 120000 минг сўм - 110500 минг сўм = 9500 минг сўм.

Нисбий бўшатилиш айланма маблағлар миқдорининг ўзгаришини, шунингдек сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун шу даврда сотилган маҳсулотга ҳақиқий айланишдан келиб чиққан ҳолда ҳисобот йили учун айланма маблағларга бўлган талабларни ва ўтган йил учун айланувчанликни ҳисоблаб чиқиш керак. Фарқ бўшалган маблағлар суммасини беради.

Масалан, олдинги келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда корхонада бўшатишган маблағлар қийматини ҳисоблаймиз. Айланма маблағларнинг 2001 йилдаги ўртача қолдиғи - 120000 минг сўмни ташкил этди. 2002 йилда эса 110500 минг сўм, тўлиқ айланиш давомийлиги мос равишда 72 кун ва 65 кун. Айланма маблағларга бўлган талаб 2002 йилда 2001 йилги айланувчанликда ва 2001 йилда сотилган маҳсулот ҳажмида: $(612000 \times 72):360=122400$ минг сўмга тенг бўлади. Айланма маблағларнинг нисбий бўшатилиши 11900 минг сўмни ташкил этади ($122400-110500$).

Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш корхона фаолиятини нормал таъминлашда, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишда катта рол ўйнайди. Афсуски, корхоналар ҳозирда эга бўлган ўзининг молиявий ресурслари нафақат кенгайтирилган, ҳатто оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ миқдорда таъминлашга етмайди. Корхонада зарур молиявий

ресурсларнинг йўқлиги, тўловлар интизоми даражасининг пастлиги ўзаро тўламасликларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Корхоналарнинг ўзаро қарздорлиги - ўтиш давридаги иқтисодийнинг ўзига хос хусусияти. Кўпчилик корхоналар шаклланаётган бозор муносабатларига тез мослаша олмади, мавжуд айланма маблағлардан оқилона фойдаланмайдиган, молиявий захираларни тузмайди. Шуниси муҳимки, инфляция, хўжалик қонунчилигининг нобарқарорлиги шароитида тўловларни амалга оширмаслик бир қатор корхоналарнинг тижорат манфаатлари доирасига кирди. Улар атайлаб таъминотчилар билан ҳисоб-китобларни кечиктирадиган ва бу орқали сўм харид қобилиятининг пасайиши ҳисобига ўз тўлов мажбуриятларини камайтирадиган.

Айланма маблағлар айланивчанлигининг тезлашиши ҳозирги шароитда корхоналарнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади ва қуйидаги йўллар билан эришилади:

Ишлаб чиқариш захираларини тузиш босқичида иқтисодий асосланган захира нормаларини жорий этиш; хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар таъминотчиларнинг истеъмолчиларга яқинлашуви; моддий-техник таъминотнинг омбор тизимини, шунингдек материаллар ва ускуналар улгуржи савдосини кенгайтириш; омборлардаги ишларнинг комплекс механизацияси ва автоматизацияси.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш босқичида - илмий-техник тараққиётни тезлаштириш; стандартизация; унификация; типизацияни ривожлантириш; саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари мукаммаллаштириш; хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш тизимини мукаммаллаштириш; юқори талабга эга бўлган маҳсулот улушини кўпайтириш.

Муомала босқичида - маҳсулот истеъмолчиларини уни ишлаб чиқарувчиларга яқинлаштириш; ҳисоб-китоб тизимини мукаммаллаштириш; бевосита алоқалар бўйича буюртмаларини бажариш, тежалган материаллардан маҳсулот тайёрлаш натижасида сотилган маҳсулот ҳажмини ошириш; тузилган битимларга мувофиқ жўнатилган маҳсулотларни партиялар, ассортиментлар, транзит нормаси бўйича танлаш.

Таянч иборалар: айланма фондлар, айланма маблағлар, айланма маблағлар айланиш коэффициенти, айланма маблағларнинг юкланиш коэффициенти, норма, норматив.

Такрорлаш учун саволлар

1. Айланма маблағларнинг айланма фондлардан фарқи нимада?
2. Муомала фондларининг таркибини ёритинг.
3. Айланма фондлар қанақанги элементлардан иборат?
4. Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш даражалари қайси кўрсаткичлар билан ифодаланади?
5. Айланма маблағларни нормалаштиришнинг аҳамиятини ёритинг.
6. Айланма маблағларни шакллантириш манбаларига тушунтириш беринг.
7. Корхоналарда айланма маблағлардан самарали фойдаланиш йўларини ёритинг.

7 Мавзу: Корхонанинг инвестицион фаолияти.

- 7.1 Инвестицияларга оид тушунчалар мазмуни, инвестиция таснифи ва аҳамияти.
- 7.2 Инвестиция манбалари ва уларнинг корхонага қўйиш соҳалари.
- 7.3 Инвестициявий лойиҳалар самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни аниқлаш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш йўллари.

7.1 Инвестицияларга оид тушунчалар мазмуни, инвестиция таснифи ва аҳамияти.

Хўжалик фаолиятининг элементларидан бири инвестиция ҳисобланади.

Инвестиция лотинча “investire” (кийинтириш, ясантириш), немисча “investition” сўзидан келиб чиқиб, узоқ муддатга қандайдир ишга ёки корхонага капитал маблағ қўйишни билдиради. Инвестиция сўзидан инвестор - омонатчи сўзи келиб чиқиб, у момонат берувчи шахс, ташкилот ёки давлатни англатади. Инвесторлар қаторига қимматли қоғозларни сотиб оладиган ва бу билан ўзларининг бўш маблағини жойлаштирадиган юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам киради.

Молиявий ва номолиявий инвестицияларни жорий қилиш бўйича амалий фаолиятлар мажмуаси инвестицион фаолият деб юритилади. Асосий фондларни ишга тушириш, реконструкция ва модернизация қилиш капитал қурулиш деб юритилади.

Инвестиция - бу молиявий (пул) ёки реал капиталга маблағ қўйиш. У пул маблағлари, кредит, қимматбаҳо қоғоз шаклида олиб борилади ва кўчма, кўчма бўлмаган мол-мулкга, интеллектуал мулкга, неъматларга бўлган ҳуқуқга ва бошқа қийматликларга қўйилади, яъни корхонанинг барча активларига ишлатилади.

Номолиявий активларга, яъни реал капиталга қўйилган инвестиция асосий капитални янгилаш ва такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Молиявий (пул) капиталига (молиявий маблағларга кредит сифатида, қимматбаҳо қоғозларга) қўйилган инвестицияни бир қисми тезлик билан реал капиталга айланиши мумкин, иккинчиси - кенгроқ, яъни қандайдир вақт ўтгандан кейин, учунчиси эса - умуман реал капиталга айланмаслиги мумкин (Масалан: чиқарилган ёки сотиб олинган қимматбаҳо қоғоз ўз қийматини йўқотса, оддий сўз билан айтганда синса). Шу сабабли молиявий инвестицияда инвесторга молиявий хатар кўпроқ бўлади.

Инвестиция молия бозорининг элементи ҳисобланади. Молия бозори муайян молия муассасалари орқали ўзаро алоқада бўладиган мулк эгалари билан сармоя, қарз олувчилари ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Акция ва облигациялар инвестиция қимматли қоғозлари деб юритилади. Молия бозорида қимматли қоғозларнинг бошқа турлари - хазина мажбуриятлар; депозит сертификатлари; векселлар; варрантлар ва ҳоказолар муомалада юради.

Инвестиция жамиятни иқтисодий ривожланишига ва ҳар бир жамият аъзосини моддий фаровонлигини оширишга таъсир қилувчи омил ҳисобланади.

Инвестиция корхона активига, янги маҳсулот ишлаб чиқиш, уларни сифатини ошириш, маҳсулотни сотишни ва фойдани кўпайтириш учун қўйиладиган маблағ. Шу сабабли инвестиция ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, капитални оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни, янги иш жойларини ташкил қилишни, иш ҳақини ва аҳолини сотиб олиш қувватини оширишни, давлат ва маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайтиришни таъминлайди.

Иқтисодий нуқтаи назардан инвестиция асосий ва айланма маблағларни жамғаришни англатади. Молиявий нуқтаи назардан молиявий ресурсларни даромад (фойда) олиш учун тўплашни кўрсатади. Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назардан ҳисоботнинг актив ва пассивининг бир неча моддаларига ишлатилган капитал харажатларни бирлашишини ифодалайди.

Инвестицияларнинг амал қилиниши бўйича қуйидаги турларга таснифланади:

1. Мақсади бўйича - фойда олиш учун, ижтимоий ва экологик эҳтиёжлар учун.
2. Объекти бўйича - ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш.
3. Натурал-моддий кўриниши бўйича - моддий, номоддий ва молиявий.
4. Худудий келиб чиқиши бўйича - миллий ва чет эллий.
5. Молиялаштириш манбалари бўйича - хусусий (амортизация, фойда, сотилган нарсалардан тушум) ва омонатга олинган (кредит, лизинг ва бошқалар).

6. Ишлаб чиқариш инвестициясини йўналишлари бўйича - асосий капитални янгилашга, қўзғалмас мулкни, айланма маблағни кўпайтириш учун, янги маҳсулот яратиш учун, маҳсулотни сифатини ошириш учун.

7. Корхонани бошқариш ҳуқуқига эга бўлиш омили бўйича: тўғридан тўғри ёки бевосита; портфел.

Тўғридан тўғри ёки бевосита инвестициялар - чет эл капиталини тўғридан-тўғри киритилишини билдириб, инвесторга ушбу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Инвестицияни ушбу тури трансконтинентал (бошқа қитъа континентга сармоя киритиш), капитал қўйилмалари ҳамда трансмиллий (қўшни давлатларга капитал чиқариш сифатида амалга оширилади) капитал қўйилмалар сифатида намоён бўлади.

Портфел инвестициялар лицензион ва франчайзинг келишувлари, маркетинг хизмати ҳақидаги контрактлар асосида ташкил қилинса корхоналарни бошқариш ҳуқуқини беради.

8. Амал қилиш муддати бўйича - қисқа ва узоқ муддатли инвестициялар мавжуд.

9. Келиб чиқиш ҳудуди бўйича - миллий ва хорижий инвестициялар.

10. Таввакалчилик даражаси бўйича - таввакалчилиги паст, ишончли ва таввакалчилиги юқори, спекулятив инвестициялар.

Инвестицияни бир тури бу - аннуитет. Аннуитет аҳолининг шахсий инвестицияси бўлиб, омонатчига қандайдир бир давр ичида ёки доирасида унга даромад беради. Аннуитет асосан суғурта ва пенсия жамғармаларига маблағ қўйишни англатади.

7.2 Инвестиция манбалари ва уларнинг корхонага қўйиш соҳалари.

Инвестиция ресурслари иқтисодиёт тармоқларини ривожланишини бошқаришнинг иқтисодий омили вазифасини бажаради. Инвестиция маблағлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнларида ҳамда аҳолининг фойдаланилмаётган маблағларини тўпланиш натижасида, уларни бошқа жараёнларда ишлатилишини таъминлайди.

Корхона нуқтаи назаридан инвестиция манбалари улар ўз маблағлари (фойда, амортизация, бошқа пул жамғармалари); қарзга олинган маблағлар (банк кредити ва бошқа ташкилотларни омонатлари); бошқа жалб қилинган маблағлар (акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан келган даромадлар); бюджет ва бюджетдан ташқи маблағлар ташкил қилади.

Инвестиция таркибида унинг манбалари ўз аксини топади.

Инвестиция манбаларини унинг таркибидан келиб чиқиб молиявий ва моддий ресурсларга ажратиш мумкин.

Молиявий манбаларга - нақд пул; чет эл валютаси; халқаро тўлов пуллари; акциялар; заёмлар; корхоналар маблағлари; амортизация фонди киради.

Моддий ресурсларга - хом-ашё ресурслари; кўчмас мулк; жамоа-ширкат-хўжалик мулки; фермерлар мулки; деҳқон хўжалик мулки; тадбиркорлар мулки киради.


Инвестиция манбаларини шакллантиришда молия бозори ва унинг инфратузилмаси муҳим аҳамиятга эгадир. Молия бозорининг асосий мақсади муамоладаги ортиқча бўлган пул ресурсларини актив капитал сифатида ишлаб чиқаришга жалб қилишдан иборатдир.

Молия бозори жуда кенг маъноли тшунча бўлиб, у доимо пайдо бўладиган жамғармалардан самарали фойдаланиш жараёнини ўзида ифодалайди.

Молия бозори ҳаётда вужудга келган жамғармаларни (оилада, корхонада) бир турдан (жамғармаланиши) иккинчи турга (реал капиталга айланиши) ўтишини таъминловчи механизмдир.

Ҳозирги замон молия бозорининг асосини молия муассасалари ва воситачилар ташкил қилади. Улар сотувчилар ва харидорлар, ҳамда сотиладиган ва сотиб олинладиган товар, пул ва бошқа молия активлари мавжуд бўлган бозордир.

Молия бозорининг таснифи қуйидаги 7.2.1.-чизмада тасвирланган.

Молия бозорларини таснифи¹

Инвестицияларни объектларга қўйиш соҳаларига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- кам қўлланиладиган инвестицион маблағлар, яъни, қўриқ (бўш ётган) ерларни ўзлаштириш, меҳнат ресурсларидан вақтинча фойдаланиш (мутахассислар ва раҳбарлардан) ва ҳ.к.;
- маълум ҳажмда талаб қилинадиган инвестиция маблағлари;
- режалаштирилган инвестициядан олинadиган даромадга таъсир этувчи бошқа инвестицион шароитлар, яъни режалаштирилган асосий инвестиция

¹ Чжен В.А ва бошлалар. Пул ва молия бозорлари. Т., “Бизнес каталог”. 1997., 158 б.

маблағларига қўшимча инвестиция маблағларини жалб этиш йўли билан инвестициядан келадиган фойдани ошириш;

- фаолиятга қўйилган шаклига қараб, инвестиция ўз ҳаракатида даромадларни ошириш ёки камайтириш, хавф-хатарни камайтириш, меҳнат жамоасини манфаатдорлигини ошириш, иш шароитини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштиришга йўналтирилишини таъминлаш зарур;

- қўшимча инвестициялар харажатларни камайтириш, самарадорликни ошириш, маҳсулот ишлаб чиқишни ва сотишни ошириш, қўшимча даромад олишни таъминлашга йўналтирилиш керак;

- маълум ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар таркиби ишлаб чиқаришни ихтисослашувига қараб тақсимланиши даркор;

- инвестициялар ресурсларни тежаш, янги маҳсулот ишлаб чиқиш, корхона имджини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳоказоларни таъмилаши ҳам зарур.

7.3. Инвестициявий лойиҳалар самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни аниқлаш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш йўллари

Инвестиция фаолияти алоҳида таркибий қисмлардан иборат бўлиб, инвестиция стратегиясини аниқлаш, стратегик режалаштириш, инвестициявий лойиҳалаштириш, лойиҳаларни таҳлил қилиш ҳамда инвестицияни самарасини аниқлаш кабилардан иборат бўлади.

Корхона мисолида инвестиция стратегиясини аниқлаш - бу келажак даврга корхоналарни асосий фаолиятларини ривожлантириш йўлларини аниқлаш, шу жумладан ўз маблағлари ҳисобидан ва бошқа инвесторлар ҳисобидан харажатларни қопланиш миқдорини аниқлаш. Корхона активларини ҳажмини ва рентабеллигини прогноз қилиш. Стратегик режада активларга бўлган эҳтиёж ва уни таъминлаш ресурслари узоқ муддатга аниқланади.

Инвестицион лойиҳа бу инвестицияни техник-иқтисодий асослаш бўлиб, у инвестицион фаолият иштирокчиларини (мулкдор, тадбиркор, банкир, давлат ва халқаро ташкилотлар кабилар) иқтисодий ахборотномаси, уларни ўзаро алоқаларини боғлайди ҳамда тушинтиради. Қисқа қилиб айтганда инвестиция лойиҳаси инвестициядан фойдаланиш режасини англатади.

Инвестиция лойиҳасини самарадорлигини ҳисоблаш - бу инвестициядан келадиган самара кўрсаткичларини аниқлашни англатади.

Инвестиция лойиҳасини асоси бу капитал қўйилмаларга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан иборат. Шу сабабли Инвестиция лойиҳаси самарадорлиги капитал қўйилмалар самарадорлиги орқали аниқланади.

Жамият миқёсида капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффиценти (K_c) миллий даромаднинг ўсиш миқдорини ($\Delta MД$) капитал қўйилмалар суммасига (K_k) нисбатан аниқланади. Яъни:

$$K_c = \frac{\Delta MД}{K_k}$$

Корхона миқёсида инвестиция самарадорлиги (капитал қўйилма) коэффиценти ($K_{к.с}$) қуйидагича ҳисобланади.

$$K_{к.с} = \frac{M_k - T}{K} \text{ ёки } \frac{\Phi}{K}$$

Бу ерда: M_k - йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати;

T - йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотни таннарни;

Φ - йиллик фойданинг миқдори.

Қўп вариантли капитал қўйилмалар лойиҳаси самарадорлигини аниқлаш учун ҳар бир вариантдаги харажатларни минимумга келтириш йўли билан аниқланади. Яъни:

$$T_i + E_n \cdot K \rightarrow \min$$

Бу ерда: T_i - i вариантдаги харажатлар;

E_n - капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффиценти;

K - капитал қўйилмалар суммаси.

Солиштирилаётган вариантлар ҳар хил даврга мўлжалланган бўлса, бундай шароитда вариантлар (B) келтирилган коэффицентлар бўйича аниқланади. Яъни:

$$B = \frac{1}{(1 + E_{н.в})} \cdot t$$

Бу ерда: $E_{н.в}$ - ҳар хил даврдаги харажатларни келтириш

нормативи;

t - маблағларни ишга туширишдан самара олгунгача бўлган вақт.

Инвестиция самарадорлигини аниқлашда унинг ўзини қоплаш муддати, хавф даражаси, инфляцияни ошиш темпи, келажакда солиқлар миқдорини ўзигариши кабилар ҳисобга олиниши шарт. Чунки инвестицияни қулай ва самарали соҳага қўйиш инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон амалиётидан шу маълумки пулни банкларда сақлаш энг қулай ҳисобланади, чунки омонатчи ундан процент олади.

Пулни инвестиция қилиш (ишлаб чиқаришга қўйиш ёки қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш) инвесторга фақатгина унга банк тамонидан бериладиган процентдан кўпроқ даромад келтирсагина фойдаликроқ бўлади. Бу инвесторлар учун биринчи қоида бўлиб ҳисобланади.

Инвесторларнинг иккинчи қоидаси - инвестиция рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлиши керак.

Шундай қилиб, инвестиция самарадорлигини ҳисоблаганда юқорида келтирилган қоидаларда келтирилган кўрсаткичларни солиштирма таҳлили катта аҳамиятга эга.

Инвестиция лойиҳасини баҳолашда харажатлар ва даромадларини ҳар хил даврга солиштирма таҳлили катта аҳамиятга эга. Чунки харажатлар бирон даврда ишлатилади, даромад эса нафақат бирон даврдан кегин, у асосан харажатлар амалга оширгандан кейин кела бошлайди. Шу сабабли даврий пул қиймати деган тушунча ишлатилади. Ушбу кўрсаткич олдин олинган 1 сўм кейин олинган 1 сўмдан қимматроқ туришини англатади.

Шу сабабли иқтисодий ва молиявий таҳлилда сўмнинг жорий ва келажакдаги қийматини ҳисоблайди, таҳлил қилади. Бундай ҳисоб-китоблар дисконтирования деб юригилади.

Дисконтлаштириш инвестиция ёки пул оқимларини келгусидаги қийматининг жорий баҳода ифодаланиши тушунилади.

Дисконтлаштириш мураккаб фойиз ҳисоблашнинг тескари жараёнидир. Мураккаб фойиз усули орқали инвестициянинг келажак қиймати ($I_{к.к.}$) қуйидагича аниқаланади.

$$I_{к.к.} = I_{ж.к.} (1 + Ч)^П$$

Бу ерда: $I_{ж.к.}$ - инвестицияни жорий қиймати;

Ч - банк фойизи ставкаси;

П - йиллар сони.

Масалан: банк фоизи 10% бўлган ҳолда 5 йилдан кейин 1 сўмнинг қиймати $= 1 \cdot (1+0,1)^5 = 1 \cdot 1,55 = 1,55$ сўмни ташкил қилади.

Ушбу кўрсаткични дисконтлаштириш усули билан инвестициянинг жорий қиймати аниқланади. Бунинг учун инвестицияни келажак қийматини $(1+\text{банк фоизи})$ мўлжалланган йиллар сони даражасига бўлиш билан аниқланади, яъни:

$$I_{\text{ж.к.}} = \frac{I_{\text{к.к.}}}{(1+\text{Ч})^n} = I_{\text{к.к.}} \cdot (1+\text{Ч})^{-n}$$

Масалан: банк фоизи 10% бўлган ҳолда 20 йилдан кейинги 1 сўмнинг жорий қиймати $= 1 : (1+0,10)^{20} = 1 : 1,10^{20} = 1 : 6,7 = 0,15$ сўмни ташкил қилади.

Шундай қилиб дисконтлаштириш йилма йил кетма-кетликда даромадлар, харажатлар потокларини дисконт ставкасига асосли бир-бирига келтириш йўли орқали келажакдаги даромад ва харажатларни жорий қийматини белгилаб олиш учун инвестицияни иқтисодий ва молиявий таҳлил қилишда ишлатилади.

Таянч иборалар: инвестиция, инвестор, қимматли қоғозлар, молия бозори, инвестиция манбаси, молиявий манба, моддий ресурслар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инвестиция нима?
2. Инвестор ким?
3. Молиявий ва номолиявий инвестицияларга тушунча беринг.
4. Реал капитал маблағ нима?
5. Молиявий бозор тарифини айтинг.
6. Инвестиция таснифини келтиринг.
7. Инвестицияларни манбасини тушунтиринг.
8. Инвестиция қандай соҳаларда ишлатилади?
9. Молия бозорини таснифини келтиринг.

8 Мавзу: Менежментнинг ташкилий тузилмалари.

- 8.1. Менежмент ташкилий тузилиши ҳақида тушунча.
- 8.2. Ташкилий тузилмалар турлари.
- 8.3. Ташкилий структураларни лойиҳалаштириш.

9.1. Менежмент ташкилий тузилиши ҳақида тушунча.

Менежментнинг таркибий тузилиши деганда бошқарув бўғинлари ва босқичлари миқдори ва таркиби тушунилади. Менежмент ташкилий тузилишининг оддий ва тушунарли бўлиши унинг иш қобилияти юқори

бўлишини кафолатлайди, яъни бошқарув ташкилий тузилмасида босқич ва бўғинлар қанча кам бўлса, бошқарув шунчалик самарали бўлади.

Бошқарув бўғинлари - бу битта ёки бир-қанча вазифаларни бажарувчи мустақил таркибий унсурлардир. Тузилма элементлари, уларнинг бўлинмалари ва бошқарув аппаратида ишловчилардир.

Бошқарув босқичлари - бу бошқариш бирор даражасидаги маълум бўғинлар йиғиндиси. Шу белгисига кўра бошқарувнинг ташкилий тузилмалари - кўп босқичли (кўп бўғинли), уч, икки босқичли (бўғинли) бўлади. Босқичлар ва бўғинлар ўртасидаги алоқа вертикал ва горизонтал бўлиши мумкин. Вертикал бўғинлар раҳбарларнинг уларга буйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни, горизонтал алоқалар бошқарувнинг тенг ҳуқуқли бўғин ва унсурлари ўртасидаги муносабатларни билдиради.

Иқтисодиёти бошқарув ташкилотлари юқори, қуйи, тенг ҳуқуқли ташкилотларга бўлинади. Юқори ташкилотлар республика ва тармоқ бошқарув ташкилотларига ажратилади.

Умумдават бошқарув ташкилотлари ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини бирлаштирадilar. Умумдават бошқарув ташкилотлари Республика Конституциясига асосланган ҳолда фаолият юритади.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг умумдават ташкилотлари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ташкилотларига бўлинади. Қонун чиқарувчи олий ташкилот - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. У хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонун, қонуний актларни тасдиқлайди. Давлат режалари ва бюджетининг бажарилиши ҳақида ҳисоботни муҳокама қилиб тасдиқлайди, иқтисодиётни бошқаришнинг ижроия ташкилотларини шакллантиради.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг ижроия ташкилотларига умумий, тармоқ ва махсус ваколатга эга ташкилотлар киради. Умумий ваколатга эга ижроия ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимиятлар киради. Махсус ваколатли ташкилотлар тармоқлараро хусусиятга эга вазифаларни бажарадилар. Улар қаторига Давлат қўмиталарини киритиш мумкин.

Умумдават бошқаруви ташкилотларининг асосий вазифалари: ФТТнинг асосий йўналишларини белгилаш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, пул ва кредит тизимига раҳбарлик қилиш, солиқ ва даромадларни белгилаш, ҳисоб ва статистикани ташкил этиш, нарх, тарифлар белгилаш, халқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилиш киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг доимий иш юритувчи ташкилотлари фаолияти тармоқлараро илмий-техникавий ишларга раҳбарлик қилиш, фан-техника соҳасида танлов, кўнгилли асосда ишларни ташкил этиш каби вазифаларни бажаради.

Республика товар биржаларининг асосий вазифаси корхоналар билан ҳамкорликда минтақада моддий техникавий таъминотнинг барқарор ва самарали тизимини ташкил этиш, истеъмолли ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида барқарор минтақавий алоқаларни ўрнатиш, маҳсулот етказиб беришни назорат қилиш, корхоналарга уларни моддий техникавий таъминлашда кўмак беришдан

иборатдир. Моддий-техникавий таъминот ташкилотлари хўжалик ҳисоби асосида ишлаб чиқариш воситаларини сотишнинг кўп тармоқли савдони таъминлаш ва моддий ресурслардан мақбул фойдаланишга раҳбарлик қиладилар.

Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари давлат ва корхоналар манфаатларини ҳимоя этишга асосланган бутунлай янги молиявий сиёсатни амалга оширади, хўжалик юритиш самарадорлигини сўм билан назорат этишни таъминлайди, ширкат ва индивидуал меҳнат фаолиятини молия-кредит воситасида тартибга солиш бўйича чораларни белгилайди, аҳоли даромадларидан солиқ олиш, бозор иқтисодиётига мос иш усуллари ва шакллари жорий этади, бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш тизимини ўзгартиради, уни иқтисодий меёр ва нормативлар асосида ташкил этади, иш сифатини оширишни иқтисодий рағбатлантириш ва ажратилган маблағлардан мақбул равишда фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш усуллари кенг қўллашни таъминлайди.

Республика Марказий банки иқтисодиётдаги барча кредит ва ҳисоб китоб муносабатларини ташкил этувчи ва тартибга солувчи бош банкдир.

Тижорат банклари тизими фаолияти тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молия билан таъминлаши асосига ўтказилади.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари тули бандликни, банд бўлмаган меҳнат ресурсларини қайта тайёрлаш ва касб ургатиш, кадрларга бўлган талабни қондиришни таъминлайдилар.

Республика вазирликлари республика ҳудудидаги концернлар тармоқларни бошқаришни амалга оширадилар. Тармоқни бошқариш тизимига яқка раҳбарлик асосида иш юритувчи вазир бошчилик қилади. У қўл остидаги вазирлик ва унга қарашли корхоналар фаолиятига шахсан жавобгардир.

Хар бир вазирликда вазир тармоқни бошқаришнинг муҳим масалаларини коллегиял равишда кўриб чиқиш в амалга оширишга имкон берувчи маслаҳат ташкилотлари ташкил этилади. Бош маслаҳат берувчи ташкилот - коллегия бўлиб, унинг таркибига вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, корхоналар раҳбарлари киради.

Халқ хўжалиги тармоғи таркибида ҳам давлат, ҳам хусусий корхона, фирма, акционер жамиятлари фаолият юритади. Корхона, фирма, акционерлар жамиятлари фан-техника салоҳиятидаги самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва уйғунлаштириш ва уйғунлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилади. Улар хўжалик ҳисоби асосида саноат, қурилиш, транспорт, савдо ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи таркибий қисмлардан ташкил топади. Таркибий қисм банкда алоҳида баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлиши ва ижара пудрати бўйича, хусусий соҳада иш юритиши мумкин.

Корхона, фирма, акционерлик жамияти таркибий бирликка қарашли асосий фонд ва маблағларни бириктиради, ички хўжалик муносабатларини амалга ошириш, таркибий бирликлар ўртасидаги мунозараларни хал этиш, шунингдек, улар ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарлик тартибини


белгилайдилар. Таркибий бирлик қонунда белгиланган ҳуқуқлари доирасида унга бириктирилган мулкни тасарруф этади, фирма, А.Ж.лари номидан бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузадилар. Корхона, фирма, акционерлар жамиятлари таркибий бирликка ўз номидан шартнома тузиш ва бу шартнома бўйича жавобгар бўлиш ҳуқуқини беради.

Корхонани бошқариш корхона тўғрисида қонунга асосан амалга оширилади. Бу қонунда кўзда тутилган тамойиллардан бири бутун жамоанинг ҳамда унинг ташкилотлари муҳим қарорларни қабул қилиш ва уни бажаришни назорат қилишда иштирок этиш йўли билан амалга ошириладиган ўз-ўзини бошқариш тамойилидир.

8.2. Ташкилий тузилмалар турлари.

Ташкилий тузилмалар жуда турли-туман, лекин улар умумий изчил боғлиқликка эга ва қонуниятларга бўйсунди.

Бошқаришнинг ташкилий тузилмасининг асосий тўғри чизиқли ва функционал турларидир. Улар бирикиши асосида турли хил чизиқли-функционал тузилмалар таркиб топади.



Шартли белгилар: Р - раҳбар, Б - бошлиқ, У - уста, Ф - функционал раҳбар, Ш - штаб, 1,1; 1,2;1,3 - функционал бўлимлар.

Чизиқли тузилма унинг қуйи бошқарув бўғинлари юқори босқичдаги раҳбарга бевосита бўйсунishi билан тавсифланади. Чизиқли тузилмада ҳар бир ходим битта раҳбарга бўйсунди ва юқори тизим билан фақат у орқали

боғланган бўлади. чизикли тузилманинг ижобий томонлари унинг оддий, ишончли, камҳаржлигидир. Ҳар бир раҳбар бутун меҳнат жамоаси фаолияти натижалари бўйича жавобгар. Бу стратегик ва жорий қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи марказлашишига олиб келади.

Чизикли тузилмаларни ҳал этилувчи масалалар доираси кенг бўлмаган, бу масалалар ечилиши осон бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Соф ҳолда чизикли бошқарув жуда кам, асосан, бригада, бўлим, ширкат, кичик корхоналарда қўлланилади.

Чизикли тузилманинг асосий камчилиги бўғинлар координацияси пухта бўлмайди. Раҳбар универсал мутахассис бўлиши ва унга буйсунувчи барча бўғинлар фаолиятининг ҳамма томонини қамраб олиши лозим.

Функционал тузилма - бошқарув вазифаларининг функционал бўғинлар ва раҳбарлар ўртасида тақсимланишига асосланади. У бошқарув мураккаблашуви ва ихтисослашув ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган.

Функционал тузилмада бошқарувчи кўрсатмалар нисбатан малакали бўлади, лекин якка бошчилик тамойилига риоя қилинмайди. Функционал бўғинлар сони ортиши билан ҳар бир бўғин мустақил равишда ҳал этувчи масалалар доираси торайиб боради. Муаммонинг моҳияти ҳар бир бўғин ўз масаласини биринчи навбатда ҳал қилишдан манфаатдор бўлишида эмас, балки битта ҳам бўғин бу масалани етарли даражада асосланган ҳолда ва тўғри ҳал қила олмаслиги, ечимлар майдалашиб, тўлиқ бўлмай қолишидадир. Бу бошқарувни мураккаблаштириб, унинг самарадорлигини камайтиради.

Чизикли тузилмани ташкил этиш ва функционал тузилманинг камчиликлари қўшма, бириктирилган тузилмалар - чизикли-штабли, чизикли-функционал ва бошқа тузилмалар вужудга келишига сабаб бўлди.

Чизикли-штабли тузилмада чизикли тузилма асос қилиб олинади, лекин бошқарувнинг қуйи бўғинга эга ҳар бир бўғинида айрим муҳим муаммолар бўйича штаблар тузилади. Штаблар малакали қарорлар тайёрлайдилар, лекин чизикли тузилма раҳбари тасдиқлаб, қуйи даражага юборади. У штаб тавсияларини координация қилади, мувофиқлаштиради ва натижада бошқарув сифати яхшиланади, лекин вазифалар миқдори кўп бўлса.

Лекин, вазифалар миқдори кўп бўлса, чизикли тузилма раҳбари вазифалари ҳам ортади. Шу сабабли, амалиётда бошқа қўшма тузилмалар вужудга келди. Улар орасида энг кенг тарқалгани чизикли-функционал тузилмадир.

Чизикли-функционал структурада, функционал звенолар қуйи турган бўлинмаларга ўзлари буйруқ бера оладилар, лекин улар компетенциясига таалуқли бўлган аниқ белгиланган саволлар бўйича. Масалан, режалаштириш - иқтисодий бўлими цех бошлигига режалаштиришни ривожлантириш саволлари бўйича буйруқ бериши мумкин, Заводнинг бош бухгалтери эса цехда ҳисоб ва ҳисоботни яхшилаш бўйича ва х.к. Чизикли функционал структурасининг устунлиги унинг бошқарув принципларини буйруқ беришнинг ягоналиги принципи билан узвийлигидадир. Лекин бу устунлик структурада алоқаларнинг

мураккаб типлари мавжуд: лойиҳа бўйича бошқариш; матрицали структура ва бошқалар.

Лойиҳа бўйича бошқариш ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши билан боғлиқ қайта қуришлар ва янги технологиялар киритилиши зарур бўлган корхона ва ташкилотларда қўлланилади. Бундай қайта қуришни амалга ошириш учун фақатгина шу лойиҳага жавоб берувчи бошқарув органи тузилади. Бошқарувнинг лойиҳа бўйича органи вақтинчалик ташкилот ҳисобланади. Унга юклатилган вазифалар амалга оширилгандан сўнг у тугатилади.

Матрицали структура чизиқли ва лойиҳа бўйича бошқарув структураларининг бирлаштирилиши натижасида кўрилади. Чизиқли бошқарув принципи сақланиб қолинади, лойиҳа бўйича бошқаришга мос равишда эса мавзуларни, илмий изланишлар бўйича дастурлар, лойиҳалаштириш технологик тайёргарлик экспериментал ишлаб чиқариш маҳсулотини тайёрлаш, сотиш ва х.к.лар ташкил қилинади.

Бошқарувни ташкил қилишнинг матрицали структурасида лойиҳа ёки дастур раҳбарларининг фаолияти эркинлиги таъминланади, улар олдида қўйилган масалалар мақсадли ҳал қилинади. Ишни ташкил қилиш бўйича раҳбарнинг маъсулияти аниқланади, уларнинг бажарилиш муддати, якуний натижалар бўйича раҳбарнинг маъсулияти аниқланади. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув аппаратини белгиланган даражада қисқартиришга, бошқарувнинг хар-хил даражалари ва хар бир звено чегарасида алоҳида даражаларнинг вазифалари ва функцияларини аниқ ажратиш, халқ хўжалиги, корхоналар (фирмалар) тармоқларининг хўжалик мустақиллигини таъминлашга имкон берадиган янги ташкилий структуралар тузилади.

8.3. Ташкилий структураларни лойиҳалаштириш.

Менежментнинг ташкилий структураларини ташкил қилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва типига энг яхши мос келувчи бошқарув аппаратини яратишдан ва бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг хар бир звеносининг ишлаб чиқариш-техник, хўжалик ижтимоий ва молиявий фаолиятини бошқариш бўйича ҳамма функцияларни бажарилишининг заруриятидан келиб чиқади. Бу муаммоларнинг ечими бошқарувни ислоҳ қилиш бошқарув ишлари ва функцияларини рационал тақсимлаш бошқарувнинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаш бўйича бир қатор тадбирларни ўтказиш орқали амалга оширилади.

Мақсад бошқарув назариясининг асосий категориялардан бири ҳисобланади. Бошқарув мақсадларини шакллантириш бошқарувнинг бошланғич, унга эришиш эса якуний босқич ҳисобланади. Бошқариш мақсади бошқарув объекти ва унинг алоҳида параметрларининг исталган ҳолатидир. Аниқ бир корхона учун бошқарув мақсади аниқ бир маҳсулот турини энг кам ресурслар харажати сарфлаган ҳолда керакли миқдорда ва юқори сифатда чиқаришдан иборат.

Мақсадли ёндашув бошқарув органлари ишининг коллектив олдида қўйган мақсадларига эришишга буйсунишни талаб қилади. Бошқарувнинг хар бир механизми ўзининг мақсадлари (ташкилий, иқтисодий, маркетинг, техник,

ижтимоий)га эга, шунинг учун мақсадларнинг мос келиши муаммоси юзага келди. Бошқарувнинг ҳар хил даражалари умумий мақсадга жавоб беришлари, бир-бирини тўлдириб туриши зарур. Мақсадларни тартиблашни усулларида бири мақсадлар дарахтини тузиш ҳисобланади. Мақсадлар ва уларга эришиш воситалари ўртасидаги алоқаларнинг график тасвири.



Умумий мақсадга эришиш учун асосий мақсадга эришиш керак, асосий мақсадга эришиш учун эса, биринчи даражанинг мақсадига эришиш керак ва х.к.

Давлат масалаларини бажаришнинг мақсади аниқловчи ҳисобланади, у илмий техник, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадлар билан узвий боғлиқ.

Мақсадли ёндашув бошқарувнинг замонавий структурасига ўтишга имкон беради. Бу мақсадлар, мақсад ости ва ривожланиш масалалари таркибини ва лойиҳалаштираётган бошқарув объектини фаолият юргизишни ишлаб чиқсин.

Мақсадлар дарахтини кўришда унинг сифат ва миқдор тавсифини тўғри аниқлаш муҳимдир. Сифат тавсифи бошқарув функцияларининг намоён бўлишининг асоси ҳисобланади, сифат тавсифи эса структурали бўлинмалар (бўлим, цех ва х.к.) турининг асоси бўлиб хизмат қилади. лойиҳалаштирилаётган ташкилий структура системаси элементалари олдида турган мақсад ва вазифалар раҳбарлар ва мутахассислар таркибини асослашга имкон беради, вазифалар номенклатураси эса структурали бўлинмалар ходимлари ўртасидаги вазифалар тақсимланишидир.

Ташкилий структурани лойиҳалаштиришнинг мустақил методи бўлиб ташкилий-иқтисодий моделлаштириш ҳисобланади. Унинг асосида ижро

этувчиларнинг ваколатлари ва маъсулиятининг тақсимотини график, математик, макетли-деворий тасвири ётади.

Бошқарув ташкилий структурасини шакллантиришда бошқарув поғоналари ва звенолари сони, чизикли ва функционал бошқарувнинг марказлашуви даражаси, бошқарув бўлими ва функциялари таркиби, битта раҳбарга тўғри келадиган бўйсунувчилар сонини асослаш зарур. Бошқарув системасида поғоналар қанча кўп бўлса буйруқни юқоридан пастга ва ахборотни пастдан юқорига узатиш шунча қийин бўлади. Буйруқни ва ахборотни узатиш жараёнида бузилишнинг хавфи шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун бошқарув ташкилий структурасини лойиҳалаштириш ва мукаммаллаштиришда бошқарув поғоналари сони оптимал бўлишига интилиш зарурдир.

Ҳар қандай ташкилий структуранинг сифати унинг шакллантиришда қуйидагиларга қанчалик амал қилингани билан аниқланади:

- системали ёндашув, яъни бошқарув объекти ва органига таъсир қилувчи иложи борица ҳамма факторларни ҳисобга олиш;
- бошқарув марказлашуви ва бирламчи звенолар мустақиллигининг оптимал бирлиги;
- олий раҳбарлар тўғридан-тўғри ижро этувчига ахборотни бориши ва вақтнинг максимал қисқариши;
- лойиҳалаштирилаётган структурада ҳар бир таркибий қисмнинг функцияси вазифаси ва ҳуқуқини тўғри аниқлаш;
- бошқарув системасидаги ўзгаришларга жавоб қайтаришнинг имконияти;
- ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қайси бўлинмада ахборот кўп бўлса шу саволни ечиш бўйича бўлинмага ваколат бериш.

Бошқарув аппарати структурасига асосий талаб унинг оперативлигидадир. Аппарат структураси шунчалик даражада эгилувчан ва оддий бўлиши керакки бошқарув системасида қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш керак. Оперативлик билан фаолият юргизишнинг ишончилигига боғлиқдир. Бу дегани бошқарув аппарати ахборот узатишнинг тўғрилигига кафолат бериш узатилаётган маълумотларнинг бузилишига йўл қўймаслиги керак, бошқарув системасида алоқанинг узлуксизлигини таъминлаш керак.

Аппарат структураси бошқарув иқтисодини таъминлаши керак. Бунинг маъноси шундаки, бошқарувдан келадиган самара бошқарув аппаратида бўлган харажатларнинг минималлиги орқали эришилсин.

Аппарат структурасига ишлаб чиқариш характерининг ўзи, унинг тармоқли хусусиятлари (ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркиби, тайёрлаш технологияси, ишлаб чиқариш масштаби ва типи, техник жиҳозланганлик ва меҳнат жараёни даражаси ва бошқалар), шунингдек бошқарув ишининг механизацияланганлиги ва автоматлашганлиги даражаси ишчилар малакаси, улар меҳнатининг самарадорлиги бўйсунувчилар сони ва бошқарувчи томонидан уларни назорат қила олиш имкониятлари ўртасидаги боғлиқлик таъсир кўрсатади.

Таянч иборалар:

Ташкилий тузилма, аралаш тузилма, давлат органлари, матрица, дивизионал, босқич, ташқи омил, ички омил, эгилувчан тузилма, маъмурий ҳудудий тузилма.

Саволлар:

1. Бошқаришнинг ташкилий қурилмалари қандай бозор талабларига жавоб бериши керак?
2. Бошқарув бўғини ва звеноси ўртасида қандай фарқ бор?
3. Ҳудудий ва тармоқ бошқариш органлари ўртасида қандай фарқ бор?
4. Чизиқли тузилма ва чизиқли-функционал тузилмалар қандай устунлик ва камчиликларга эга.
5. Корхона бошқаруви қандай мақсадни қўзлайди?
6. Бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини бошқаришда мақсадли ёндашиш моҳияти нимада?

9 Мавзу: Бошқарув усуллари, раҳбарлик ва унинг маданияти.

9.1. Менежментнинг иқтисодий усуллари.

9.2. Менежментнинг ташкилий фармойиш усули.

9.3. Менежментнинг ижтимоий-психологик усуллари.

9.1. Менежментнинг иқтисодий усуллари.

Бошқарув усуллари бу бошқарув субъектининг бошқарув объектига мақсадли йўналтирилган таъсир ўтказишнинг усуллари, яъни бошқарувчининг у бошқараётган ишлаб чиқариш коллективига қўйилган мақсадларга эришиш жараёнида унинг фаолияти координациясини таъминлашдир.

Бошқарув усуллари воситасида иқтисодий жараёнларга ва ишлаб чиқариш катнашчиларига моддий, молиявий, энергия, меҳнат ресурсларини имкони борича кам сарф қилиб юқори натижаларга эришиш мақсадида таъсир этилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув усуллари мукамаллиги ва шаклланилиги билан узвий боғлиқдир.

Бошқарув усуллари бошқарув фанида муҳим ўринни эгаллаб, бошқарув қонун ва тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Меҳнат жамоасига таъсир этиш усуллари орасида бошқарув механизми учун бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув объектив қонунлари талабларига мувофиқ келувчиларигина энг мақбул ва мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бунинг моҳияти шундаки, бошқарув усуллари бозор иқтисодиётига мансуб қонунлар тизими билан узвий боғлиқдир.

Бошқарув усуллари ташқи ва ички омиллар таъсирида ўзгаради. Ташқи омилларга: ташқи ва ички шароит ўзгариши, иқтисодиётни бошқаришда туб ислохотларни амалга ошириш, халқ хўжалигининг техникавий қуролланганлик даражасини бошқариш тизимида ўзгаришлар (иқтисодий ислохотлар, иқтисодиётни бошқаришнинг тармоқ тизимидан ҳудудий тизимига ўтиш ва

х.к.) киради. Ички омилларга: жумласига йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш асосида ишлаб чиқариш концентрациясини амалга ошириш; корхона катталиги ўзгариши натижасида унинг бир гуруҳдан иккинчисига ўтказилиши; ишлаб чиқариш ихтисослашиш даражаси ўзгариши; меҳнатнинг техника билан таъминланиш даражаси яхшиланиши; ишлаб чиқаришни режалаштириш ва жадал тартибга солишнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш ва янгиларини жорий қилиш (тармоқли режалаштириш ва бошқариш; ишлаб чиқаришни узлуксиз тезкор режалаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни автоматлаштирилган тизимини қўллаш ва х.к.) киритиш мумкин.

Бошқарув усуллари бевосита ижтимоий-иқтисодий муносабатларга таъсир этувчи ишлаб чиқариш усули ривожланиши ва жамият ишлаб чиқариш кучлари ўсиши билан ўзгариб боради. Иқтисодиёт муваффақиятли ривожланишда бошқарув усулларини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бошқарув усулларини иқтисодиётнинг маълум аниқ соҳаларида амал қилишнинг турли йўллари орасидаги умумий ҳодиса сифатида ажратиш мумкин. Масалан, бошқарув даражалари бўйича бошқарув усуллари (давлат секторини бошқариш усуллари, цех, корхона, бирлашма, минтақани бошқариш усуллари), ёки тармоқларни бошқариш усуллари (саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини бошқариш усуллари) ҳақида сўз юритиш мумкин. Шунингдек, турли субъектлари томонидан қўлланиладиган бошқарув усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Давлат бошқаруви усуллари жамоат ташкилотларини бошқариш усуллари. Ёки иқтисодиётнинг айрим соҳаларида қўлланиладиган бошқарув усулларини (ишлаб чиқаришни, молиявий соҳани, фан ва маорифни бошқариш усуллари)ни ҳам кўзда тутиш лозим.

Турли туркумга кирувчи ишловчилар бошқарув фаолиятида менежерлар, директорлар, бўлимлар бошлиқлари томонидан қўлланиладиган бошқарув усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Демак, бошқарув назария ва амалиётида турли бошқарув усуллари мавжуддир. Улар бошқарув усулларининг ҳар бир гуруҳи ўз хусусиятларига эга бўлган тизимни ташкил этган.

Халқ хўжалигини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: иқтисодий, ташкилий, ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий. Бошқарувнинг бу усуллари ўзаро узвий боғлиқдир, шу сабабли уларнинг бирортасига ортиқча аҳамият бериш бутун ишлаб чиқаришнинг нормал бориши бузилишига олиб келади. Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётини бошқаришнинг иқтисодий усуллари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари кишиларга иқтисодий манфаатлар орқали таъсир кўрсатади.

Иқтисодий усулларнинг моҳияти ходимлар ва ишлаб чиқариш жамоасига улар манфаати бўлишини таъминловчи иқтисодий шароит яратишдан иборатдир. Бошқарув усуллари тизимида иқтисодий усуллар етакчи уринни эгалайди.

Иқтисодий усуллар иқтисодий таъсир воситалари йиғиндисидан (нарх, кредит, бизнес-режа, фойда, солиқлар, иш ҳақи, иқтисодий рағбатлантириш ва

х.к.), яъни хўжалик фаолиятига таъсир этишнинг ҳар бир жамоа мос хўжалик бўғини билан узвий алоқада амал қилишини таъминловчи тадбирларидан иборатдир.

Бозор механизмнинг муҳим вазифаларидан бири бизнес режа ва бозорнинг узвий боғлиқ бўлишига имкон яратувчи пул ва товар ресурслари тўғри нисбатини таъминлашдир.

Бозор – бу товар-пул муносабатларининг доимо сақланувчи балансидир. Бозор муносабатлари шароитида режали иқтисодиётга нисбатан қатъий бошқарув тизими ўрнатилади. Бозор тамойиллари хўжалик раҳбарларидан ташаббускорлик, корхона фаолияти масалалари бўйича юқори натижаларга эришиш мақсадида қайишқоқлик, таваккалчиликни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти маъмурий-буйруқбозлик тизимига нисбатан қарама-қарши тизим бўлиб, бозорда нарх, солиқ, кредит воситасида тартибга солиш энг аввало ижтимоий мақсадда амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх ва иш ҳақи ўзгаришни қатъий тартибга солмай барқарорликка эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб, бошқарувнинг иқтисодий усуллари жуда кенг имкониятларга эга бўлиб, улар моҳирона ва ўз вақтида ташкилий-фармойиш, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий усуллар билан қўшиб олиб борилган тақдирда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Корхоналар, акционер жамиятлари, фирмаларда муҳим бошқарув усуллари билан бири – бизнес-режалардир. У иқтисодий жараёнларни умуммиллий манфаатларни кўзлаб, хўжалик амалиётида объектив иқтисодий қонунлардан фойдаланиш асосида, онгли равишда, бир мақсадга интилган ҳолда бошқаришнинг ўзаро узвий боғлиқ тизимидан иборатдир.

Бизнес-режа воситасида ҳал этиладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: иқтисодиёт ривожланиши йўналишлари ва мақсадларни амалга ошириш йўллари кўрсатиш, иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ўсишини таъминлаш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни таъминлаш; тармоқларaro интеграция, тармоқ ичида ихтисослашув ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тезкор тартибга солиш ва координация қилиш.

Бизнес-режа корхона, акционерлар жамияти, концернлар фаолиятининг барча томонларини: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш; моддий-техникавий таъминот ва ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш, меҳнат ва иш ҳақи, жамоада ижтимоий жараёнлар ва х.к.ларни қамраб олади. Бозор муносабатлари шароитида уларга режалаштириш борасида кенг ҳуқуқлар берилади.

9. 2. Бошқарувнинг ташкилий фармойиш усули.

Хўжалик ташкилотларининг ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича фаолияти бошқарувнинг турли ташкилий-фармойиш усуллари қўллаш билан боғлиқдир. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар самарали фаолият юритишини таъминловчи таъсир

этиш тизимидан иборатдир. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари иқтисодий усулларни тўлдириб, бозор иқтисодиёти қонунлари. Ҳуқуқий актларни ҳисобга олиш ва бажаришга асосланади.

Давлат махсус тузилган бошқарув ташкилотлари воситасида бошқариладиган тизимга маъмурий ва ташкилий жиҳатдан таъсир ўтказади. Менежмент тизимида ташкилий усуллар умумий мақсадга эришиш учун ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати тартибга солинадиган маъмурий ҳужжатлар асосида амалга ошади. Ташкилий-фармойиш усулини қўллаш асосини бошқарувнинг барча тамойиларига риоя қилиш ташкил этади.

Нима сабабдан бошқарувнинг маъмурий-фармойиш усуллари маъмурий шакллар билан қўшиб олиб борилади. Бу кўп ҳолларда ташкилий таъсир маъмурий ҳуқуқни қўллаш, яъни қарор ва фармойишларни амалга оширишга асосланади. Лекин, «бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усули» тушунчаси «маъмурий бошқарув усули» тушунчасидан бир мунча кенгдир, чунки ташкилий-фармойиш усуллари бошқарувнинг турли даражаларига турли қўламда ва шаклда ташкилий таъсир этишни ўрганиш масалаларини ҳам қамраб олади. Ташкилий-фармойиш усуллари ташкилий аниқликни таъминлайдилар, ташкилий тизим, бошқарувнинг ҳар бир бўғини вазифаларини белгилаб беради, бошқарув аппарати интизоми ва фаолияти самарадорлигини таъминлайди, ишда тартиб ўрнатади, қарор, фармойишларни бажаради, кадрларни танлайди ва жой-жойига қўяди ва х.к. Бошқарувнинг ташкилий фармойиш усуллари уларнинг ишлаб чиқарувчиларга таъсир этиш манбаалари ва йўналишлари бўйича турларга ажратилади. Бунга боғлиқ ҳолда таъсир этишнинг ташкилий-фармойиш усуллари уч гуруҳга бўлинади: ташкилий-барқарорлаштирувчи, фармойиш ва интизом.

Таъсир этишнинг ташкилий-барқарорлаштириш усуллари асосий мақсади ҳамкорликда ишлаш учун ташкилий асос яратишдир, яъни, вазифа, мажбурият. Жавобгарлик ва ваколатларни тақсимлаш, тартиб ўрнатиш ва х.к. Маъмурий таъсирнинг ташкилий шакллариининг икки ташкилий регламентлаш ва ташкилий меёрлаш тури мавжуд. Ташкилий регламентлаш воситасида давлат бошқарувчи ва бошқариладиган тизимга уларнинг мақбул нисбатини, ташкилий тизимини ва ҳар бир даражада бошқарув чегараларини аниқлаш мақсадида таъсир этади. Ташкилий регламентлашга мисол қилиб лавозимлар ҳақида Низомни кўрсатиш мумкин. Ташкилий меёрлаш ҳужжатлари воситасида хом-ашё, материаллар сарфини меёрлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришга меҳнат сарфи ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш техникавий ва технологик меёрлар (стандартлар, меёрлар, қайта ишлов бериш усули, тартиби ва х.к.) ишлаб чиқаришини ташкил этиш меёрлари (мақбул ишланма қўлами).

Таъсир этишнинг фармойиш усуллари чекловчи ҳужжатларда кўзда тутилмаган мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда кундалик жадал бошқариш мақсадида қўлланилади. Фармойиш таъсирининг асосий мақсади бошқарув аппаратининг аниқ ҳаракати, бошқарувнинг барча бўлинма ва хизматлари барқарор ишлашини таъминлаб беришдан иборат. Таъсир этишнинг фармойиш усуллари буйруқ, фармойиш, кўрсатма ва бошқа меърий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Буйруқ – бу раҳбарнинг қўл остидаги ходимлардан маълум вазифани бажаришни ёзма ёки оғзаки равишда талаб қилишидир. Буйруқ фақат чизиқли бошқарув тизими раҳбари томонидан берилади. Фармойиш – ходимлардан айрим ишлаб чиқариш ва хўжалик масалаларини ҳал этишни талаб қилишдир. Фармойиш бошлиқ ўринбосарлари, хизматлар бошлиқлари, улар эга бўлган ваколатлари доирасида берилади. Бошқарув амалиётида қўлланиладиган таъсир қилиш усулларида бири – оғзаки кўрсатмадир. Таъсир қилиш усулларида бири – оғзаки кўрсатмадир. Таъсир этишнинг бундай шаклини барча даражадаги раҳбарлар, лекин кўпинча қуйи даражадаги командирлар, бригада бошлиқлари, усталар қўллайдилар.

Фармойиш воситасида таъсир этиш бажариш муддатлари билан фарқ қилади. Буйруқ ва фармойишлар узоқ ёки қисқа муддатда мўлжалланган бўлади.

Ҳар бир буйруқ ёки фармойишда қандай вазифа бажарилиши, қачон бажарилиши кераклиги белгиланади. Таъсир этишнинг фармойиш усули ташкилий таъсирга нисбатан унинг бажарилишини назорат қилишни кўпроқ талаб этади. Ижро этишнинг бориши назорат қилингандан сўнг яна фармойиш билан таъсир этишга эҳтиёж туғилади. Фармойиш усулининг қўлланиш кўлами бошқарув кадрлари малакаси, ташаббускорлиги ва қобилиятига боғлиқдир.

Корхонани бошқаришда фармойиш билан таъсир этиш фақат қонунга зид бўлмаган ҳолдагина бажарилиши қатъий бўлган ҳуқуқий кучга эга бўлади. Шу сабабли барча тизимдаги ташкилий-фармойиш фаолияти мавжуд қонунчиликка бўйсунган ҳолда амалга ошириши лозим.

Интизомий таъсир усуллари ташкилий барқарорлаштирувчи ва фармойиш воситасида таъсир этиш усуллари тўлдириб, интизомий талаблар ва мажбуриятлар тизими воситасида ташкилий алоқалар барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

9.3. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари – бу ишлаб чиқарувчи ва айрим шахсларга уларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларига таъсир этиш билан бошқариш воситасидир. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари қўллаш корхонада юз бераётган ижтимоий ҳодисаларни чуқур ўрганиш ходимлар нерв системаси кайфиятига таъсир этувчи психологик (рухий) омилларни билишни талаб этади.

Ишлаб чиқариш шароитида социология кишилар ижтимоий алоқаси шаклланишининг асоси бўлган меҳнат омилларини ўрганади, ижтимоий тизимлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш тизими ривожланиши ва амал қилиш қонуниятлари, кишиларнинг жамиятнинг турли қатламидаги ҳуқ-атвори қонуниятларини тадқиқ қилади. Ижтимоий психология гуруҳ ва омма психологиясининг хусусиятлари, уларнинг шахснинг онги ва ҳуқига таъсири, кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омиллар, кайфият, ижтимоий фикрни шакллантирувчи омилларни ўрганади. Шахс психологияси олий нерв фаолияти турлари ва инсон темпераменти, характери, шахснинг иродаси, қобилияти, ҳиссиёти, хотираси, англаш ва ҳис этиш қобилиятини ўрганади, меҳнат

психологияси меҳнат фаолиятлари, шу жумладан, раҳбар ва мутахассислар (касбӣ ҳусусият ва қобилиятлари, кадрларни ўқитиш усуллари, дам олиш тартиби, кадрларни танлаш ва баҳолаш усуллари, меҳнат жараёнининг психологик жиҳатлари) фаолиятини ўрганади.

Кишилар фикрлаш усулида ўзгариш юз бериши ва улар маданий ҳамда билим даражаси ортиб бориши билан ижтимоий-психологик усуллар аҳамияти ҳам ортиб боради. Бундай шароитда шахснинг эҳтиёж ва манфаатлари маънавий соҳа томон ўзгариб боради. Ўз меҳнатидан қониқишнинг муҳим омили бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг раҳбар билан ўзаро яхши муносабати ишлаб чиқаришдаги қулай ижтимоий-психологик вазият хизмат қилади.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари ишлаб чиқаришда мавжуд ижтимоий механизмни (ўзаро муносабат тизими, ижтимоий эҳтиёжлар) қўллашга асосланади. Бошқарувнинг ижтимоий усуллари ижтимоий тартибга солиш воситасида амалга оширилади.

Ижтимоий тартибга солиш усуллари турли гуруҳлар ва шахслар мақсади ва манфаатларини аниқлаш ва ростлаш йўли билан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва уйғунлаштириш мақсадида қўлланилади.

Улар жумласига ижтимоий ташкилотлар низомлари, шартномалар, ўзаро мажбуриятлар, ишчиларни танлаш, тақсимлаш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш тизими киради. Ижтимоий тартибга солиш усуллари инсон омили фаоллигини ошириш, бошқарувни демократлаштириш мақсадида ҳам қўлланилади.

Бошқарувнинг психологик усуллари жамоада мақбул психологик ҳолат ташкил этиш йўли билан кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. Психологик усулларга кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш, меҳнатни инсонийлаштириш, малакали кадрлар танлаш ва уларни ўқитиш ва ҳ.к.лар киради.

Кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш усулини қўллаш кичик гуруҳдаги ишчилар ўртасидаги мақбул миқдорий-сифат нисбатини аниқлаш имконини беради.

Меҳнат фаолиятини инсонийлаштириш деганда ранглар, мусиқанинг руҳий таъсиридан фойдаланиш, бир хил, ўзгармас меҳнатни бартараф этиш, ижодий ёндашувни кенгайтириш тушунилади.

Касбӣ танлашнинг моҳияти – кишиларнинг руҳий ҳусусиятлари улар бажарувчи ишларига энг мос бўладиган қилиб танлашдан иборат. Шахснинг руҳий ҳусусиятлари жумласига унинг қизиқиш ва майллари, қобилияти, темперамент ва характери киради. Шу сабабли, раҳбар шахсга раҳбарлик қилганда ўз олдига инсон руҳий ҳусусиятлари шаклланиши ва ривожланишини ўрганиши, унинг қизиқиш ва қобилияти, темперамент ва феълини билиш вазифасини қўйиши керак.

Шахснинг руҳий ҳусусиятларини инсон фаолиятида ажратиб тушуниб бўлмайди, чунки киши қобилияти ва феъли ҳусусиятлари унинг фаолияти ва ҳулқида намоён бўлади. Инсоннинг оммавий фаолияти унинг руҳий ҳолатини шакллантиради. Инсоннинг қандай ҳаёт кечириши, нима билан шуғулланишини

билмай вужудга келганлиги, у ёки бу нарсага қобилият ривожланганлиги, феъли шаклланганлигини англаб бўлмайди.

Инсон аввало ўзини ижодий шахс сифатида баҳолайди. Ишчи меҳнатга бундай нуқтаи назардан қарашга тўғри келмайди: моддий эҳтиёжлар бирламчи бўлиб, улар қониққандан сўнг нисбатан юксак инсоний эҳтиёжлар илгари сурилади.

Инсон фаолияти маълум рағбатлантирувчи омилларга асосланган бўлиб, маълум мақсадга эришишга қаратилгандир. Рағбатлантирувчи омил – мақсад муносабати инсон фаолияти ўзагидир. Умумий маънода рағбатлантирувчи омил – бу инсонни фаолият юритиш учун ундовчи омил бўлиб, мақсад эса инсон уни амалга ошириш натижасида эришишни хоҳлаган нарсадир. Рағбатлантирувчи омил киши хулқининг ички кучидир. Психологияда узоқ ва қисқа рағбатлантирувчи омил ажратилади. Агар инсон фаолиятини рағбатлантирувчи омил ва ўз олдига қўйган мақсад яқин келажакка мўлжалланган бўлса, у қисқа муддатли, агар улар узоқ истиқболни қамраб олса узоқ муддатли дейилади. Рағбатлантирувчи омил даражаси билан инсоннинг меҳнатга, ютуқ ва муваффақиятсизликка нисбатан бўлган муносабати узвий боғлиқдир. Фақат узоқ муддатли рағбатлантирувчи омил меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш манбаидир.

Раҳбарга хос бўлган муҳим хусусият кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омилларни яхши билиш, ҳар бир кишини у ёки бу вазифани бажаришга қизиқтира олишдир. Бу айниқса, у ёки бу корхонага ишга кириб, уларни келажакда нима кутишини билиш лозим бўлган ёшлар билан ишлашда муҳимдир. Раҳбар ишини ким ва қачон қайси скрипкани чалиши, қайси асбобда мусиқа чалишини ўрганган, ким нотўғри чалиши мумкинлиги, кимни қайси ерга қўйиш кераклигини билиши лозим бўлган дирижер меҳнати билан солиштириш мумкин.

Киши руҳий хусусиятларнинг у бажарувчи иш талабларига мос келмаслиги ўз касбидан қониқмаслик уни ўзгартиришга ҳаракат қилишга, хато қилиш эҳтимоли ортишига ва натижада меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади. Аксинча, агар инсон ўз қобилиятини тўлиқ намоён қила олувчи иш билан банд бўлса, у ўз меҳнатидан мамнун бўлади, касбни тез эгаллайди ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.

Инсон учун фақат моддий рағбат муҳим деб ҳисоблаш нотўғри. Унга жуда кўп нарса: умумий ишда ўз ҳиссаси борлигини ҳис этиш, ўзини меҳнат орқали намоён этиш, ўз малакаси билан ғурурланиши, ўртоқлари хурматига сазовор бўлиш ва ҳ. к. лар ҳам муҳимдир. Кўпчилик кишилар шахсий фаровонликка бошқалар ҳисобига эришилган шахсий муваффақият орқали эмас, мамлакат иқтисодиётига қўшган меҳнати ҳисобига эришиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Изланишлар меҳнатга нисбатан муносабатга таъсир этувчи рағбатлантирувчи омиллар қуйидаги тартибда тақсимланишини кўрсатди: меҳнат моҳияти, иш хақи, юқори лавозимга эга бўлиш имконияти, ишнинг қизиқарлилиги, меҳнатни ташкил этиш, маъмуриятнинг ишчига нисбатан муносабати.

Таянч иборалар:

Иқтисодий воситалар, бошқариш усуллари, социология, психология, ҳуқуқий усуллар, тарбиявий усуллар, номарказлаштириш принципи, ижтимоий жавобгарлик, низо, асабни бузиш.

Саволлар:

1. Иқтисодий бошқарув усулларининг қандай ютуқ ва камчиликларини Сиз тасаввур этасиз?
2. Ташкилий-фармойиш (маъмурий) усулларнинг моҳияти нима?
3. Социология нимани ўрганади?
4. Ташкилий-мувофиқлаштирувчи таъсир меҳнат жамоаларига нимага керак?
5. Шахснинг қандай руҳий хоссаларини биласиз?
6. Психология нимани ўрганади?
7. Маънавий рағбатлантириш деганда нимани тушунасиз?

10 Мавзу: Бошқарув қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичлари.

- 10.1. Бошқарув қарорларининг моҳияти ва уларнинг таснифи.
- 10.2. Бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар.
- 10.3. Бошқарув қарорларини тайёрлаш жараёни ва қабул қилиш
- 10.4. Бошқарув қарорларини (оптимизациялаш) усуллари ва уларни бажарилишини ташкил этиш.

10.1. Бошқарув қарорларининг моҳияти ва уларнинг таснифи.

Бошқарув фаолиятининг самарадорлиги кўпинча қабул қилинаётган қарорларга боғлиқ корхонадаги бутун савол ва муаммолар занжири уларнинг аниқ ечими ва бошқарувчига юкланган, ишлаб чиқариш, техник, ижтимоий, иқтисодий, маркетинг ва ҳуқуқий вазифалар қарорларни тўғри қабул қилиш ва ўз вақтида бажарилишига боғлиқ. Ечилаётган муаммоларнинг ҳаммаси ҳар қандай бошқарувчи томонидан ҳисобга олинади ва бу нарса унинг бошқарув услубида ҳамда бутун бошқарув жараёнида акс этади.

Иқтисодиётни бошқаришдаги ечимларнинг моҳияти купгина объектив омилларга боғлиқ. Улардан энг асосийси - ишлаб чиқариш воситаларига турли мулкчилик; ишлаб чиқариш ва меҳнатни чуқур тақсимланиши ва ихтисослашувига; меҳнат ва материал техник ресурсларни бошқариш; соҳалараро, ишлаб чиқаришлараро алоқаларни кенгайтиши; Қўшма корхона тузиш; маркетингни амалда қўллаш; корхона ва соҳаларни ташқи иқтисодий алоқаларга чиқиш, бошқарув қарорларини қабул қилишдаги таваккалчиликлар.

Бошқарув қарори - кенг маънода жамиятдаги моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг реал қондирилиш имкониятлари билан бир нуктада кесишуви халқ хўжалигидаги бир нуктада кесишуви. Халқ хўжалигидаги бу муаммонинг ечими мавжуд қонунлар, фармонларнинг бизга боғлиқ бўлмаган қонуниятларнинг бизга боғлиқ бўлмаган қонуниятларнинг бир-бирига мувофиқ келишишидир. Бошқарув қарори - шунингдек корхона олдида турган мақсадлар ва миссиясини амалга ошириш демакдир. Айнан шу жараёнда юзлаб, минглаб

инсонлар ўз эҳтиёжларини қондиради, мавқега эга бўлади, ҳар томонлама ўсади ва умуман жамият ўсади.

Қарорларни ишлаб чиқариш ва амалда қўллаш раҳбарнинг кейинги фаолиятидаги силжишларига боғлиқ. Битта муаммо бўйича бир неча қарорлар ишлаб чиқилади ва улардан биттаси амалда қўлланилади. Бу қарорлар таснифи муҳим назарий ва ҳаётий аҳамиятга эга.

Бошқарув фаолиятининг самарадорлиги нуқтаи назаридан қарорлар қуйидаги турларга бўлинади: стратегик ва оператив.

Стратегик қарор - бу корхонанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган мақсад ва миссияларнинг шаклланиши.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу қарорлар корхонанинг фаолиятидаги янгича ёндашувлар, кескин бурилишларни силлиқ ўтишини таъминлайди. Стратегик қарорлар корхона, ҳудуд, соҳа даражасида қарорлар жамиятдаги янги манбаалар ҳисобига бутун иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Оператив қарорлар бу моҳияти бўйича хўжалик бошқарув қарорларидир. Улар бошқариладиган объектни узлуксиз ишлаш жараёнини қўллаб-қувватлаши учун жорий шахсий муаммолар бўйича қабул қилинади. Яъни, унинг мураккаб механизмини структура ва ўзаро алоқаларни ўзгартирмасдан ушлаб туришдир. Бу қарорларни раҳбар махсус тайёргарликсиз етарлича тез қабул қилади. Бундай қарорларга ходимларни ишга олиш ва бушатиш, уларнинг иш ҳақларини ўзгариши, корхона кишига тайёрлаш ҳақидаги ва шу каби ҳужжатларни киритиш мумкин.

Ҳаракат доираси бўйича бошқарув қарорларини иқтисодий, ташкилий, ижтимоий, техник ва технологик қарорларга бўлиш мумкин.

Шунингдек, бошқарув қарорлари бошқарув даражаси бўйича ҳам қуйидаги босқичда бўлинади: уста, участка бошлиги, цех бошлиги, ишлаб чиқариш бошлиги, корхона ва бирлашма раҳбари, вазир...

Қарорлар таъсир қилиш йўналиши бўйича ташқи ва ички бўлади. Ташқи қарорлар бошқа даражага қаратилади, ички қарорлар эса алоҳида бўлимлар ёки корхонани қамраб олади.

Бошқарув қарорлари функционал мазмуни бўйича иқтисодий, ташкилий, координатсион, рағбатлантирувчи, бошқарувчи ва назорат қарорларга бўлинади.

Қайта ишлашни ташкиллаштириш бўйича шахсий, ҳамкасбий ва малакавийларга бўлинади. Шахсий қарорлар раҳбарнинг жамоадаги келишувисиз ва муҳокамасиз ёки алоҳида шахслар томонидан ишлаб чиқарилади. Купинча булар корхона тараққиёти йўлидаги принципиаль муаммоларга даҳли бўлмаган оператив қарорлардир. Ҳамкасб қарорлари асосан моддий тайёргарлик талаб қиладиган, бир гуруҳ мутахассислар ва раҳбарлар томонидан ишлаб чиқариладиган ва қабул қилинадиган қарорлардир. Улар ҳар томонлама мазмунга эгадирлар. Жамоа қарорлари мансаб ёки ходимлардан қатъий назар бугун иштирокчилар томонидан умумий мажлисда ишлаб чиқарилади. Бундай қарорлар ишлаб чиқаришнинг баҳоли саволларини кўриб чиқишда қабул қилинади.

Мехнат тури бўйича қарорлар стандарт ва ностандарт қарорларга бўлинади. Стандарт, баъзан дастурий қарорлар - бу қарорларнинг ўзини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш жараёнидаги қарорлардир. Дастурлаш ва уни қабул қилиш жараёнидаги қарорлардир. Дастурлаш мумкин бўлган қарорлар орасида шундай стандарт босқичга етдики, уларни математик модел шаклида тасвирлаш мумкин. Яъни ЭХМнинг техник ишига аҳамиятли қисмни киритиш имконияти туғилади. Ностандарт қарорлар - бу энг мураккаб, асосий қарорлар, ҳам қилинадиган муаммога ижодий ёндашиш учун кенглиги билан ажралиб туради. Ижодий қарорлар ҳар доим жадаллик ва янгиликда намоён бўлади. Бироқ ностандартликнинг характери дикқат билан таҳлил қилиш зарур. Чуқур, кенг таҳлилда бу ҳолларни унчалик ва янги эмаслигини кўриш мумкин, агарда уни бир қатор алоҳида муаммоларга бўлиб чиқса.

Шу тариқа бошқарув қарорлари инсон фаолиятининг ҳар қандай доирасида ташкилий бошланиши бўлиб ҳисобланади. Унинг асосида қонунлар тасдиқланади.ю материал-техник, молиявий ва меҳнат ресурслари ишлатишни режалаштириш, ижрочилар ва раҳбарлар маъслияти оширилади ва мақсадга етишиш йўлида уларнинг ўрни белгиланади.

10.2. Бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар.

Бозор муносабатлари мезонида бошқарув қарори менежментнинг бош омили ҳисобланади, қайсики унда корхона, тармоқ тараққиётининг бутун иқтисодий ва ижтимоий муаммолари кесишадиган ва бир жойда тўпланади. Бошқарув қарорларининг самарасига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- Раҳбариятнинг ёки гуруҳнинг шахсий сифатлари;
- Қарорни ишлаб чиқишдаги шароитнинг ахборот таъминоти;
- Ташкилий характер омиллари (қарорни ишлаб чиқишда мутахассисларни таклиф қилиш, усуллар тизими ва қабул қилинган қарорни бажарувчиларга етказиш шакли, назорат тизими ва х.к.);
- Техник омиллар (ЭХМ техник воситаларидан фойдаланиш ва х.к.);
- Қарорни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишдаги вақтинчалик омиллар.

Бундан келиб чиққан ҳолда бошқарув қарорларига асосий талаблар қўйидагилардир:

1. Қабул қилинадиган қарорнинг демократлиги;
2. Илмий асослаш;
3. Аниқ йўналганлик;
4. Аниқ йўналтирилганлик;
5. Вақт бўйича қисқалик ва конкретлик;
6. Қарорни бажариш оперативлиги.

10.3. Бошқарув қарорларини тайёрлаш жараёни ва қабул қилиш босқичлари.

Менежмент амалиётида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашнинг кўплаб шакл ва методлари йиғилган. Саволларнинг мураккаблиги ва мазмунига қараб, бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул

қилишда, иқтисодий таҳлил, экспорт баҳоларни каби усуллардан фойдаланишдан раҳбар фаолият ҳаракатининг кетма-кетлигини умумий схемаси мавжуд, уни билиш конкрет қарорлини кўриб чиқишга ёрдам беради. Қарор қабул қилишдан олдин раҳбар қуйидагиларни аниқлаб олиш шарт.

1. Ҳаракат мақсади ва унга эришиш йўллари.
2. Муаммонинг муҳим тарафларини;
3. Керакли моддий, пулли ва меҳнат ресурсларини;
4. Бажарувчиларнинг вазифаларини;
5. Вазифа бажарилишини ташкил этиш тартибини.

Менежментга қарорларни қабул қилиш хос, чунки ҳар бир раҳбар фаолияти, у қабул қилган қарорларда акс этади. Бошқарув қарорлари жамоа демократияси ва ўзини бошқариш принципи асосида коллективни қарор қабул қилишда катнашувида амалга ошади. Ўзини бошқариш асосида ишлаб чиқариш кучларининг бирлаштириши ва улар фикрларни ривожига олиб келади.

Ташкилот фаолияти билан боғлиқ бошқарув қарорлари бевосита раҳбар томонидан ишлаб чиқилади, бу қарорлар ташкилот мезони ва қонунчиликка зид келмаслиги керак. Жамоа «совети» қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқирилишининг барча босқичларида фаол иштирок этади. Ҳар бир мураккаб қарорларни қабул қилиш жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Мақсадни аниқланиши, муаммони тушуниш ва керакли ахборотни йиғиш;
2. Йиғилган ахборотни классификация қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, яъни ахборотни қайта ишлаш;
3. Қарорларни турли вариантларини ишлаб чиқиш;
4. Вариантларни таҳлил қилиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш;
5. Охирги ва оптимал вариантни қабул қилиш;
6. Ҳар бир қарорни керакли шаклда ҳужжатлаштириш;
7. Қарорларни муҳрлаб қўйиш;
8. Қарорни бажарувчига қўйилиши;
9. Қабул қилинган қарорлар бажарилишини ташкил қилиш;
10. Қарорни бажарилишини назорати ва ҳисоби.

Ҳар бир босқични кўриб чиқамиз:

1) Биринчи босқичда коллективдаги ижтимоий-иқтисодий жараёни таҳлил қилиш асосида амалга ошади. Бу босқичда раҳбар ва коллектив орасидаги ўзаро муносабатига боғлиқ, раҳбарни бу босқичда ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида раҳбар ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга катта эътибор бериши керак;

2) Иккинчи босқичда йиғилган ахборот классификацияланади, таҳлил қилинади ва баҳоланади. Бу босқич мураккаб жараён бўлиб малака, билим ва тадбиркорликни талаб қилади;

3) Учинчи босқичда ахборотни йиғиш давом этиб, унинг ҳақиқий имкониятлари баҳоланиб, бир неча ўзаро алмашувчан вариантлар, яъни альтернативалар ишлаб чиқилади. Альтернатив вариантлар масъул шахслар томонидан ишлаб чиқилиб бевосита раҳбар назорати остида бўлади.

4) Тўртинчи босқичда альтернатив қарорларнинг таҳлили ва ҳар томонлама муҳокамасида қарорлар ишлаб чиқилади. Қанчалик альтернатив кўп бўлса, шунчалик қарорни оптимал вариантыни тайёрлаш самарали бўлади. Бошқарув қарорларнинг турли вариантларини таҳлил ва баҳолаш одатда уларнинг таҳлили ва ҳисобини ЭХМда таққослаш орқали келади. Кейин диққат билан ҳар бир вариантнинг баҳосини кўриб чиқишади, шунинг асосида охириги ва оптимал вариант танланади. (5-босқич);

6-7- босқичларда, шунингдек кам аҳамиятли мазмунга эга бўлган, танланган қарорни аниқ тасвир бериладиган босқичдир. Бу жараёнда ҳужжатнинг икки қисми кўриб чиқилади: аналитик ва конструктив. Аналитик қисмида муаммони келиб чиқиш сабаблари, консруктивликда эса муаммони ечиш учун воситалар ва ресурслар, асосий йўллар ва услублар кўрилади. Қарор ишбилармон хусусиятига эга бўлиши керак. Бошқарув қарорлари амалиётда умумий сўзлар билан кўпинча ишланади (мажбур қилмок, талаб қилмок, кўрсатмок, назарда тутмок ва х.к.).

Охириги ва энг зарур босқич бу 8.3. ва 10 босқичлар бўлиб, улар қабул қилинган қарорни батафсил жараёнини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир. Бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнини аниқ тизимли ёндашишни назорат қилишни талаб қилади:

- ахборотнинг ягона комплекс тизимини яратиш. У ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисмларини қамраб олади, ўз вақтида ва аниқ корхонанинг иқтисодий. Ижтимоий-психологик ахволини тавсифлаш;

- муаммолар ечишни тезлаштириш иктва ижтимоий психологик муҳитлар унинг ўзгариши билан боғлиқ;

- алоҳида бўлмаган ва шу билан биргаликда барча вариантли ечимлар таҳлили;

- ишлаб чиқаришга таъсир қиладиган кучларни аниқлашгина эмас, балки улар самарадорлигини ҳам;

- таҳлил қилиш учун оператив, ҳисоб-китоб ва статистикадан фойдаланиш (схемага қаралсин).

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш схемаси



10.4. Бошқарув қарорларини (оптимизациялаш) усуллари ва уларни бажарилишини ташкил этиш.

Бошқарув қарорларининг асоси деб оптимал вариантга энг яқин бўлган, энг зўр вариант қабул қилинади. Бу вариант меҳнатни, молиявий-техник ресурсларни ва вақтни энг кам сарф қилинган ҳолда, корхонадаги мавжуд ҳолат ҳақидаги мантикий ахборотларни йиғиб, таҳлил қилиш орқали келиб чиқади.

Оптимал қарорни ёки унга яқин қарорни танлашда керакли усул ва услубни қўллаш даркор. Бошқарув амалиётида қарорларни қабул қилиш ва улар билан ишлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- * тизимли-иқтисодий ва ижтимоий таҳлил, статистик жавоблар ва баҳолар усули;

- * вариантли қаторларнинг, яъни режа - ишлаб чиқариш каби моделларни таҳлили, ривожланиш тенденцияларини ва ишлаб чиқаришнинг мавсумий характерини аниқлаш усули;

- * тажриба жавобларини статистик таҳлилни ўз ичига олган, тажрибавий моделлаштириш усули. Ечилаётган муаммоларни, жараёнларни моделлаштириш усули, ЭҲМ ва иқтисодий-математик методлар орқали бажарилса, ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятидаги камчилик ва ютуқлари оптимал равишда кузатиш мумкин;

- * математик дастурлаш усули;

- * мақсадларни баҳолаш ва кутилаётган хавф назарияси усули. Бу усул ўқитиш ва мотивация назариясини ҳисобга олиб табиатни ўлчаш ва башорат қилиш учун ишлатилади;

- * моделлаштириш ва тадбиркорликка оид уйинлар усули. Бу усул ЭҲМ ишлатилишини тақозо этади;

- * Ноаниқлик шароитида индивидуал қарор қабул қилишга ҳар-хил ёндашишларни ўз ичига олган қидиришлар назарияси;

- * харажатлар усули. Бу усул яъни, ахборотлар йиғиш, таҳлил қилиш учун ишлатиш жуда кўп маблағ талаб этади, бунда бошқарувчи агар бу усул оптимал жавоб топишга ёрдам берса харажатлар олдида тўхташи керак эмас;

- * номаълум ва ноаниқ вазиятларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, одатда, мавжуд ишончли маълумотлар орқали амалга оширилади. Бу ҳолда қабул қилинадиган қарор корхона ўз олдига қўйган мақсадга боғлиқ. Баъзан қарор қабул қилиш иқтисодий-ижтимоий тизимининг ривожланиш қонуниятига ва тенденцияси, шунингдек таҳлилий ҳисоб-китоблар асосида амалга ошириш мумкин бўлади. Бошқа ҳолларда албатта муаммонинг чуқур таҳлили ва ҳар томонлама бирлашуви керак бўлади, яъни муаммонинг турлича қараб керакли таҳлил ва ҳисоб-китоблар ўтказилади;

- * қарор қабул қилиш жараёнини соддалаштириш бошқарув жараёнидаги меҳнат доирасини пасайтиради. Агар тизимли таҳлил доимо ўтказилса, қарорларни ишлаб чиқиш усули борган сари соддалашиб аниқ ҳолатга келади. Соддалашган ҳолдаги қарорлар қабул қилиш ва уларнинг самарасини баҳолаш кўпинча корхона фаолиятининг таҳлили такрорланувчи ҳолатида қўлланилади.

- * мутахассислар баҳоси, мутахассислар таҳлили асосида олинади. Бу нарса хатоларни олдини олиш учун қилинади. Шундан сўнг мутахассислар мавжуд

қарорлар рўйхати мавжуд фикрлар, таклифлар ва хулосалар билан танишиб чиқадилар ва ўзларининг якуний хулосаларини этадилар;

* Бир гуруҳ мутахассилар томонидан қандайдир қийин муаммони ижодий муҳокама қилиш. Бу усул жамоа тажрибалари ва жамоанинг билимлари бошқарувнинг ечимларига асосланиши билан бирга яхши ғояларнинг юзага келишига муҳит яратиш ҳамда муҳокамадаги иштирокчиларнинг яхши танланганлиги альтернатив ечимни топишга ва муаммони тўғри ҳал қилишга таъсир кўрсатади.

Қабул қилинган қарорларнинг мақсадга мувофиқ ҳолда бажарилиши учун ишлаб чиқариш жараёнида махсус мақсадга йўналтирилган дастурлар, тармоқли графикларни, матрицали бошқарув тизимини ишлаб чиқариш зарур. Бу маросимларнинг 3 та гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Қарорларни ўз вақтида бажарувчиларга етказиб бериш;

2. Кадрлар ва ресурслар оптимал жойлаштириш оператив заҳираларни шакллантириш;

3. Қарорларни бажарилишини назорат қилиш.

Биринчи гуруҳ маросим. Қарорларни ўз вақтида бажарувчиларга етказиб бериш. Бу ерда уни ўз ҳолига ташлаш мумкин эмас. Қарорларни бажарувчиларга бир ой-икки ойда етиб боришини кузатиш мумкин. Бу ҳолда у ўз фаоллигини ва мазмунини йўқотади. Чунки у кеч етиб боради.

Бажарувчиларнинг фикрларини кенг тарқалган шаклларида бири уларни қарор қабул қилишга жалб қилиш. Шу асосда ишлаб чиқаришнинг иштирокчилари қарор концепцияси ва масалалар ечимлари билан танишади. Баъзан шу мақсадда ишлаб чиқариш новаторлари ва сардорларидан комиссия тузилади. Келгусидаги ижро этувчилар қарорларни тайёрлашда иштирок этишади ва бу ечимларни ҳақиқатга яқинроқ қилишади. Чунки улар ишлаб чиқариш жараёнини четдагиларга қараганда яхшироқ билишади.

Шунингдек, коллектив ишчиларининг муҳокамада, семинарларда, ёки лойиҳа режалаштирини қабул қилишда қатнашишганида ижобий натижаларга эришади. Лекин, бу коллективлилик фақатгина айрим шартлар бажарилганда амалга оширилади, қачонки яккабошчилик ва аниқ персонал жавобгарликка эга бўлганда.

Иккинчи гуруҳ маросими – бу кадрлар ва ресурслар манёври шунингдек оператив резервлар. Ҳар бир ечим моддий таъминотга муҳтож бўлиб, одамларнинг қайта ориентацияси ва уларнинг қайта тайёрлашга ва алмаштиришга тўғри келади.

Шунинг учун ишлаб чиқаришдаги йирик дастурларнинг реализацияси ва ишлаб чиқаришни қайта кўриш ишларининг услуб ва формаларини кескин ўзгаришига олиб келади. Бу кадрлар структурасига ҳам таъсир кўрсатади.

Учинчи маросимлар гуруҳи – бу назорат, яъни чуқур малакали таҳлил. Тизимли назоратсиз юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Бошқарувнинг юқори даражасида, бундай назоратни ташкилот аниқ мақсадга ва керакли механизмга эришиш учун талаб қилади.

Таянч иборалар:

Қарор, ташкилий қарор, программалаштирилган қарор, программалаштирилмаган қарор, рационал қарор, қарор қабул қилиш мезони, таваккалчилик, аниқлик шарт, ноаниқлик шарт, эҳтимол.

Саволлар:

1. Бошқарув қарорлари қандай кўринишларга бўлинади?
2. Тезкор ва стратегик қарорлар нима билан фарқланади?
3. Бошқарув қарорлари самарадорлигига қандай омиллар таъсир этади?
4. Бошқарув қарорларига қандай талаб қўйилади?
5. Бошқарув қарорларининг илмий асосланганлиги деганда нимани тушунасиш?
6. Қарорни бажаришнинг яқунловчи босқичи деганда нимани тушунасиш?
7. Қарорнинг бажарилишини назорат қилишдан қандай фойдаланилади?

11 Мавзу: Стратегик режалаштириш ва уни амалга ошириш.

11.1 Стратегик режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари

11.2 Стратегик режалаштиришда муҳит таҳлили.

11.3 Стратегияларнинг турлари.

11.4 Корхона миссияси.

11.1 Стратегик режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари

Стратегик режалаштириш барча бошқарув вазифаларини ўзаро бирлаштириб, корхона бошқарувида асос яратганлиги ва унинг ривожланишини таъминлаганлиги учун ҳам менежментнинг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Стратегик режалаштириш корхонанинг ўз мақсадларига эришиш учун махсус стратегиялар ишлаб чиқилишидаги ҳаракатлар ва ҳулосалар тўплаш бўлиб ҳисобланади.

Стратегик режалаштириш жараёнида бошқарув фаолиятининг тўрт асосий тури мавжуд:

1. Ресурсларни тақсимлаш – бу жараён ўз ичига корхонанинг чекланган асосий фондлар, бошқарув қобилиятлари, тўпланган бошқарувли ва технологик тажрибалар каби ресурсларнинг тақсимланишини ўз ичига олади.
2. Ташқи муҳитга мослашиш стратегик фаолиятни тўла қамраб олади ва корхонанинг ташқи муҳит билан муносабатларини яхшиланишига хизмат қилади. Корхонадан ташқи муҳитнинг қулай ва ноқулай шароитларига ҳам мувофиқ келиши талаб этилади.
3. Ички мувофиқлашув, корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини ажратиб олиш ва шу орқали ички соҳаларнинг самарали интеграциялашуви билан боғлиқ стратегик фаолиятни ўз ичига олади.
4. Ташкилий стратегик олдиндан кўра билиш, менежерлар дунёқарашини ўтмишдаги стратегик ҳулосаларга таянган ҳолда ривожлантириб боришни амалга ошириш. Тажрибаларга таяниш корхона стратегиясини тўғри йўналтириш, ҳамда стратегик бошқарув қобилиятини ошириш имкониятини беради.

Стратегик режани ишлаб чиқишда корхона қуйидаги ишларни амалга ошириши зарур бўлади:



Умумий стратегик режани корхонанинг узоқ муддатли фаолиятини муайян йўналишга солувчи дастур сифатида қараш ўринлидир. Зеро, зиддиятли ва доимо ўзгариб турувчи муҳит корхона режасида мунтазам ўзгартиришлар киритишини тақозо этади.

Стратегик режани ишлаб чиқишда энг муҳими бу корхона мақсадларини танлаб олиш бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг бош мақсади, унинг фаолият юритишини таъминлайдиган мақсади бу унинг миссияси бўлиб ҳисобланади. Мақсадлар миссияни амалга ошириш учун ишлаб чиқилади. Миссиясиз корхона ўз фаолият йўналишини йўқотади ва бу мақсадларнинг ҳам амалга ошмай қолишига олиб келади.

Корхонанинг глобал мақсадлари миссияга асосланиб, ташкилотнинг қадриятлари ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда менежерлар таркиби томонидан ишлаб чиқилади.

Мақсадлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлса, уларни амалга ошириш мумкин бўлади:

- мақсадлар аниқ ва ўлчовли бўлганда;
- мақсадлар муайян вақтга мулжалланганда;
- мақсадлар корхона учун эриша оларли бўлганида;
- мақсадлар ўзаро боғлиқ ва бунда улар бошқа мақсадларнинг амалга оширилишига ҳалақит беришмаганида;

Мақсадларни ишлаб чиқиш жараёнини тўғри ташкил этиш қуйидагиларни талаб этади:

- корхона атроф муҳитидаги ўзига хос жиҳатларини юзага чиқариш ва уларни таҳлил этиш;

- корхона бўйича мақсадларни ўрнатиш;
- мақсадлар иерархиясини тузиш;
- индивидуал мақсадларни ўрнатиш;

Белгилаб олинган мақсадлар корхона, унинг бўлинмалари ва барча ходимлар учун қонун даражасига кўтарилиши лозим. Аммо мақсадлар доимо ўзгаришсиз қолавермайди. Улар ички ва ташқи муҳит таъсирида ўзгариб боради. Шунинг учун мақсадларнинг ўзгариш жараёни вазиятли характерга эга бўлиб ҳисобланади.

Корхонанинг мақсадли фаолият юритиши ва ривожланиши учун бир қанча мақсадлардан фойдаланилади.

Мақсадлар классификацияси.

Ўрнатилиш даври. Стратегик, ўрта муддатли, тактик.

Мазмуни. Иқтисодий, социал, ташкилий, техник, илмий, сиёсий.

Вазифавий тузилиши. Маркетинг бўйича, инновацион, ходимлар, ишлаб чиқариш, молиявий, маъмурий.

Ҳаётий цикл даври. Лойиҳа, юксалиш, объектнинг яратилиши, ҳаётий циклнинг тугаши, объектнинг ўсиши.

Муҳит. Ички, ташқи.

Обрў. Алоҳида обрўли, обрўли, бошқалар.

Ўлчови. Миқдорли, сифатли.

Такрорланиши. Доимий такрорланадиган, бир мартали.

Иерархия. Ташкилот, таркиби.

Мақсадларнинг вазифавий амал қилиши:

Вазифавий йўналтирилганлиги. Асосий мақсади.
Маркетинг. Бозорда ўз маҳсулотини сотиш бўйича етакчилик қилиш.
Ишлаб чиқариш. Бозордаги талабгир маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича энг юқори унумдорлик даражасига эришиш.
Инновациялар, илмий- янги турдаги маҳсулотни яратиш бўйича Техникавий изланишлар. олдинга чиқиш ва маҳсулотни сотишдан тушган тушумнинг бир қисмини илмий-техникавий изланишларга ажратиш.
Молия. Молиявий ресурслар миқдорини саклаб туриш ва уларни тўлдириш.
Ходимлар. Ходимларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш учун шароит яратиш бериш ва уларни меҳнатга бўлган муносабатларини яхшилаш.
Менежмент. Бошқарувнинг энг муҳим жиҳатларини аниқлаш ва режадаги натижаларга эришишдаги асосий вазифаларни белгилаб олиш.

11.2 Стратегик режалаштиришда муҳит таҳлили.

Ташқи муҳит таҳлилини корхона тўғридан – тўғри таъсир кўрсатолмайдиган ташқи муҳитнинг тармоқ, бозорлар, таъминотчилар ва бошқа шу сингари субъектлари ва омилларининг ҳолати, уларнинг ривожланиб

боришини баҳолаш сифатида тушуниш талаб этилади. Ташқи муҳитни таҳлил этиш орқали стратегик режани ишлаб чиқишда ташқи омиллар назорат қилинади, ташқи хавфлар ва янги имкониятлар аниқланади.

Ташқи муҳит омилларини таҳлил этиш билан корхона ушбу муҳитнинг ривожланиш анъаналарини ўрганиб олиш имконига эга бўлади. Бунда:

- Иқтисодий омилларни таҳлил этиш билан инфляция суръатларининг ўзгариши, солиқ ставкалари, халқаро тулов баланси, аҳолининг иш билан бандлилик, корхонанинг тўловга қодирлилик даражаси ва бошқалар ўрганилиб чиқилади.

- Сиёсий омилларни таҳлил этиш орқали давлатлар ўртасидаги савдо таърифлари, божхона сиёсати халқаро қонун меъёрлари бўйича иқтисодиётни бошқариш, давлатнинг монополияга қарши сиёсати ва бошқалар бўйича тасаввурга эга бўлиш мумкин.

- Бозор омилларини таҳлил этиш билан демографик шароитларнинг ўзгариши, аҳолининг даромадлари даражаси ва уларнинг тақсимланиши, турли товарларнинг ҳаётӣ цикли, рақобат даражаси, бозор ҳажми ва бошқалар ўрганилади.

- Технологик ташқи муҳитни таҳлил этиш ишлаб чиқариш технологияларининг ўзгаришини, компьютер технологияларининг қўлланилишини, маълумотли технологиялардаги ўзгаришларни кўзда тутишлари лозим бўлади.

- Рақобатчилик омилларини таҳлил этиш корхона раҳбарларини рақобатчилар устидан доимо назорат қилишни талаб этадики, бу рақобатчилик хавфини бартараф этиш имкониятини беради.

- Социал омиллар ўз ичига жамиятнинг ижтимоӣ қадриятлари, кишилар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг орзу-истаклари, ҳуқ атворларидаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Айниқса, иқтисодий беқарорлик даврида социал муҳитда талайгина муаммолар юзага келадики, бу корхона учун катта хавф туғдиради. Бу муаммоларни самарали ҳал этиш учун корхона муҳитга мувофиқ ўзгариши, унга мослашуви талаб этилади.

- Халқаро омилларни таҳлил этиш корхоналар устидан давлат монополиясини бекор қилиниши ва ташқи савдо алоқаларида давлат ҳукмронлигини тугатилиши билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунда миллий бозорни ҳимоя қилиш, мамлакат ҳудудида хорижий рақобатчилардан ҳимояланиши, халқаро савдо ташкилотларининг фаолияти каби давлат сиёсати ўз ифодасини топади.

Ташқи муҳит таҳлили корхона келажақда тўқнаш келиши мумкин бўлган хавф ва имкониятлар рўйхатини тузиш билан тугалланади.

Ички муҳит таҳлили бошқарувли тадқиқотлар ёрдамида корхонанинг барча бўғинлари бўйича комплекс изланишларни олиб бориш асосида ташкил этилади. Стратегик режани ишлаб чиқишда изланишлар асосан корхонанинг беш бўғини бўйича олиб борилади:

- Маркетинг бўлимини таҳлил этиш орқали, корхонанинг бозор улуши, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, хилма-хиллиги ва ассортимент сифати,

бозор демографияси, миждозларга хизмат кўрсатиш, реклама, фойда ва бошқалар ўрганилади.

- Молия бўлими бўйича – корхонанинг молиявий ҳолати таҳлил этилади, молиявий барқарорликка эришиш имкониятлари ва уларнинг кучсиз томонлари, четдан молиявий ресурсларни жалб этиш имкониятлари таҳлил этилади.

- Ишлаб чиқаришда – корхона харажатлари ва уларни камайитириш имкониятлари, технологиялар, самарали бошқарув, сифатни назорат қилиш тизими, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш фаолияти таҳлил этилади.

- Ходимлар бўйича – келгусида тажрибали ходимлар билан корхонани таъминланиши, мавжуд меҳнат ресурсларини баҳолаш ва у асосида стратегик мақсадларнинг бажарилиш имкониятлари таҳлил этилади.

- Корхонанинг ташкилий маданияти ва имиджи бўйича таҳлилда жамоанинг ҳуқ-атвори, руҳий муҳити асосида унинг маданияти аниқланса, оммавий сўров йўли билан унинг имиджига баҳо берилади ва корхона маданияти билан имиджни стратегик вазифаларга мувофиқ шакллантириш зарур бўлади.

Ташқи ва ички муҳит таҳлили корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаб олиш, муҳимлилик даражасига кўра уларни тақсимлаб чиқиш ва шу асосида корхонанинг вазифавий ҳудудини белгилаб олиш имкониятини беради. Стратегик режани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда ушбу омилларга таяниш, баъзиларини эса стратегик мақсадга мувофиқ ўзгартириш ҳам мумкин бўлади. Оммавий таҳлил корхонанинг фаолият соҳасини аниқлаш имконини беради.

Соҳа - бу корхонанинг ихтисослашганлигини, ташкилий – техник даражасини, бошқарув тизими ва ташкилий тузилмасини характерлайдиган комплекс баҳоси ҳисобланади. Соҳа корхонанинг бизнес фаолияти бўйича изланишлар олиб бориш орқали аниқланади. Унинг бозордаги ҳолати, ишлаб чиқариш қувватлари ва иш кучини қўллаш интенсивлиги, техника – технология даражаси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув ташкилий тузилмаси, ташкилий маданияти ва бошқалар корхона соҳасидан дарак беради. Стратегик режа корхонанинг якуний соҳасига асосланади ва раҳбариятнинг ташаббуси билан уни ўзгартирилиши мумкинлиги кўзда тутилади.

Стратегик муқобилликни ишлаб чиқиш ва унинг таҳлили: Ишлаб чиқиш; якунлаш; таҳлил; баҳолаш босқичларидан иборат.

Биринчи босқичда – белгиланган мақсадларга эришишга имкон берувчи стратегиялар яратилади. Бунда, стратегияларнинг бир қанча муқобил вариантларини қайта ишлаб чиқиш, мутахассисларни жалб этиш ва имкон даражасида энг мақбул йўналишни қўлдан чиқармаслик лозим бўлади.

Иккинчи босқичда – танланган стратегия корхона мақсадларига мувофиқ келиши даражасида қайта ишланади ва умумий стратегия шакллантирилади.

Учинчи босқичда – танлаб олинган умумий стратегиянинг муқобиллари таҳлил этилади ва уларнинг асосий мақсадга эришувчанлик даражаси бўйича

баҳоланади. Корхонанинг ҳар бир фаолият бўғинлари бўйича хусусий стратегиялар ишлаб чиқилади.

Стратегияларнинг мукобил вариантларини танлаб олиш жараёни қуйидагича тайёргарлик ишларини олиб боришни тақозо этади:

- корхона ҳолатини ва ҳозирги вақтда қандай стратегиялар амалга оширилаётганлигини таҳлил этиш орқали жорий стратегияни аниқлаб олиш.

- корхонанинг бозор фаолияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хилма- хиллиги, баҳо даражаси ва бозорни кенгайтириш имкониятлари билан боғлиқ ташқи омилларни ўрганиш.

- рақобатчилар, бозор талабининг ўзгариб бориши, турли хавф – хатарлар билан боғлиқ ташқи омилларни ўрганиб бориш.

- корхонанинг мақсадлари, молиявий ҳолати, ресурслар захираси, инновацион соҳасидаги янгиликлар, бошқарув тизими ва ходимларни бошқарув сиёсати, ишлаб чиқариш имкониятлари даражаси, маркетинг каби ички омилларни ўрганиш.

- буюртмалар портфелини таҳлил этиш.

11.3 Стратегияларнинг турлари.

Стратегияларнинг асосий турлари.

Стратегиялар	Стратегиялар қуйидаги ҳолатларга кўра қўлланилади.	
	Ташқи муҳит.	Ички муҳит.
Глобал стратегиялар. 1.Харажатларни камайтириш стратегияси.	Баҳо орқали рақобатлашувнинг кучайиши ва товарнинг кучсиз бозор мавқеи.	Ишлаб чиқариш харажатларини бошқарув тизимининг йўқлиги, корхона молиявий ҳолатининг қониқарсизлиги.
2.Фокусирован стратегияси.	Корхона маҳсулотини сотиш ҳажмини купайтириш учун қулай шароит вужудга келди.	Корхонада бошқарув ва харажатларни қисқартириш тизими мавжуд маҳсулот рақобатда устунликка эга.
3.Дифференция стратегияси.	Бозорда сотишни рағбатлантириш харажатлари орқали сотув ҳажмини ошириш имкониятлари мавжуд.	Маҳсулот рақобатчиларига кўра фарққа эга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти бор. Харажатларни қисқартириш масаласида корхона иш олиб бормоқда.
4.Инновацион стратегиялар.	Бозорда товар мавқеининг суствлиги, уни янги маҳсулот билан алмаштириш зарурлиги.	Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва «ноу-хау» сотиб олиш учун резервлар мавжуд.
5.Тезкор ҳаракатланиш	Бозорда товарнинг вақтинча монополлик	Қўшимча харажатларсиз ишлаб чиқариш ҳажмини

стратегияси.	ҳолати мавжуд.	ошириш имкониятлари мавжуд.
Корпоратив стратегиялар. 6.Боғлиқ диверсификация стратегияси.	Бозорда бир нечта товар сегментларини эгаллаш учун қулай имкониятлар мавжуд.	Корхона янги корхоналар сотиб олиш ёки уларни яратиш ҳисобидан бизнес фаолиятини кенгайтириш имкониятига эга.
7. Боғлиқсиз диверсификация стратегияси.	Корхона бозорнинг бир неча сегментида фаолият юритади ва уларнинг ҳар бирида ҳолат мунтазам ўзгариб туради.	Харажатларни бошқариш тизими мавжуд, маҳсулот ҳаётий циклининг турли даврларида яшамокда, инновацион фаолият доимо қувватланади.
8.Капиталларни сафарбар этиш стратегияси.	Корхона маҳсулоти кетидан кўзланган фойдани ололмабди.	Маҳсулотга бўлган талабнинг кескин камайиб кетиши орқали,корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашди.
9.Йўналишни ўзгартириш стратегияси.	Бозорда маҳсулот рақобатбардош эмас.	Харажатларнинг юқорилиги, менежментнинг кучсизлиги, маркетингнинг етарлича фаол эмаслиги, молиявий заифлик.
10.Халқаро диверсификация стратегияси.	Ички бозорда барча имкониятлар қўлланилди. Халқаро бозорга чиқиш учун қулай имкониятлар мавжуд.	Маҳсулот янги ва бозорда рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.У халқаро талаблар даражасига жавоб беради. Маҳсулотни янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд.
Функционал стратегиялар. 11.Хужум ва ҳимоя стратегияси.	Бозорда корхоналар ўртасида рақобат кураши янада кескинлашган.	Корхона харажатларни бошқариш тизимига, кучли менежментга, фаол маркетинга, инновацион салоҳиятга эга.
12. Вертикал интеграция стратегияси	Бозорда ресурслар таъминотчилари ва истеъмолчилар ўртасидаги рақобат кескинлашган.	Корхона етарлича молиявий ресурсларга ва кучли менежментга эга.
13. Кризис ҳолатидаги корхоналарни ҳимоя қилиш стратегияси.	Бозорда корхоналарнинг мавқеи заиф, кучли рақобат мавжуд.	Агар корхона етарлича молиявий ресурсларга ва харажатларни бошқариш тизимига эга бўлса, ҳимоялаш стратегиясини

		қўллаши, заиф молияга эга бўлганда агрессив ҳимоя стратегияси қўлланилади.
--	--	--

Таянч иборалар: Стратегик режалаштириш, ташқи муҳит, менежерлар дунёқараши, стратегик бошқарув, корхона стратегияси, мақсадлар, ички ва ташқи муҳит, мақсадлар классификацияси, инновациялар, иқтисодий омиллар, рақобатчилик омиллари, ишлаб чиқариш, бозор талаби, сотув ҳажми.

Саволлар:

1. Стратегик режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Стратегик режалаштириш жараёнида бошқарув фаолиятининг қайси турлари мавжуд?
3. Мақсадлар классификациясини тушунтириб беринг.
4. Корхонанинг ташқи ва ички муҳитини таҳлил қилишда қайси омиллар ҳисобга олинади?
5. Стратегиянинг қайси турларини биласиз?
6. Стратегиянинг муқобил варианты деганда нимани тушунаси?

12 Мавзу: Ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқариш усуллари.

12.1. Ишлаб чиқариш жамоаси ҳақида тушунча.

12.2. Ишлаб чиқариш жамоасининг ташкил топиши.

12.3. Бошланғич ишлаб чиқариш жамоасининг ижтимоий-психологик иқлими.

12.1. Ишлаб чиқариш жамоаси ҳақида тушунча.

«Коллектив» сўзи инглизча сўздан олинган бўлиб бутунлик, жамоа деган маънони билдиради. Ишлаб чиқариш жамоаси деганда эса корхоналардаги раҳбарлардан тортиб оддий ишчиларгача тушунилади.

Ишлаб чиқариш жамоаси корхона фаолиятини самарали олиб боришга бевосита таъсир этади. Корхона раҳбари жамоа бошлиғи ҳисобланиб иш фаолиятини бошқаради, ҳамда уни қай даражада олиб бораётганини назорат қилади.

Жамоа орасида тўғри ва тескари алоқа мавжуд бўлиб, раҳбар ходим жамоа орасида ҳар бир ходим билан бўлган алоқаси тўғри алоқа дейилади, яъни уларнинг иш вақтидаги, оила шароитидаги ҳолатларидан хабардор бўлган ҳолатда мулоқотда бўлади.

Жамоа доимо бир-бирлари билан оқил, бирдамлик, ўзаро ёрдам принципларига асосланган ҳолда алоқада бўлади.

Меҳнат жамоасининг таркибига мақсадларнинг бирлиги, ўртоқларча ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатлари билан бирлашган жамият ўз ихтиёрига бериб қўйган захиралардан жамият барча аъзоларининг фаровонлигини ошириш ва ҳар томонлама камол топиш манфаатлари йўлида биргалашиб фойдаланиш йўллари билан зиммаларига юкланган вазифаларни ҳал қилиш

учун ўзларининг куч ғайратларини онгли равишда йўналтирувчи ходимлар киради.

Жамоада ходимлар ишлаб чиқариш жараёнини бевосита амалга оширадилар. Ишлаб чиқариш жамоаси моддий бойликларни вужудга келтириш билан бевосита машғул бўлган кишиларни бирлаштиради.

Ишлаб чиқариш жамоаларини ривожлантиришни комплекс режалаштириш жамоанинг социал структурасида прогрессив ўзгаришлар қилишга, меҳнат шароитини такомиллаштиришга, ходимларнинг маълумоти ва малакасини оширишга, уларнинг социал-маданий ва уй-жой маиший шароитларини яхшилашга, уларга олий даражада хизмат кўрсатиш, ишчиларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга раҳбар жавобгар ҳисобланади

Меҳнат жамоаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида қатнашар экан, энг кам сарф харажат қилган ҳолда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, муайян иш ҳажмини бажаришга интилоғи зарур.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш корхона жамоаларининг меҳнат фаолиятини фаоллаштиришга ҳамда бошланғич ишлаб чиқариш бўғинлари-участкалар ва цехларни бошқаришни такомиллаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, усталар бу вазифани ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдилар.

Усталарни ва цех бошлиқларининг ишни янада яхшилаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳамда заҳираларни аниқлашга ёрдам беради.

Усталар ва цех бошлиқларининг ишини янада яхшилаш, ишни муваффақиятли амалга ошириш учун бўлинмаларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳамда уни оширишнинг асосий йўллари чўқур таҳлил қилишлари зарур. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги даражасини тўғри белгилаш илмий режалаштиришнинг зарур шарт-шароитларини, ҳўжаликни тўғри олиб бориш ва иш сифатини тўғри баҳолашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилаш учун кўрсаткичларнинг шундай тизими бўлиши зарурки, бу тизим бошқарувнинг турли даражаларида ишлаб чиқаришнинг натижаларида баҳолашга бир хилда ёндошишни таъминлашда ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар қайсики, улардан ҳар бири ва ҳаммасини бирга қўшганда қандай таъсир этади, деган саволларга жавоб бериши керак.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ёрдамида қанча иқтисод қилинганлигини улчаш, ҳозирги ва ўтган даврда маҳсулот бирлигига қилинган сарфларини таққослаш келгусида қанча меҳнатни тежаш мумкинлигини аниқлаш мумкин. Бироқ, самарадорликни бирдан-бир кўрсаткичи меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи эмас, балки маҳсулот бирлигига материал, фонд ва капитал маблағ сарфи ҳам катта аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлиб, бир бутун тизимни ташкил этади. Чўнки улардан ҳар бири ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни турли томондан акс эттиради. Завод ичидаги бўлинмаларнинг фаолиятини баҳолаш учун шунингдек самарадорлик кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Бўлинмалар ишининг натижаларига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли цехлардаги

ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари умумзавад кўрсаткичларига мувофиқ келиши шарт. Ҳар бир ишлаб чиқариш жамоаси раҳбарнинг иш вақтидан фойдаланишни яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиши биринчи даражали аҳамиятга эга. Сиёсий-тарбиявий иш олиб бориш ва меҳнаткашларнинг маданий-техникавий даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарурдир. Ишлаб чиқаришда кадрларни ўз жойига қўйиб ишлата билиш раҳбарнинг тадбиркорлигини кўрсатади.

12. 2. Ишлаб чиқариш жамоасининг ташкил топиши.

Меҳнат соҳасида ижтимоий бирликнинг асосий кўриниши меҳнат жамоаси дейилади. Меҳнат жамоаларидаги меҳнаткашларнинг ўзаро муносабатлари, меҳнат жараёнидаги ижтимоий жараёнлар ва меҳнат муносабатлари шулар жумласига киради. Меҳнат муносабатлари меҳнат жараёнидаги иштирокчилар ўртасида юзага келиб, истеъмол қийматини яратиш ва меҳнат кооперацияси, ҳамда меҳнат тақсимоти асосида содир бўлади.

Меҳнат социологиясида ўзаро алоқадорлик тушунчаси қўлланилиб, у икки асосий муносабатни ўз ичига олади. Булар ўзаро ҳамкорлик ва рақобатдир. Ўзаро ҳамкорликда турлича ижтимоий қизиқишлар манфаатларга зид келади, Бу ғояларни ўрганиш айниқса ҳозирда Республикамизда хусусий мулкчилик шаклланаётган, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни таркиб топиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш жамоасининг таркиби расмий ва норасмий бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш жамоасида асосан расмий таркиб катта роль ўйнайди. Расмий ёки функционал таркиб ишловчиларнинг ишбилармонлик ва бошқа сифатларига боғлиқ ҳолда жамоада мавжуд меҳнат тақсимотини акс эттиради ва маъмурий жиҳатдан буйруқ, қоида, фармойишларда белгиланган мажбуриятлар тақсимоти бўйича тузилади. Расмий таркиб мажбуриятлар рўйхати ва уларни ҳар бир жамоа томонидан бажарилиши тартибини белгиланиши билан характерланади. Ишловчиларнинг ўзаро таъсири белгиланган тартиб-қоидалар асосида амалга ошиши керак.

Норасмий ёки ижтимоий-психологик таркиб шахсий майл ва хуш кўрмаслик, қизиқишлар умумийлиги, характерлар ўхшашлиги, жамоат обрўсига эга бўлиши асосида вужудга келадиган норасмий муносабатларни акс эттиради. У кишиларнинг руҳий ва ахлоқий хусусиятларига таъсири остида вужудга келади.

Ижтимоий-демографик таркиб жамоанинг ёши, жинси, миллий ва бошқа жиҳатлари бўйича таркибини акс эттирса, касб малака таркиби касб ва малакага эга бўлиши даражасини кўрсатади.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат қилиш ҳуқуқи мустақил давлатимиз ишчи ва хизматчилар, раҳбар ходимларнинг асосий меҳнат ҳуқуқларидан биридир. Асосларга мувофиқ соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаб бериш маъмурият, раҳбар ходим, меҳнат шароитини таъминлаб бериш маъмурият, раҳбар ходим, касаба уюшмалари зиммасига юклатилади.

Раҳбарият техника хавфсизлигини ишлаб чиқаришида кўп харажатга йўл қўйилмайдиган замонавий воситаларни жорий қилишга, касб касалликлари

билан оғришини олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини таъминлаб беришга мажбур.

Корхонада хизмат қилаётган ишчилар ўз ҳуқуқларини тушуна билиши ва ўз ҳуқуқларидан унумли фойдалана билмоғи керак. Аввало ўз ҳуқуқидан маҳрум қилинганда тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш керак. Башарти корхона маъмурияти ходимнинг талабини асосли деб топса, у бу талабни тўлалигича қондириши лозим.

12.3 Бошланғич ишлаб чиқариш жамоасининг социал -психологик иқлими.

Бизга маълумки, инсон психологиясини ўрганиш жуда мураккаб масаладир. Раҳбар жамоа аъзоларини ўзига қарата олиши, улар билан тил топиша олиши бу катта санъатдир. Шунинг учун раҳбар кучли психолог бўлиши лозим. Шу сабабли раҳбарнинг асосий мақсади ва вазифалари жамоаларда ижтимоий-руҳий иқлимни яхшилаши лозим. Жамоа аъзолари орасидаги низоларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришнинг қониқарсиз ташкил қилинганлиги, раҳбарларнинг иш шароитида ўзига бўйсинувчи жамоа аъзоларининг руҳий ҳолатларини ҳисобга олмаганлиги, зарур иш шароитининг яратилмаганлиги ва бошқа сабаблар натижасида вужудга келади.

Ижтимоий - руҳий вазият - бу корхона ва ташкилот ходимларига таъсир қилувчи кўпгина омилларнинг таъсиридан келадиган жамлама самарадир. У меҳнат қилиш жараёнида, ходимларнинг муомаласида, уларнинг шахслараро ва гуруҳий алоқаларида ўз ифодасини топади. Бу муносабатларнинг нормал вазияти ҳар бир ходимга ўзини жамоанинг бир зарраси деб ҳис қилиш имконини беради, унинг ишга бўлган қизиқишини ва зарур руҳий кайфиятини таъминлайди, ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларга адолатли баҳо беришга ундайди.

Жамоанинг ижтимоий-руҳий вазияти учта асосий таркибий қисмдан иборатдир: ходимларнинг руҳан мос келиши, уларнинг ижтимоий интилишлари, ахлоқий тарбияланганлигидир. Бу таркибий қисмлар инсоний муомаланинг энг нозик торларига, ақл-идрок, ирода ва ҳис-туйғуларга тааллуқли бўлади, кўп жихатдан шахснинг фойдали ишига, ижодий фаолиятига, бошқалар билан ҳамкорлик қилиши ва жипслигига ёрдам беради. Ижтимоий-руҳий вазият ходимларнинг биргаликда меҳнат қилиши ва бир-бирларига муносабатини ифодалаб, биринчи ўринга шундай сабабларни, чунончи, моддий рағбатлантириш ва иқтисодий фойда каби омилларни қўяди, ва натижада, ходимни рағбатлантиради, унда куч-қувватнинг ортишини ёки пасайишини, меҳнатга ғайратини ёки унга қизиқмасликни, ишдан манфаатдорлигини ёки бефарқлигини ифодалайди.

Демократлаштириш, ошкоралиқ ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида барча эски услубларга чек қўйилди. Ҳозирги шароитда раҳбар фақат ўз соҳасини яхши билибгина қолмай, балки яхши ташкилотчи, психолог, тарбиячи ва ижтимоий етакчи бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ходим: социология, психология, педагогика фанларини мустақил эгаллаши лозим. Буни ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар, инсон омилининг фаоллашуви,

жамоаларнинг ўз-ўзини бошқариш шароитида улар билан ишлашни тақозо этади. Жамоага аъзо бўлган ҳар бир шахснинг қалбига йўл топа билиши раҳбарнинг иш фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

Раҳбар, айрим характери оғир, ишчилар билан алоҳида ишлаши ва уларга бошқача ёндошиши, яъни иш натижасини ёмон баҳолашга шошмаслиги ва шу асосда уларга хайфсан эълон қилиши ёки жазолаши нотўғридир. Япония илмий мактабида шундай дейиладики, самарали меҳнатни амалга ошириш учун ишчиларни қўйиш ўрнига уларни икки баровар мақташи лозим. Инсонларни шахсий қизиқишини ҳисобга олиши раҳбар ва ташкилотчининг самарали фаолият олиб боришининг шарти ҳисобланади. Бунинг учун улар ишчиларнинг темперамент хусусиятларини нимага кўпроқ қизиқишлари, корхонада ёки ишлаб чиқаришда уларга нима ёқади ёки нима уларнинг қизиқишини сўндиради ва асабларига тегади. Бу хусусиятларни билиш жуда қийин ва мураккаб иш бўлиб, ишчилар билан мулоқотда амалга оширилади.

Замонавий ишлаб чиқаришда раҳбарнинг мураккаб вазифаси, яъни давлат, жамоа ва шахснинг қизиқишларини бирлаштиришни билиши лозим. Бундан ташқари у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун моддий ва маънавий рағбатлантиришни тўғри йўлга қўйиши лозим.

Цех раҳбарлари, усталар ишчиларнинг қизиқишларини тушуниб етишишлари, уларда бўлиб турадиган муаммоларни ўртоқларча ҳал қилишлари, қилган хатоларини йўли билан тушунтиришлари, ҳамда уларнинг иш натижаларига тўғри баҳо беришлари, уй шароитларидаги камчиликларига ёрдам беришлари, уларни руҳан кўтаринликка олиб келади ва раҳбарга нисбатан ҳурматини оширади. Албатта, шундан сўнг ҳар бир ишчи ўз ишига меҳр қўяди ва берилган вазифаларни сифатли қилиб бажаришга ҳаракат қилади.

Таянч иборалар:

Жамоа, раҳбар ходим, бирдамлик, ўзаро ёрдам принциплари, моддий бойликлар, прогрессив ўзгаришлар, ҳуқуқий муҳофаза, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи, сиёсий-тарбиявий иш, ижтимоий жараёнлар, меҳнат муносабатлари, ижтимоий-демографик таркиб, ижтимоий-руҳий вазият, демократлаштириш.

Саволлар:

1. Бошқарув муносабатлари тизимида шахс тушунчаси нима?
2. Шахснинг профессионал ва функционал сифатининг тартиб қоидалари нимадан иборат?
3. Ишлаб чиқариш жамоасида шахснинг интизоми деганда нима тушунаси?
4. Таълим хизматининг истеъмолчиси сифатида унга қандай ҳуқуқлар берилади?
5. Корхананинг руҳий тузилишини яхшилашда раҳбарнинг вазифаси нимадан иборат?
6. Корхонада хизмат қилаётган ишчилар ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилишлари лозим ?

13 Мавзу: Рағбатлантириш назариялари, усуллари, турлари ва моделлари.

13.1. Меҳнатни рағбатлантиришни ташкил қилишни такомиллаштиришнинг йўллари ва мазмуни.

13.2. Меҳнатни рағбатлантиришнинг чет эл назарияси.

13.3. Меҳнатни рағбатлантиришнинг усуллари.

13.1. Меҳнатни рағбатлантиришни ташкил қилишни такомиллаштиришнинг йўллари ва мазмуни.

13.1. Меҳнатни рағбатлантиришни ташкил қилишни такомиллаштиришнинг йўллари ва мазмуни.

Рағбатлантириш бу инсон омилини кенг демократик асосида фаоллаштириш, унинг манфаатлари йўлида ғамхўрлик қилишни бошқаришдир. Меҳнатни пировард натижасига қараб ходимларни рағбатлантириш кўндаланг туради. Бунда моддий рағбатлантириш усули қўлланиладики, натижада бу катта самара беради.

Рағбатлантириш ҳар доим ҳам менежерлар учун муҳим ва эътиборли функция бўлиб келган. Бунинг муҳимлиги шундаки, менежерлар доимо ишчилар билан, одамлар билан ишлайдилар, мулоқотда бўладилар. Менежерлар ташкилотни мақсадларга эришиши учун, одамларни бирлаштириш учун одамларни хулқ атворини қандайлиги тўғрисида бир қанча маълумотларни олиш учун рағбатлантиришни амалга оширадилар.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолиятининг муҳим томонини хилма-хил рағбатлантириш омилларидан фойдаланиш ташкил этади. Бу омиллар жамоани ижтимоий ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ва режаларини бажариш, биргаликда куч-ғайрат сарфлаш натижаларини ошириш соҳасидаги фаол ишларга ундайди. Бунга ижтимоий ривожлантириш ишида ташаббус кўрсатиб, яхши намунаси билан ажралиб турадиган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш киради.

Ҳар бир корхона ва ташкилот ўз ходимларини маълум бир шаклда рағбатлантиради, яъни улар корхона ва ташкилотнинг мақсадларига эришиши учун меҳнат қилиб, сарфлаган вақтлари, куч-қувватлари, ақл-идроклари ўрнини тўлдирадилар. Рағбатлантиришнинг энг кўп тарқалган ва одатдаги шакли албатта, пул билан мукофотлаш ёки иш ҳақи тўлашдир. Лекин ходимларга компенсация тўлашнинг бошқа турлари ҳам борки, булар корхона ва ташкилот ишлаб чиқарган маҳсулот билан мукофотлаш, каттароқ маош тўланадиган ишга ўтказиш, шунингдек хайрия ташкилотлари аъзоларининг турли фаолиятларда иштирок этишдан олган маънавий қониқиш ҳосил қилишлари ва бошқалар.

Шундай қилиб, ташкилот муваффақиятли ривожланиши учун кадрларни танлаш, ўқитиш, баҳо бериш ва рағбатлантириш, бошқариш, яъни мазкур жараёнларни ташкил этишнинг алоҳида усуллари, тадбирларини ишлаб чиқиши, фойдаланиши ва уларни такомиллаштириш зарур. Биргаликда олинган бу усуллар, тадбирлар, дастурлар инсон заҳираларини бошқариш тизимларидан иборатдир. Анъанавий равишда бундай тизимлар тўртта бўлиб, улар инсон заҳираларини бошқаришнинг асосий вазифаларига тўғри келади - бу тизимлар

кадрларни танлаш, кадрларни ўқитиш ва малакаларини ошириш, уларга баҳо бериш ва рағбатлантиришдир. Баъзан бу сўнгги икки тизим бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли улар бирлаштирилади.

13. 2. Мехнатни рағбатлантиришнинг чет эл назарияси.

Рағбатлантириш тўғрисида кўплаб назариялар мавжуд бўлиб, улар менежерларга одамларни самарали фаолиятини ташкил қилишда турли хил йўл-йўриқлар кўрсатади.

Рағбатлантириш бу менежерларни чуқур ўйга солади, чунки истак ва ниятлар тўғридан-тўғри бирон-бир чора тадбир амалга ошмай туриб рағбатлантирилмайди. Улар фақатгина иш натижасидан сўнг, ходимларнинг ўзларини тутишларига қараб амалга оширилади. Бундан ташқари одамларни нима учун ва қандай рағбатлантириш назариялари мавжуд бўлиб, бу назариялар менежерларнинг самарали натижага эришиш йўллари таъминлаш билан фарқ қилади. Ҳозирда янги ва эски назариялар уюшган ҳолда ўрганилиб, рағбатлантириш ва уни ишда қўллаш тўғрисидаги фикрлар уйғунлашмоқда.

Рағбатлантириш бу фақат бир ходимнинг ишини бажара олиш даражасига таъсир қилиш эмас, балки корхонанинг барча ходимларига таъсир қилишидир.

Рағбатлантиришнинг иккита омили мавжуд бўлиб, «истеъдод» ва ўзини қандай тутиш орқали юқори даражага эришиш, яъни «қобилият» омиллари дир. Рағбатлантириш, истеъдод ва қобилият омиллари доимо ўзаро боғланишда амалга оширилади. Чунки қобилиятли ва истеъдодли ишчи ходимлар рағбатлантирилади.

Агар бу учала омиللардан бирортаси суст бўлса, ишни амалга ошиши ҳам суст бўлади ва аксинча.

Алоҳида олинган ҳар бир ходимдан самарали фойдаланиш унинг талаб қилинган ишни бажара олиш қобилиятига боғлиқдир. Қобилият дейилганда ходимда ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун касб малакасининг мавжудлиги, етарли даражадаги жисмоний куч-қувват ва чидамлик, уқувлик, умумий маданият борлиги ва шу кабилар тушунилади. Масалан, олийгоҳ ўқитувчиси учун қобилият фанни дастурини билиш, талабалар руҳиятини тушуниш, тингловчилар олдида сўзлай олиши, конспектларни текшириш, уларга ҳар жиҳатдан ўрнатилган бўлиш ва уларга маслаҳатлар бера олиш ва мураббийлик қилиш тушунилади.

13. 3. Мехнатни рағбатлантиришнинг усуллари.

Менежментнинг эволюцион босқичларида айтилишида менежерлар рағбатлантиришнинг қуйидаги учта усулини кўрсатадилар. Булар:

1. Анъанавий усул.
2. Инсоний муносабатлар усули.
3. Инсоний заҳиралар усули.

Менежерлар рағбатлантиришнинг шу учта усули орқали одамларни белгиланган тартибда бошқаришга ишонч ҳосил қиладилар.

Анъанавий усул. Бу усул Фредрих Тейлор ва бошқа илмий бошқариш мактабларининг илмий изланишлари билан боғланган бўлиб, бошланғич усул ҳисобланади. Бу усул асосан, менежерлар қандай қилиб ўз касбларини ҳамда ишчи ходимларини рағбатлантиришда иш ҳақи тизимини тўғри қўллашни кўриб чиқади.

Тажриба шуни кўрсатадики, ишчилар одатда дангасароқ бўладилар ва менежерлар бу шароитни тушунган ҳолда, ишчиларни молиявий мукофот билан тақдирлаб, озгина бўлса ҳам уларнинг ишларига кўмак берадилар. Кўп вазиятларда бу усул самаралидир.

Анъанавий ҳақ тўлаш тизимлари билан бир қаторда (ишбай ва вақтбай турлари) меҳнатга ҳақ тўлашнинг меҳнат ҳаёти қиймати бўйича ҳақ тўлаш, меҳнат рейтинги бўйича, меҳнатда иштирок этиш коэффициенти ва ҳоказолар бўйича ҳақ тўлаш ҳам қўлланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида анъанавий тизимлардан ташқари хорижий тажрибани ҳам ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тизимлар тадбиқ этилади, чунончи: фойдада иштирок этиш, ҳиссадорлар сармоясида қатнашиш, транспорт харажатларига ҳақ тўлаш ёки раҳбар ходимларга транспорт воситаларини бириктириб қўйиш, тиббий хизмат кўрсатиш дастури, таълим дастури, турли хил суғўрталар, имтиёзлар ва компенсациялар, имтиёзли қарз олиш тизими ва шу кабилар. Бу тизимдан кўплари меҳнатнинг нуфузини, шахсни ташаббускорлигини, ижодий фаоллигини, яъни унинг асослаш ўзаги турли томонларини рағбатлантиришга қаратилган.

Масалан, фойда тизимидан фойдаланишда фойданинг улуши белгиланади, ундан рағбатлантириш фонди шаклланади. Ана шу фонддан фойдага ҳақиқатда таъсир кўрсата оладиган ходимлар тоифаси рағбатлантирилади.

Инсоний муносабатлар усули. Рағбатлантиришнинг анъанавий усули узоқ давом этмади. Эльтон Мэйо ва илмий тадқиқот институти ходимлари «Инсоний муносабатлар усули» устида ишладилар. Мэйо ва бошқалар шунга амин бўлдиларки, менежерлар ишчиларнинг ижтимоий эҳтиёжларини билган ҳолда, ҳамда уларни корхона ишини муҳим ва фойдали эканлигини хис қилишга даъват этиш орқали рағбатлантира оладилар.

Анъанавий усулда ишчилар томонидан ишлаб чиқилган ва ишчилар томонидан амалга ошириладиган самарали тизим орқали юзага келиши мумкин бўлган катта миқдордаги иш ҳақи натижасида менежментнинг ваколатларини қабул қилиш кутилади.

Инсоний муносабатлар усулида эса ишчилар раҳбарларни, уларга нисбатан маънавий муносабатда бўлишини ва уларнинг эҳтиёжига доимо диққат эътибор қилишлари натижасида менежментнинг ваколатларини қабул қилишлари керак.

Инсоний заҳиралар усули. Кейинчалик Марк Грейгор ва Маслоу каби назариётчилар ҳамда Аргрис ва Лайкрет каби илмий изланувчилар инсоний муносабатлар усулини танқид қилдилар. Бу назариётчиларнинг фикрича, ишчилар ёки уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун каби омиллар билан эмас, балки ютуққа ҳамда мазмунли иш учун эҳтиёжларни қондириш мумкин.

Шундай қилиб ишчиларга қарорлар қабул қилиш учун ҳамда ўз вазифаларини амалга оширишлари учун масъулиятлар берилади.

Шахснинг эҳтиёжи - инсонда ҳаракатга интилишни вужудга келтирувчи бирор-бир нарсанинг йўқлигини англашдир. Унинг нормал ҳаёт кечириши учун озуқа, уй-жой, об-ҳаво зарур бўлса, хотин-қизлар учун уларнинг кўзга ташланиб туриши учун чиройли безаклар даркор.

Инсон эҳтиёжларининг миқдори ва хилма-хиллиги ниҳоятда катта бўлиб, бошланғич эҳтиёжлар ажратиб кўрсатилади. Булар инсон физиологияси томонидан вужудга келтириладиган озиқ-овқатга, ҳаво, уйқу ва бошқаларга бўлган эҳтиёжлар бўлиб, улар инсоннинг биологик тур сифатида мавжуд бўлишини таъминлайди.

Иккиламчи эҳтиёжлар ҳаётини тажрибани ривожлантириш ва ҳосил қилиш жараёнида пайдо бўлади. Улар бирламчи эҳтиёжлардан анчагина хилма-хилроқ бўлиб, шахснинг психологик ривожланишига, турмуш шароитига, жамиятда, гуруҳда қабул қилинган ижтимоий нормаларга боғлиқдир.

Шахс эҳтиёжларининг бутун хилма-хиллиги унинг фаолиятининг манбаини, сабабини ташкил этади. Сабаб - инсоннинг нима учун ҳаракат қилишини кўрсатувчи, фаолиятга ички ундовчи нарса бўлиб, у муайян эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқдир.

Мисол: яхши ҳақ олиб ишламайдиган мутахассис ходимнинг даромадироқ янги иш излаши муқаррардир. Бундай хатти-ҳаракатнинг сабаби ишдан қониқмаслик, бажараётган вазифаларига қизиқишнинг пасайганлиги, эҳтимол, бошлиқ билан муносабатларининг бузилиши, жамоадаги шароитнинг ўзгарганлиги ва ҳамкасблари билан муносабатларида кескинликнинг кучайганлиги ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин.

Бу барча ҳолларда мутахассис ходимлар ҳулқ-атворининг ҳақиқий сабабларини ўрганиб бориш ўз навбатида яхши ходимдан ажралиб қолишнинг олдини олиш, жамоадаги эҳтимол тутилган низони олдини олиш имконини беради.

А.Маслов ижтимоий рағбатлантиришда бешта эҳтиёжлар иерархиясини тузиб чиққан;

1. Психологик эҳтиёжлар. Ўз ичига ҳаво, сув, таом эҳтиёжларини олади.
2. Хавфсизлик эҳтиёжи. Ўз ичига ҳар қандай ташқи хавф-хатардан сақланиш эҳтиёжларини олади.
3. Ижтимоий эҳтиёжлар. Севги ва ижтимоий муносабатлар киради.
4. Ҳурмат. Ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ютуқларга эришиш ва бошқалардан ҳурмат талаб қилиш эҳтиёжларини олади.
5. Ўз-ўзини фаоллаштириш, мансабини кўтарилиши ҳамда ўз салоҳиётини оширишга бўлган эҳтиёжларини ўз ичига олади.

Таянч иборалар:

Рағбатлантириш, ғамхўрлик қилиш, эътиборли функция, ижтимоий хизмат кўрсатиш, самарали фаолият, рағбатлантириш назариялари, умумий маданият, молиявий мукофот, ижодий фаоллик, ижтимоий эҳтиёж, самарали тизим, маънавий муносабат, шахснинг эҳтиёжи.

Саволлар:

1. Меҳнатни рағбатлантириш нима?
2. Ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолиятининг муҳим томони нималардан фойдаланишни ташкил этади?
3. Рағбатлантириш тўғрисида қандай назариялар мавжуд?
4. Рағбатлантиришнинг нечта омили мавжуд?
5. Рағбатлантиришнинг қандай усуллари биласиз?
6. Шахснинг эҳтиёжи деганда нимани тушунасиз?

14 Мавзу: Бошқарувда ваколат ва масъулият.

14.1 Ваколат ва масъулият тушунчалари ҳамда уларнинг зарурлиги

14.2 Бошқарув ваколатларининг турлари

14.1 Ваколат ва масъулият тушунчалари ҳамда уларнинг зарурлиги

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ваколат тушунчасига қуйидагича изоҳ берилган:

- Ваколат - бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва ш. к. номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакиллик ҳуқуқи. Масалан, халқ нойиби ўзининг юксак ваколатини сайловчилардан олади.
- Ваколатли - ваколоти бор, вакиллик ҳуқуқига эга бўлган субъект. Масалан, ваколатли муассаса, ташкилотлар бўлмаса халқ демократиясининг бўлиши мумкин эмас.
- Ваколатнома - вакиллик ҳуқуқини берувчи ҳужжат, ишонч қоғози, тилхат.
- Ваколатхона - бирор давлат томонидан ўзга ерда таъсис этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрадиган муассаса. Масалан, Ўзбекистоннинг чет элдаги мухтор ваколатхонаси.

Бошқарув тизимида раҳбарлар томонидан ўз қўли остидаги ходимларга ўзи жавобгар бўлган вазифаларни ҳал этиш ёки ишларни амалга ошириш ҳуқуқининг бериб қўйилиши бошқарув ваколатлари деб юритилади. Ваколатларни топшириб қўйиш туфайли раҳбар бошқа ишларнинг талайгинасини бажариш, истикболли ва энг асосий масалаларга диққат-эътиборини кўпроқ жалб этиш имкониятига эга бўлади. Айни чоғда у умумий раҳбарлик ва умумий назоратни ўз қўлида сақлаб қолади.

Ваколат шахсга эмас, балки лавозимга берилади. Бундай ёндашув "зобит честни командирга эмас, балки унинг унвонига беради" деган ҳарбий маталга ўхшаб кетади. Шахснинг лавозими ўзгариши билан унга берилган ваколат ҳам ўз кучини йқўтади. Масалан, маҳсулотни сотиш бўлимидаги раҳбар маҳсулот русумига жавоб берувчи юқори лавозимга кўтарилган бўлса, энди у олдинги бўлимдаги ходимларга тўғридан тўғри буйруқ бера олмайди.

Бўшаган лавозимга раҳбар тайинланмаган ҳолларда, одатда ваколат лавозимга эмас, балки индивид (шахс)га берилади.

Ваколат - вакиллик ҳуқуқи бўлса, масъулият бирор иш, ҳатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарликдир. Демак, ваколатни масъулият

билан адаштирмаслик керак, чунки ваколатлар бошқа одамлар ишини бошқариш ҳукуқини назарда тутлади. Бошқа томондан, бу иккала тушунча бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Яъни, ваколатли шахс қабул қилган қарорлари, уларнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги, ишчан ёки ишчан эмаслиги тўғрисида юқори раҳбариятга ҳисобот бериши керак. У шуларга масъулдир ва жавобгардир.

Масъулият қанчалик юқори бўлса, уни таъминлаш механизми ҳам шунчалик юқори бўлади. Одатда икки турдаги масъулият фарқланади:

1. умумий масъулият;
2. функционал масъулият.

Умумий масъулият - бу корхонанинг бошқарув фаолиятини таъминловчи шарт-шароитларни яратиш бўйича масъулиятлардир. Масалан, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, хужжатларни тайёрлаш ва х.к. Бу ишларни одатда корхона раҳбари бажаради ва у шуларга масъулдир.

Функционал масъулият - бу аниқ ишларни бажариш билан боғлиқ бўлиб, у одатда бажарувчиларга юкланадиган масъулиятдир.

Бошқарув ваколати ва масъулияти бир-бири билан ҳамоханг бўлиши керак. Акс ҳолда корхона ҳамда унинг ходимлари учун кутилмаган нохушликлар пайдо бўлиши ҳеч гап эмас. Масалан, топширилган ваколатнинг масъулиятдан баланд бўлиши маъмурий бебошликка йўл очади. Чунки бундай шароитда раҳбарларнинг хатти-ҳаракати жазоланмасдан қолиши мумкин. Бунинг тескарисси эса, яъни масъулиятнинг ваколатдан баланд келиш ҳолатлари фаол ҳаракатни фалаж қилишгача олиб келади. Бундай шароитда кишилар ўзларига нохуш вазиятларни туғдириб қўйишларидан хавотирда бўлиб, ортиқча ҳаракат қилишдан ўзларини тиядилар.

Шу сабабли ваколат билан масъулиятнинг мутаносиблиги бошқаришнинг ҳар бир бўғинидаги раҳбар ва буйсунувчилар учун ўта зарурдир. Шундагина корхона фаолияти бир маромда тараққий этиши мумкин.

Ваколатнинг ҳам чегараси бўлади. Акс ҳолда ваколат ҳукуқини олган лавозим эгаси, агар у масъулиятсиз бўлса, нималарга шайланмаслиги, қандай қарорларни қабул қилмаслиги мумкин. Ундайларга ваколат берилса "дўпписини эмас бошини олиб" келади. Шу сабабли: Ваколат - бу корхона ресурсларидан фойдаланиш ва кишиларни бошқариш бўйича у ёки бу лавозимдаги шахсга чекланган шарт билан берилган ҳуқуқдир.

Корхона микёсида бу чекловлар мансабга оид қоидалар, қўлланмалар, турли бошқарув бўғинларининг функциялари ҳамда вазифалари тўғрисидаги низомлар билан белгиланади ва қонунлаштирилади. Улар ёзма ёки оғзаки тарзда буйсунувчиларга етказилади. Ўрнатилган чекловлар доирасидан чиққан шахс ўз ваколатини оширган бўлади. Масалан, маълум дастгоҳда ишлашга рухсат, яъни ваколат олган ишчи ҳаттоки ўзининг дастгоҳи бузилиб қолган тақдирда ҳам, бошқа ишчининг дастгоҳида рухсатсиз ўтиб ишласа, ўз ваколатини оширган бўлади, яъни бу ерда ваколат чегараси бузилган ҳисобланади.

Бошқарув бўғини юқорилашиб борган сари ваколат чегараси ҳам муайян даражада кенгайиб боради. Аммо бу юқори раҳбарларнинг ваколати чексиз

дегани эмас. Уларнинг ваколати ҳам чекланган бўлади. Масалан, йирик очик шаклдаги акционерлар жамиятининг президенти ёки директорлар кенгашининг раиси томонидан қилинган харажатлар умумий бюджетдан ошиб кетса, бунинг учун улар президент ёки раис бўлишларидан қатъий назар, узларига юклатилган ваколат чегарасида акционерлар олдида жавоб берадилар.

Раҳбарлар ўрнатилган қонун-қоидаларга зид бўлган ишларни бажариш учун ваколат беришга ҳақли эмаслар. Масалан, фирма олдинги забот этган бозорига пора талаб қилингани сабабли олаётган юқори фойдасидан воз кечиб ўз товарларини у бозорга чиқаришни тўхтатиб қўйди, дейлик. Агар шундай ҳолатда раҳбар бу ишга масъул бўлган ходимга бизнесни давом эттиришга ваколат берса, у қонунни қўпол равишда бузган бўлади. Чунки қонун порахўрликка нисбатан аёвсиздир.

Раҳбарга қўйиладиган муҳим талаблардан бири - кундалик майда-чуйда ишлар билан банд бўлиб қолмаслик ва стратегик, шунингдек, корхона фаолияти учун катта аҳамиятга эга бўлган, яъни раҳбардан бошқа ҳеч ким ҳал эта олмайдиган масалаларга диққат-эътиборини қаратишдир. Раҳбар "бажариш қийин эмас, балки уйлаб топиш қийин" деган русча нақлни ёдда тутиши керак. Бу хусусда П.М.Керженцев бундай деган эди:

"Агар раҳбар ҳар хил майда-чуйда ишлар билан ўралашиб қолиб, уларга ўз вақтга сарфласа, бу жуда хунук иш бўлади... Ташкилотчининг қоидаси - ишни бошқаларга топшириш, ўзи эса шу ишнинг бажарилиши устидан раҳбарлик ва назорат қилиши керак"³

Дарҳақиқат, корхонадаги мавжуд ва пайдо бўладиган муаммоларнинг барчасини фақат раҳбарнинг ўзи ечишга қодир эмас. Юмушларнинг кўплиги, раҳбар вақтининг етишмаслиги, муаммоларнинг турли-туманлиги туфайли уларни бажариш учун малакали шахслар қарорларининг зарурлиги кабилар лавозимли шахсларга ваколат бериш заруриятини туғдиради.

Ваколат бериш билан раҳбар, бир томондан иккинчи даражали ишлардан ўзини озод этса, бошқа томондан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш вақтини яқинлаштиради. Бошқаришнинг у ёки бу бўғинига топшириладиган ваколат миқёси ечиладиган муаммоларнинг:

- мураккаблиги;
- муҳимлиги;
- турли-туманлилиги каби омилларга боғлиқ.

Шу жиҳатларнинг мавжудлигига кўра ваколат Миқёси, кўлами кенгаяди. Мехнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ишлаб чиқаришнинг бир меъёрга бўлиши ваколат миқёсини камайтиришга олиб келади. Чунки, биринчи ҳолатда мехнат ихтисослашади, бажариладиган операциялар содда-лашади. Иккинчи ҳолатда ҳам иш фаолияти анча осонлашади. Натижада ходимларнинг ўзи бу жараёнларни бошқаришга қодир бўлади. Энди четдан ваколатли шахсларни жалб қилиб, тегишли қарорларнинг қабул қилинишига ҳожат қолмайди.

Ваколатларни топшириб қўйиш имконияти ходимларнинг тайёргарлик даражаси ва таркибига боғлиқ. Масалан, ходимлар қанчалик малакали ва

³ Керженцев П.М. "Принципы организации". М, "Экономика", 1968, стр 400.

мустақиллигига қараб уларга ваколатларни топшириб қўйиш шунчалик осон бўлади.

Коммуникация, алоқа воситаларининг ривожланганлик даражаси ҳам ваколат миқёсига ўз таъсирини кўрсатади. Агар бу соҳа ривожланган бўлса раҳбар ваколат топширмасдан тўғридан тўғри юқори раҳбариятдан топширик олиши ва қуйи раҳбарларга топширик бериши мумкин.

Бошқариш тизимида ваколатни тақсимлаш ҳар доим ҳам бир хилда бўлавермайди. Улар бирор сабабга кўра бошқаришнинг ё юқори бўғинида ёки қуйи бўғинида тўпланиши мумкин. Шунга қараб ваколатлар:

- марказлашган ва
- марказлашмаган бошқарув ваколатларига бўлинади.

Ваколатлар буткул марказлашган ёки батамом марказлашмаган бўлиши мумкин эмас. Зеро, тўлиқ марказлашиш жойлардаги имкониятга шубҳа туғдирса, тўлиқ марказлашмаслик, яъни қуйи бўғинларга ваколат бермаслик эса жойларда бошқаришнинг пала-партиш бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Бошқарув ваколатларининг марказлашув даражасини қуйидаги ҳолатлар белгилайди:

- қарорларни қабул қилиниши билан боғлиқ харажатлар. Қарорларни қабул қилиш қанчалик кўп харажат талаб қилса, шунчалик уларнинг юқори бўғинда ҳал қилиниши талаб этилади.
- ягона бошқарув сиёсатини юргизиш зарурияти. Марказлашмаган ваколат шароитида бунга эришиб бўлмайди.
- корхонанинг катта кичиклиги. Корхона қанчалик катта бўлса, унинг таркибидаги бўлимларнинг ишини мувофиқлаштириш шунчалик мураккаблашади.

Бу эса ваколатларни жойларга тарқатишни тақозо этади.

Ваколатларни тарқатиш даражасига қуйидагилар ҳам ўз таъсирини кўрсатади:

- тарихий тараққиёт ва анъаналарнинг хусусиятлари;
- юқори бўғин раҳбарларининг дунёқараши ва характери;
- зарур кадрларнинг мавжудлиги;
- марказлашган бошқарув ваколатини талаб қилмайдиган ёки уни чекловчи фаолиятнинг мавжудлиги;
- бизнес динамикаси: у қанчалик юқори бўлса, марказлашмаган ваколат шунчалик устувор бўлиши керак;
- ташқи таъсир кучлари;
- давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли;
- солиқ солиш хусусиятлари;
- касаба уюшмаларининг ҳаракати ва ҳ.к.

Марказлашган бошқарув ваколатларига устуворлик беришда қуйидагилар назарда тутилади:

- бошқарувда стратегик йўналишни кучайтириш ва барча ресурсларни корхонанинг энг муҳим томонларига сафарбар қилиш;
- харажатларни қисқартириш мақсадида ўзини оқламаган, бир-бирини

такрорловчи бошқариш функцияларини йўқотиш (масалан, ҳар бир бўлимдаги бухгалтериянинг ўрнига ягона марказлашган бухгалтерияни жорий қилиш).

- қарор қабул қилиш жараёнини жойлардаги ахволни жуда яхши биладиган, тажрибали кишилар қўлида жамлаш.

Аммо бундай устуворлик ўзининг салбий томонларига ҳам эга. Бинобарин:

- ахборотларни узатиш кўп вақтни талаб қилади, шу жараёнда уларнинг аксарият қисми йўқолиб ва нотўғри етказилиши мумкин;
- муҳим қарорлар жойлардаги ҳолатни аниқ ва батафсил билмайдиган кишилар томонидан қабул қилинади ва улар жойлардаги фаолиятга зўрлаб ўтказилади.

Натижада қабул қилинган қарорлар самарасиз бўлиб, амалиётда ўз тадбиғини топиши бесамар бўлади.

14.2 Бошқарув ваколатларининг турлари

Бугунги шароитда, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг турли туманлиги, улар сонининг катта ҳудудларда кенг тарқалгани, конъюнктуранинг жуда тез-тез ўзгариб туриши, қабул қилинадиган қарорларнинг геометрик прогресс билан кўпайиб бориши марказлашмаган бошқарув ваколатларига устуворлик беришни тақозо этади.

Фармойишли ваколатнинг моҳияти шундан иборатки, бу ваколатга эга бўлган шахс кимга тааллуқли бўлса ўшаларнинг ижро этиши учун зарур бўлган қарорларни қабул қилишга ҳақдидир. Бу ваколатлар икки турга бўлинади:

- Чизикли ваколатлар.
- Функционал ваколатлар.

Чизикли ваколатлар, ваколат турларининг энг асосийси бўлиб, ташкилотларнинг иерархик тузилиши пайдо бўлиши биланок вужудга келган. У якка ҳокимлик тарзда раҳбарлик қилишга, яъни қонун доирасида:

- буйруқ ва фармойишлар беришга;
- барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилишга асосланган.

Чизикли ваколатли раҳбар одатда, чизикли раҳбар деб аталади.

Чизикли ваколатда раҳбар билан буйсунувчи ўртасида тўғридан тўғри маъмурий (лавозимли) алоқа ўрнатилиб, раҳбар буйсунувчига мўлжалланган мақсадни бажариш учун қачон, қаерда ва нимани бажариш ёки бажармаслик тўғрисида бевосита кўрсатма беради. Уни фармойиш ёки буйруқда ифода этади.

Чизикли ваколатга эга бўлган раҳбар зиммасига одатда корхона фаолиятини тезкор бошқариш билан боғлиқ бўлган масалалар, яъни:

- ходимлар меҳнاتини ташкил қилиш;
- уларга меҳнат шароитларини яратиб бериш;
- ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;
- ходимлар меҳнатига баҳо бериш;
- уларни мукофотлаш ёки жазолаш;

жамоада қулай маънавий ҳамда руҳий иқлимни яратиш ва уни барқарор тутиб туриш кабилар ҳам киради.

Функционал ваколатлар одатда билвосита алоқа шароитида амалга оширилади. Бунда ваколатлар маълум доирада чекланган бўлади. Чунки ҳар бир бошқарув бўғинидаги раҳбарга муайян функциялар бириктириб қўйилади. Масалан, бири маркетингни, иккинчиси ишлаб чиқаришни, учинчиси эса молияни бошқариш билан шуғулланади.

Ваколатларни бу тарзда бериш бошқариш самарадорлигини анча оширади. Чунки олдин бошқаришнинг барча функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган ягона универсал раҳбар ўрнига энди ўз соҳасини пухта биладиган, ўзига топширилган иш участкаси учун жавоб берадиган мутахассислар аппарати пайдо бўлади.

Идоравий ваколатлар корхонадаги функцияларнинг мураккаблашиб, у билан боғлиқ, бўлган бошқариш жараёнининг қийинлашиб бориши сабабли вужудга келади. Ушбу бошқариш структураси ҳар бир чизиқли ваколатга эга бўлган раҳбар қошида ихтисослашган хизматлар, маслаҳатчилар кенгаши, яъни штабларни тузиш орқали ташкил этилади. Ўз ваколатига эга бўлган штабларнинг вазифаси ўзларига тегишли муаммоларни ўрганиш орқали юқори бўғин раҳбарларига қарорлар қабул қилишда ёрдам беришдан иборат.

Бу ерда чизиқли ваколатга эга бўлган раҳбарлар корхонанинг бош мақсадига эришиш йўлидаги бирламчи вазифаларнинг бажарилишига жавобгар бўлсалар, штабдаги ваколатли кишилар эса бирламчи вазифаларга тоъбе бўлган иккиламчи вазифаларнинг бажарилишига жавобгардирлар. Улар ўз ваколатлари доирасида фақат маслаҳат бериш функциясини бажарадилар. Чизиқли ваколатга эга бўлган раҳбарларнинг асосий вазифаси таклиф этилган ижобий ҳамда салбий маслаҳатлар ичидан мақсадга мувофиғини аниқлаш ва уни узил-кесил қабул қилишдан иборат.

Идоравий ваколатлар қуйидаги аппаратлар хизматлари орқали амалга оширилади:

- маслаҳат берувчи;
- хизмат қилувчи;
- шахсий аппарат.

Маслаҳат берувчи аппарат. Чизиқли раҳбар бирор муаммога дуч келиб унинг ечими учун махсус малакага эга бўлган мутахассисларга зарурият туғилса, бундай ҳолларда корхона қошида вақтинчалик ёки доимий фаолият кўрсатувчи махсус маслаҳат берувчи аппарат тузилади. Уларнинг асосий вазифаси ўз билим соҳалари бўйича чизиқли раҳбарга маслаҳатларини беришдан иборат. Бундай маслаҳатлар кўпинча қонунчилик, янги ёки махсус технологияни жорий қилиш, малака ошириш, шунингдек кадрлар билан ишлаш соҳалари бўйича талаб қилинади.

Хизмат қилувчи аппаратнинг асосий вазифаси раҳбариятга ўз ваколати доирасида хизмат қилишдан иборат. Бундай аппаратга кадрлар бўлими мисол була олади. Унга қуйидаги ваколатлар берилади:

- ходимларнинг шахсий ишларини юргизиш;
- ишга қабул қилиш учун иқтидорли кадрларни излаш ва текшириш;

- чизикли раҳбарларга номзодларни тавсия этиш ва х.к.

Хизмат қилувчи аппарат бошқа соҳаларга ҳам ўз хизматини кўрсатади. Бинобарин, жамоатчилик билан алоқа, маркетинг бўйича тадқиқот ўтказиш, молиялаштириш, режалаштириш, моддий-техника таъминоти, юридик муаммолари ечиш, атроф-муҳитга таъсир ўтказувчи у ёки бу лойиҳаларни баҳолаш каби жараёнларда туғиладиган юмушларга кўмак бериш кабилар буларга мисол бўла олади.

Шахсий аппарат - бу хизмат кўрсатувчи аппаратнинг бир кўриниши бўлиб, у раҳбарнинг шахсий ёрдамчиси ё котиби ёки референди бўлиши мумкин. Унинг вазифаси раҳбар нимани талаб қилса ўшани бажаришдир. Бу шахслар ҳеч қандай ваколатга эга бўлмайдилар ва фақат раҳбар номидан, унинг топшиғига билан иш тутадилар.

Гарчи шахсий аппарат расмий ваколатга эга бўлмасада, агар раҳбар уларга астойдил ишонч билан ёндашса, унинг аъзолари катта ҳуқуқга эга бўлишлари мумкин.

Тавсияли ваколатлар фақат тавсия характериға эға. Бу ваколатға эға бўлган шахслар зарурият туғилган ҳолларда раҳбарларға ёки бажарувчиларға мураккаб масалалар ечими бўйича ўз таклифларини берадилар. Раҳбар бу таклифларни қабул қилиши ёки эътиборсиз қолдириши ҳам мумкин. Аммо эътиборсиз қолдирган ҳолларда тавсия берувчи мутахассис ўз таклифларини мазкур масала ечими учун ўта зарурлигини, ўз хизматини беҳудаға қилмаганини раҳбарға тушунтириб, уни ишонтиришға ҳаракат қилмоғи даркор.

Мувофиқлаштирувчи ваколатлар ҳамкорликдаги қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ. Мазкур ваколатға эға бўлган шахс ёки бўлим юқори раҳбарият номидан айрим бошқарув субъектлари фаолиятини мослаштириб, уни корхона мақсадига қараб йўналтиришға ҳақли. Одатда бундай ваколатға корхонада мураккаб ёки бахсли муаммолар вужудға келиб уларни ечиш зарурияти туғилган ҳолларда эҳтиёж туғилади.

Ҳисоб ва назорат қилиш ваколатига эға бўлган шахс ёки гуруҳлар текшириляётган объект бўйича уларнинг раҳбарларидан барча зарур маълумотларни талаб қилишға ҳақлидир. Текширув асосида тайёрланган материалларни ўзларининг хулосалари билан бирға юқори бўғинға тақдим этиш ҳисоб ва назорат қилиш ваколатига эға бўлганларнинг асосий вазифасидир.

Мурасаға келтирувчи ваколатларнинг моҳияти шундан иборатки, шу ҳуқуқға эға бўлган шахс қабул қилинаётган қарорларға нисбатан дахлдорлик даражасига қараб, албатта ўз фикрини билдиради. Буни у ҳам чизикли, ҳам функционал ваколатлар доирасида бажаради. Бундай ваколатлар:

- эҳтиёткорликка даъват этувчи ва
- муҳосара қилувчи ваколатлар кўринишида бўлиши мумкин.

Эҳтиёткорликка даъват этувчи ваколатға эға бўлган шахс, масалан, ҳуқуқшунос раҳбар қабул қилган қарорларнинг қонун ва ўрнатилган тартибларға мос тушиш ёки тушмаслигини текширади, ундаги камчилик ёки қонунни бузганлигини айтиб, уни тўғрилашға даъват этади. Агар раҳбар

хаққонийлигини исботласа-ю, ҳуқуқшунос бу билан қоникмаса, у ҳолда раҳбарнинг зиммасида мазкур қонунбузарликнинг оқибати сақланиб қолади.

Муҳосара қилиш ваколатига бош ҳисобчи эга бўлади. Унинг розилигисиз, имзосисиз пул маблағи билан боғлиқ бўлган бирорта қарор қабул қилинмайди.

Таянч иборалар: ваколат, масъулият, ҳуқуқ, раҳбар, лавозим, вакиллик ҳуқуқи, умумий масъулият, функционал масъулият, бошқарув бўғини, назорат, мураккаблик, муҳимлик, турли-туманлилик, марказлашган, марказлашмаган, бизнес динамикаси, солиқ солиш хусусиятлари.

Саволлар:

1. Ваколат ва масъулият тушунчаларини изоҳлаб беринг.
2. Масъулиятнинг қандай турлари фарқланади?
3. Идоравий ваколатлар қандай аппаратлар орқали амалга ошади?
4. ваколатларнинг қандай турларини биласиз?
5. Фармойишли ваколатнинг моҳияти нимада?

15 Мавзу: Бошқарувда назорат ва унинг турлари.

15.1 Бошқарув назорати, унинг моҳияти, шакллари ва амалга ошириш воситалари.

15.2 Бошқарув назорати тизимида иқтисодий таҳлил.

15.3 Менежмент ва молиявий назорат.

15.1 Бошқармага оид назорат, унинг турлари ва амалга ошириш воситалари.

Бошқармага оид назорат бу бошқарув функциялардан бири бўлиб, усиз тўлиғича бошқарувнинг бошқа функциялари амалга оширилмайди. Назоратнинг функцияларига қуйидагилар киради: фаолият натижалари ҳақидаги малумотни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш, уларни режалаштирган кўрсаткичлар билан таққослаш, мўлжалланган мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган тадбирларни ишлаб чиқиш. Шунинг учун назорат нафақат четланишларни аниқлаш, балки шу четланишларнинг сабабини таҳлил қилишни ҳам назарда тутати.

Бошқарув назоратнинг муҳим функцияси бу стандарт ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш, шу ҳисоботни текшириш ва бутунлай фирма бўйича, ҳамда ҳар бир бўлинма бўйича хўжалик фаолиятининг натижаларини таҳлил қилиш. Фирма асосан назоратнинг икки шаклини ишлатади: молиявий назорат; маъмурий назорат.

Молиявий назорат ҳар бир хўжалик бўлинмаларнинг молиявий ҳисоботларини муҳим иқтисодий кўрсаткичларнинг стандарт шакллари бўйича қабул қилиш орқали амалга оширилади. Ҳисоботларнинг тури, ҳажми, бажарилиш муддати ҳар хил бўлиши мумкин. Ҳисоботда ҳақиқий ва режалаштирилган кўрсаткичлар кўрсатилади. Бунда қуйидаги асосий кўрсаткичларга эътибор берилади:

- фойда даражаси;
- ишлаб чиқариш ҳаражатлари;

- капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги;
- ўз воситалари билан таъминланганлиги;
- молиявий ҳолати ва бошқалар.

Ташкилий молиявий назорат бўлинмалар орқали бошқаришнинг ҳар бир сатҳида амалга оширилади. Юқори поғонадаги назорат эса назорат аппарати орқали амалга оширилади. Ишлаб чиқариш бўлинмалари ва қарамоғидаги фирмалар фаолияти устидан назоратни бухгалтерия, молиявий хизмат ва режалаштириш тизими орқали бажарилади.

Маъмурий назоратда одатда қуйидаги ишлар амалга оширилади: хўжалик натижалар жорий бюджетдаги режалаштирилган кўрсаткичлари билан мослиги аниқланади, ҳақиқий ва режалаштирилган сотиш ҳажми солиштирилади, фирманинг бозордаги улушини ўзгаришлари таҳлил қилинади ва буюртма портфелининг ҳолати ҳам таҳлил қилинади. Бу оператив назорат мунтазам равишда олиб борилади. Шунда, молиявий назорат - марказлаштирилган, маъмурий назорат эса марказлаштирилмаган ҳисобланади.

Бошқарув назорати тизимида фирма хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили асослари.

Фирма хўжалик фаолиятининг таҳлили шу фирманинг бошқарув тизимида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бошқаришнинг ҳамма йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ.

Хўжалик фаолияти таҳлилининг мақсади:

- ҳисобот даврига фирманинг ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, қўйилган мақсадларга эришганлигини аниқлаш;
- шу фаолиятни зарур бўлган молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминлаш нуктаи назардан истиқболда ривожланишининг мумкин бўлган йўналишларини аниқлашдан иборат.

Шунинг учун хўжалик фаолиятининг таҳлили аниқ мақсадга мувофиқ ўтказилиши керак ва қуйидаги масалаларни таҳлил қилиб аниқлаб бериши керак, яъни мўлжалланаётган фойдага (нафга) асосан ишлаб чиқаришни кўпроқ қайси томонга йўналтириш керак, фирманинг шундай янги имкониятларини ва резервларини аниқлаш керакки, улар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш қувватидан оптимал фойдаланиб, зарур бўлган ресурслардан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг янги турларига эришсин.

Хўжалик фаолиятининг таҳлили асосан маркетинг ва режалаштириш йўналишлари учун зарур бўлган маълумотларни етказиб бериши керак.

Иқтисодий таҳлилнинг тўлиқчилиги, маълумот базасининг мавжудлигига боғлиқ. Маълумот базасида бошқариш қарорларини чиқариш учун қуйидаги зарурий аналитик материаллар бўлиши керак:

- сотувлардан фойданинг ташкил топиши;
- ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган маҳсулотлар тан нархининг структураси;
- ҳар бир маҳсулотнинг таннархи;
- маҳсулот нархининг стандартидан ва ишлаб чиқариш ҳамда сотиш ҳаражатлари стандартларидан четланиш характери ва сабаблари;

- бу маълумотлар маркетинг дастурини ишлаб чиқиш асосига киритилади. Фирма хужалик фаолиятини таҳлил қилиш услубияти.

Ҳар бир фирмада ҳисоб ва ҳисобот ўтказиш мақсадида, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиб бориш мақсадида ва ўзининг кўрсаткичларига баҳо бериш услуби ишлаб чиқилади.

Одатда бундай услуб қисман ёки тўлиқ молиявий ҳисоботнинг эслатмасида (изоҳида) ёки иловада кўрсатилади.

Халқаро амалиётда ҳисоб ва таҳлилнинг қуйидаги усуллари қўлланади:

- Даромадни ҳисоб қилиш усули. Бу усулга асосан сотувдан даромад олинган деб, маҳсулот сотилган кундан бошлаб қабул қилинади, хизматдан даромад олинган деб, хизматлар кўрсатилиб бўлгандан кейин қабул қилинади. Бундан ташқари, даромад олинган деб, маҳсулот ишлаб чиқариш даврида ҳам тан олинади, узоқ муддатли бажарилиш шартномасига асосан ва учинчи шахсга фирманинг активдан фойдаланиш руҳсат этилса, яъни фоизлар ҳисобида, лисензия сифатида даромад олинади деб тан олинади, агар муддат тугагандан кейин шу активдан фойдаланганлиги учун тўлов ҳисобга тушса.

- Бажарилган шартнома бўйича ҳисоб усули. Бунда фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботда даромад фақат маҳсулотларни ёки хизматларни реализация қилиш бўйича шартнома тўлиқ бажарилган бўлса ёки унинг асосий қисми бажарилган бўлса кўрсатилади.

- Ишларни босқичма босқич топшириш усули. Бунда фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботда даромадлар ҳисобот даврда шартномада кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хизматни кўрсатиш босқичма-босқич бажарилган бўлса акс эттирилади.

- Мулкка баҳо бериш усули. Бунда бошланғич инвестициялар баҳоланиш бўйича балансда бир қаторда ёзиб борилади. Инвестор даромадининг (зарарининг) улушига яраша инвестисиялар пропорционал равишда ошиб (камайиб) боради. Агар инвестор дивидент олса, у ҳолда инвестициялар суммаси шу дивидентлар суммасига яраша қисқариб боради.

- Таннарх бўйича ҳисоб қилиш усули. Бунда бошқа корхоналарга ёъналтирилган инвестисиялар таннарх бўйича аксланади.

- Қўшма корхонада харажатларга баҳо бериш усули шу вақтда ишлатиладики, қачонким унинг фаолиятига инвестор салмоқли таъсир кўрсатмаса. Бошланғич инвестисияларга харажатлар "Инвестисиялар" моддасининг балансида акс эттирилади. Қўшма корхонадан олинган фойда дивидент сифатида тақсимланмаганича инвесторнинг ҳисобларида акс эттирилмайди. Балансда инвестисиялар бошланғич баҳоларда кўрсатилади. Дивидент эълон қилинса, инвестор ўзининг улушини жорий даромад сифатида кўриб чиқади.

Таҳлилнинг иқтисодий аниқ мақсадига биноан ҳар қил иқтисодий кўрсаткичлар ишлатилади. Бу кўрсаткичлар фирма фаолиятига сонли ва сифатли баҳо беради. Ана шу иқтисодий кўрсаткичларни қуйидагича классификация қилиш мумкин:

- фирманинг иқтисодий потенциалини ҳарактерлайдиган кўрсаткичлар;
- фирманинг хўжалик фаолиятини ҳарактерлайдиган кўрсаткичлар.

Фирманинг иқтисодий потенциалини характерлайдиган кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичлар асосан бошқа фирмалар билан миқёсини солиштиришда ҳамда миллий ва халқаро даражада эгаллаган ўрнини аниқлашда ишлатилади. Бу кўрсаткичлар умумлашган ҳолда маълумот учун ҳар хил маълумотномаларда ва журналларда чоп этилади. Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради: активлар; сотувлар; ялпи ва соф фойда; банд бўлганлар сони.

Шу билан бирга фирманинг фаолият доираси ва ишлаб чиқариш тармоғи кўрсатилади. Иқтисодий имкониятни чуқурроқ ўрганиш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳам ишлатилади:

- асосий капитал, бунда бошқа фирмаларга арендага топшириладиган фирманинг ишлаб чиқариш қувватлари (бинолар, иншоотлар, асбоб ускуналар) ҳам киради. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш қувватини тиклаш ва таъминлаш учун маблағлар ҳам киради;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сони ва баҳоси, умумий фирма бўйича ва маҳсулотнинг алоҳида турлари бўйича. Бу кўрсаткич фирманинг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мамлакат ва дунё бўйича улушини ва ўрнини аниқлаш мумкин. Ва, бундан ташқари, фирманинг ишлаб чиқариш структурасини ҳам аниқлаши мумкин;

- фирманинг ўз мамлакатада ва чет элдаги ишлаб чиқариш ва сотиш корхоналарининг сони ва жойланиши, уларнинг катталиги ҳамда ишлаб чиқарадиган ва сотадиган маҳсулотларнинг характери;

- фирма инфраструктурасининг характеристикаси - транспорт воситасининг мавжудлиги, складларнинг мавжудлиги, ўзининг хом-ашё базаси ва энергия манбаи билан таъминланганлиги;

- ўзининг мамлакати ва хорижда жойлашган корхоналарга йўналтирилган фирма капитал қуйилмаларнинг катталиги ва жойлаштирилганлиги;

- фирманинг илмий потенциали, яъни умуман фирмага ва алоҳидаги илғор бўлинмаларнинг илмий текшириш ишларига ажратилган харажатлар катталиги, маркаларнинг, лабораторияларнинг сони ва жойлашиши, уларда ишлаётган ходимларнинг сони, изланишларнинг йўналишлари, патентларнинг умумий сони ва улардан фойдаланиш каби кўрсаткичлар киради.

Фирманинг хўжалик фаолиятини характерлайдиган кўрсаткичлар.

Фирманинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун кўплаб кўрсаткичларни турли ҳолда ишлатиш мумкин. Фирмаларда одатда ҳисобот тузилганда ишлатиладиган кўрсаткичлар қуйидагилар:

- а) Умумий ҳаражатлар кўрсаткичлари: йил бошида янги бозорларга кириб бориш ёки жорий қилиниши; йил бошида маркетинг фаолияти учун ҳаражатлар; изланишлар ва ривожланиш учун ҳаражатлар; қўшимча ҳаражатлар (чиқим); маъмурий ҳаражатлар; арендага тўлаш; маҳсулотни такомиллаштириш учун ҳаражатлар; маҳсулотларни етказиш учун ҳаражатлар;

- б) Маблағларни келиб тушиши ва ҳаражатлар кўрсаткичлари - маблағларнинг келиб тушиш манбалари: соф фойда, амортизацион ажратмалар, активларни реализация қилишдан тушган маблағлар, субсидия ва дотация, узоқ муддатли қарзларни кўпайтириш, акциялар эмиссияси, қисқа муддатли қарзларни кўпайтириш.

в) Воситаларни ишлатиш кўрсаткичлари: дивидентлар тўлаш; ташкилий ҳаражатлар; акцияларнинг эммисияси бўйича ҳаражатлар; капитал қуйилмалар; оборотда бўлмайдиган активларга мўлжалланган маблағлар; узоқ муддатли қарзларни узиш; тез реализация қилинадиган қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; банкда ҳисобни ошириб бориш ва бошқалар.

Шундай қилиб, чуқурлаштирилган ва пухта иқтисодий таҳлил бошқарувига оид қарорларни қабул қилишнинг дастлабки шарти.

Маълумот моддий жараёнларнинг аниқ ифодасидир, шунинг учун маълумотсиз ва унинг таҳлилисиз фирманинг ишлаб чиқариш ва сотув фаолиятининг самарали ишлаши мумкин эмас.

Таянч иборалар: бошқармага оид назорат, бошқарув функциялари, назорат функциялари, таҳлил, фойда даражаси, ишлаб чиқариш ҳаражатлари, капитал қуйилмалар, молиявий ҳолат, маъмурий назорат, маркетинг, режалаштириш, таннарх, баҳо, фирманинг фаолияти.

Саволлар:

1. Корхона фаолиятини назорат қилишнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиринг.
2. Назоратнинг қандай функцияларини биласиз?
3. Корхона фаолиятини молиявий таҳлил қилиш да қайси жиҳатларига аҳамият берилади?
4. Фирманинг иқтисодий потенциалини характерлайдиган кўрсаткичларни изоҳланг
5. Фирманинг хўжалик фаолиятини характерлайдиган кўрсаткичлар қайсилар?

Мавзу 16. Менежмент самарадорлиги.

16.1. Самарадорликка комплекс ёндашув.

16.2. Бизнес-режа ва самарадорлик.

16.3. Бошқарувни ташкил этиш ва самарадорлик.

16.4. Коммуникация, қарор қабул қилиш ва самарадорлик.

16.1. Самарадорликка комплекс ёндашув.

Унумдорлик курсаткичи бўйича бошқарув бу самарали бошқарув деганидир. Барқарор юкори унумдорликни таъминлаш барча бошқарув вазифалари ва бириктирувчи жараён коммуникация, қарор қабул қилиш ва пешкадамликни таъминлашга тааллуқлидир.

Корхонага узаро бир-бирига боглик унсурлардан иборат тизим нуктаи назаридан қараш зарур ташкилот унсурлари ҳамда ташкилотнинг ташки мухит билан бир-бирига жуда богликлиги туфайли муаммолар оон ва тез хал этилади. Бошқа ташкилий муаммолар каби келажакда унумдорликни ошириш муаммоси ҳам комплекс ёндашувни талаб қилади. унумдорликка ҳам ташки мухитнинг, ҳам тизим узгариш жараёнининг турли омиллари таъсир этади. Бу омиллар бир-бирига таъсир этиши сабабли, унумдорликни оширишнинг узгармас

(ягона) йули мавжуд булмайди. Унумдорликни оширишга каратилган куплаб уринишлар кохоналар рахбарлари уз харакатлари натижасини кура билмаганликлари сабабли муваффакиятсизликка учрайди. Уз корхонаси унумдорлигига бахо беришда энг куп йул куйиладиган хато сифатга эътибор бермай факат ишлаб чикариш хажми курсатмаларини хисобга олишдир.

Сунгги йилларда муваффакиятли фаолият юритаётган корхоналар тажрибаси сифат харажатлар мажмуининг мухим унсури эканлигини намоён килмокда. Юкори сифат сотиш мумкин булган махсулот хажмини ортиши, харидорлар томонидан кайтариладиган махсулот микдори ва кафолатли таъмирлаш хажмининг кискариши хисобига харажатлар камайишига олиб келади. Натижада компания уз ракобатбардошлигини ошириш имкониятини кенгайтиришга сарфлаш учун кушимча маблагга эга булади. Юкори сифат сотув хажмини оширади, ишлаб чикариш куламини кенгайтиришга, фойдани купайтиришга имкон яратади. Бутловчи кисмларнинг сифатли булмаслиги бутун махсулот сифатига таъсир курсатади. Корхоналар узаро боглик булгани сабабли бирор бир асосий махсулотнинг сифатсиз булиши купчилик тармокларда унумдорлик пасайишига олиб келади. Давлат аппаратидаги паст унумдорлик соликларнинг катта булишига, натижада иктсодиёт самарадорлигини оширишга сарф килиниши мумкин булган маблаглар кискаришига олиб келади.

Атроф мухит ифлосланиши даражасини камайитириш, иш жойи санитария холатини яхшилаш ва корхона ишчилари соглигини химоя килиш учун корхоналар киммат ускуналар (масалан, тутун тутгичлар) сотиб олишлари керак, бу эса харажатлар купайишига олиб келади. Истикболда атроф мухитни яхшилаш ва мехнатни мухофоза килиш иш вкти таксимлашига ва натижада мехнат унумдорлиги ортишига олиб келади.

Мехнат унумдорлигига таъсир этувчи мухим омил - корхонани бошकारीш илмига эга булишдир. Корхона унумли ишлаши учун бошкарув тизимини такомиллаштирикш зарур. Усиб бораётган ракобат шароитида рахбарят нега макбул булган карорлар бугунги кунга тугри келмаслигини билиши лозим.

16.2. Бизнес-режа ва унумдорлик.

Бизнес-режасиз юкори ва баркарор унумдорликка эришиб булмайди. Унумдорликни ошириш буйича аник махсадга эга булмай эришилган унумдорлик юкори ёки паст эканлигини аниклаб булмайди. Махсадлар кайси тадбир умуммий унумдорликни ошираётгани, кайсиси унинг усишига тускинлик килишини аниклаш учун хизмат килади.

Америкалик олимлар Рагтс ва Фелик унумдорликни микдор ва сифат воситасида ифодаланган махсадларга уз вактида эришиш учун аник ресурслардан кандай фойдаланиш курсаткичидир деб хисоблаганлар.

Корхона у ишлаб чикариши мумкин булган махсулотнинг кайсиси истеъмолчи учун зарур эканлигини аникламаган холда унумдор булайди. Яъни стратегик режалаштириш доимо бозорни ракобатни, корхона имкониятларини мнтазам тахлил этишни камраб олиши керак.

Масалан, Япония тадбиркорлари доимо истикбол учун мақсадни белгилайдилар. Улар беш-ун йилдан кейин натижа берувчи илмий-тадқиқот ишлари ва меҳнат унумдорлиги дастурларини маблағ билан таъминлайдилар. Шу сабабли, унумдорлик барқарор усишида истикболли режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Йирик корхоналар куп йиллар давомида барқарор унумдорликни таъминлаш учун уз вазифаларини қлажакка асосланиб белгилашлари лозим. Купчилик корхоналар синишининг асосий сабаби улар ҳам аҳамияти, ҳам самарадорлиги жихатидан эскирган техникадан фойдланганликларидир. Бундай корхоналар қлажакка эга эмас.

Хозирги пайтда купчилик тадбиркорлар дархол фойда олишга интилиш нотугрилигини ва узок истикболни ҳисобга олиш зарурлигини тушуниб етдилар. Унумдорликнинг истикболга мулжалланган комплекс режаларини қиска муддатли режалар билан мустаҳкамлаш зарур.

Юқори лавозимдаги раҳбарлар урта бугин раҳбарларга ҳали уз имкониятларини тулик намоён этмаган ускуна сотиб олишда қаршилиқ қурсатмасдан аксинча уларни қуллаб-қувватлашлари зарур. Раҳбарият унумдорликни ошириш учун уз маблағларини сарф қилиш ва истикбол режаларига унумдорликни ошириш дастурларини қушиш йули билан уз ҳамкорлигини намоён қилиши зарур.

Унумдорликни режалаштириш бошқарувнинг барча жараёнларида қузатилиш қерак. У қишиларни меҳнат унумдорлигини оширишга ундайди. Унумдорликни оширишнинг истикбол ва жорий режалари бажарилиши доимо назорат қилиниши қерак.

16.3. Бошқарувни ташкил этиш ва самарадорлик.

Унумдорликни оширишда бошқарувни тугри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ташкил этиш жараёни раҳбарият меҳнат ресурслари, материаллар, технология, ахборот ва қишиларни қуйилган мақсадга эришиш учун бирлаштирувчи воситадир. Бошқарувни самарали ташкил этиш натижасида (яъни, ташкилий жараёнлар созланганлиги) ресурслардан мақбул фойдаланиш, ижроқилар мажбуриятини тақсимлашда тушунмовчилик натижасида меҳнат унумдорлиги пасайишини қамайтириш, бўлинмалар узаро таъсири бўзилишига қек қуйишни таъминлайди. Тугри йулга қуйилган ташкилий жараёнлар меҳнат унумдорлиги ортишига имқон беради.

Унумдорлик бошқарувининг бошқарув технолгияси, бошқарув ишини лойиҳалаштириш ва бошқарув ташкилий тизими қаби унсурлари билан узвий боғлиқдир. Бошқарувнинг самарали технологияси меҳнат унумдорлигига энг куп таъсир қурсатувчи омилдир. Хозирги пайтда автоматлашган заводлар, робот техникаси, лойиҳалаштиришнинг автоматлашган тизимини қулловчи америкалик ва Япония ишлаб қикарувчилари бозорнинг қатта қисмини эгаллаб олмоқдалар, қунки юқори сифатли махсулотни рақобатдошларига нисбатан арзон нарҳда сотадилар.

Идора ишига қомпьютер технолгиясини жорий қилиш меҳнат унумдорлиги ортишида бошқа омилларга нисбатан купроқ аҳамиятга эга. Лекин, илгор технология ҳар доим ҳам меҳнат унумдорлиги ортишига олиб

келмайди. Бундай технология афзалликлари унга ишловчиларнинг салбий муносабати туфайли намоён булмаслиги мумкин. Технология дархакикат унумдорлик ортишига олиб келиши учун рахбарият технология талаблари уни кулловчи кишилар манфаатларига тугри келишини таъминлаши керак.

Бошқарувнинг ташкилий таркиби рахбрий ва барча даражада унга буйсунувчи ҳамда корхонанинг асосий таркибий бўлинмалари уртасидаги узаро муносабатни белгилайди. Таркиб унумдорликка маъмурий-бошқарув сонига булган нисбати оркали бевосита таъсир этади. Агар корхона уз фаолиятига салбий таъсир курсатмай бошқарувчилар сонини кискартирса, унумдорлик юкори булади. Ташкилот таркиби унча яккол намоён булмайдиган йул билан ҳам унумдорликка таъсир килади. Масалан, мутахассис ва олимлар юкоридан катъий берилган буйрукка салбий муносабатда буладилар. Бунда улар уз меҳнати натижасидан коникмайдилар ва улар меҳнати унча унумли булмайди. Ижодий ёндашувни талаб этувчи таркибга эга ташкилотлар ракобат ракобат курашида кенгрок имкониятларга эга буладилар. Жахон бозорига уз вақтида масалан, замонавий компьютр билан иш олиб бориш бу даромадларни кескин купайтириш ва унумдорликни ошириш демакдир. Кичик корхона баъзан йирик корхонага нисбатанмасаралирок булади. Корхона самарали ишлаши учун бирор вазифани бажариш бирор аник киши ёки бўлинмага топширилиши ва унга мос ваколатлар берилиши лозимлиги тажрибадан маълум. Унумдорликни жавоб берувчи бирор шахс ёки гуруҳга берилган ваколат доирасига маблагларни сарф килиш ҳукуки ҳам кириши керак.

16.4. Коммуникация, қарор қабул қилиш ва самарадорлик.

Корхоналарда ахборот ҳажми ва у билан боғлиқ кишилар сони мунтазам ортиб бормокда. Ахборот ҳажмининг ортиши унумдорликни оширишда алоқа жараёнини бошқариш аҳамиятининг ортиб боришига сабаб булмокда. Ахборотни қайта ишлаш жараёнида техника тараккиёти (компьютерлардан фойдаланиш, алоқа сунъий йулдошлар, халқаро телефон ва телевидение тармоғи) узатилувчи ахборот ҳажми ортиши ва уни узатиш вақти кискаришига олиб келди. Ахборот узатиш вақти бу уни беришдан қабул қилиб олишгача утган вақтни уз ичига олади. Масалан, балиқ овловчи флот кемалари белгиланган жойга етиб борганлиги ҳақида ахборот олиши учун ойлаб вақт керак эди. Ҳозирги пайтда флот штаби бир неча дақиқада бундай ахборотга эга булади. Ахборот узатиш вақти кискарганлиги сабабли уни қайта ишлаш ва фойдаланишга жадаллиқ билан узатилиши жисмоий ва ҳукукий шахслар фаолиятини координация қилишга ёрдам беради. Ахборотдан самаралирок фойдаланиш корхона фаолиятини ошириш учун имкон яратади. Бунда техника, кишилар, ташкилот таркиби, ташки муҳитнинг узаро таъсири ҳисобга олиниши керак.

Ахборотни қайта ишлаш соҳасига янги техника ва технология жорий этилиши билан бошқарувнинг барча даражасида унумдорлик ортишига олиб келади. Ахборотни қайта ишлашнинг янги технологиялари имкониятлари такрорланувчи вазифаларни бажариш тугри келган, дастурланган қарорларни қузда тутувчи, ёки катта ҳажмда меҳаник меҳнатни талаб қилувчи масалаларни

булади. Компьютер техникаси барча ижодий жараёнларни тезлатиш имконини беради. Алоқа техникаси зарур ахборотни уз вақтида олишга имкон яратади. Кишиларни техника билан унинг органларидан фойдаланишга ургатиш лозим.

Ахборот техникаси раҳбарга катта ҳажмда ахборотдан фойдаланишга имкон бериш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда қўл меҳнатни талаб этувчи операцияларни қисқартириш йўли билан қарор қабул қилиш жараёнини яхшилашга ёрдам беради. Ҳисоб ва қиёслаш учун ЭХМдан фойдаланувчи менежер коғозда ҳисоб-китоб қилувчи менежерга нисбатан режанинг бир нча марта қўл вариантларини таҳлил қила олиш имкониятига эгадир.

ЭХМни қўллаш ташкилот таркиби узғаришига ҳам олиб келади. Ҳозирда мутахассислар ҳал этиши зарур бўлган қўлаб қарорларни қўйи бугин бошқарувчилари, жумладан, усталар бажариши мумкин.

Агар раҳбар сифатлироқ қарор қабул қилиш ва каттароқ ҳажмда ахборотни қайта ишлаш қобилиятига эга бўлса, у назорат қилувчи масалалар ҳажми, жавобгар соҳа доирасини кенгайтириш мумкин. ЭХМни қўллаш илғари бугин раҳбарлари тўплаган ахборотнинг катта қисмини ахборот техникаси ёрдамида анча тез, тежамкорлик ва аниқлик билан тўплаши ва бу билан ишловчилар сонини қисқартириш ва бошқарув қарорини қабул қилиш жараёнини жадаллаштириш йўли билан унумдорликни ошириш мумкинлигини намоён қилди.

Хулоса.

Қорхонага узаро бир-бирига боғлиқ унсурлардан иборат тизим нуқтаи назаридан қараш зарур ташкилот унсурлари ҳамда ташкилотнинг ташқи муҳит билан бир-бирига жуда боғлиқлиги туфайли муаммолар оон ва тез ҳал этилади. Бошқа ташкилий муаммолар қабил қелажакда унумдорликни ошириш муаммоси ҳам комплекс ёндашувни талаб қилади. унумдорликка ҳам ташқи муҳитнинг, ҳам тизим узғариш жараёнининг турли омиллари таъсир этади. Бу омиллар бир-бирига таъсир этиши сабабли, унумдорликни оширишнинг узгармас (ягона) йўли мавжуд бўлмайди. Унумдорликни оширишга қаратилган қўлаб уринишлар қорхоналар раҳбарлари уз ҳаракатлари натижасини қўра билмаганликлари сабабли муваффақиятсизликка учрайди.

Таянч иборалар:

Мезон, самара, самарадорлик. Иқтисодий самарадорлик, ижтимоий самарадорлик, иқтисодий қўрсаткичлар, бошқариш сифати, қириш-қиқиш қикллари, унумдорлик назорати, ишлаб қикаришни лойихалаштириш.

Саволлар:

1. Бошқарув самарадорлиги деганда нима тушунилади?
2. Бошқарув самарадорлигининг қандай турлари Сизга маълум?
3. Иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик нима?
4. Иқтисодий самарадорлигининг қандай ҳисоб усулларини биласиз?
5. Бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини айси қўрсаткичлар аниқлайди?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисоий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари – Тошкент 2009.
2. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунлари ва 2011 йил вазифаларига бағишланган йиғилишидаги нутқи.
3. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. (12.11.2010)
4. Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. (07.12.2010)
3. Гулямов С.С. Основы современного менеджмента. –Т., 1997.
4. Зайнутдинов Ш., Муракаев И. и др. Основы менежмента. - Тошкент: Укитувчи, 1996.
5. Муракаев И.У., Саифназаров И.С. Менежмент асослари. -Тошкент: Фан, 1998.
6. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. –Т: Ўқитувчи, 2001.
8. Басовский Л.Е.Финансовый менежмент .М. “ИФРА” 2003.
9. Ишмухамедова А.Э. Қосимова М.С.ва бошқалар Лойиҳа таҳлили-Т: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси” 2004.
11. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Т: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси “ Т. 2004
12. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти Т: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси” Т. 2004.
13. Тошниеъов М.И. ва бошқалар. Машинасозлик корхоналари иқтисодиёти, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уюштириш бўйича амалий машғулотлар Т. “Ўзбекистон. 2000.
14. Шарифхўжаев.М , Абдуллаев.Е Менежмент 100 савол ва 100 жавоб . Т- “Меҳнат” 2000.
15. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. Т: 2006-2011йй. сонлари.
16. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”журнали. Т: 2006-2011йй. сонлари.
- 17 “Бозор, Пул ва Кредит”журнали. Т: 2006-2011йй. сонлари.

Қўшимча адабиётлар

1. Алимходжаев С.Р. Эффективность развития горно- металлургического комплекса Узбекистана -ТГТУ,2004.
2. Лузин Б.Г. Экономические проблемы золотодобывающей промышленности. -М: МГГУ, 1997.

3. Зайцев Н.А. Основы менеджмента. -М.: Элита, 2000.
4. Герасименков В. Основы менеджмента. –М.: Теис, 2000.
5. Друкер П.. Задачи менеджмента в XXI веке. -М.: Вильямс, 2000.
6. Даврий нашрлар (“Горный вестник Узбекистана», «Горный журнал», «Горный информационно-аналитический бюллетень», «Mining Journal»)
7. Интернет сайтлари: www.gov.uz – Ўзбекистон ҳукумати портали,
www.uza.uz – Ўзбекистон ахборот агентлиги,
www.ecsoman.edu.ru - Россия Федерация олий ўқув юртларида ўқитилаётган
фанлар бўйича ўқув-услугий комплекслар;
<http://sunny.ccas.ru/library.html> – Жаҳон кутубхоналари сервери;
www.cfin.ru - жамоавий (корпоратив) менежмент;
www.salesmanagment.ru – сотувни бошқариш;
www.gaap.ru - Халқаро стандартлар.